

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент- 2016**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:**

**филол.ф.д.,  
проф.Д.Лутфуллаева,  
филол.ф.д., катта илмий  
ходим Д.Худойберганова**

**Такризчилар:**

**филол.фан. д-ри, проф.  
З.Худойберганова,  
филол.фан.ном., доц.  
М.Сапарниязова**

**Ўқув -услугий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ .....	
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	
VII. ГЛОССАРИЙ .....	
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модули Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Мазкур модул ўзбек тили ва адабиёти йўналиши тингловчиларини бугунги кунда жаҳоннинг қатор тилшуносликларида мустақил илмий парадигма сифатида шаклланиб улгурган, бироқ ўзбек тилшунослигида эндигина ривожланаётган антропоцентрик тилшунослик йўналишлари билан таништиради, тилшуносликда кўлга киритилган энг сўнгги ютуқлар, тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлаб ўрганиш тамойилининг моҳияти, афзалликлари ҳақида маълумот беради.

Маълумки, ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиёт босқичида тил тизими ва инсон лисоний фаолияти механизмини тил эгаси бўлган шахс, унинг лисоний онги ва тафаккури, руҳияти; нутқий вазият, ижтимоий муҳит, халқ маданияти каби омиллар билан боғлиқликда ўрганишга эътибор кучаймоқда. XX сўнггида тилшунослик илмий парадигмасига «тил шахси» категориясининг киритилиши бугунги кунда когнитив лингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, социоллингвистика, прагмалингвистика, этнолингвистика каби инсон феномени муаммолари билан шуғулланувчи лингвистик йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Тилни ўрганишга бу жиҳатдан ёндашув жаҳон тилшунослигида антропоцентризм ғояларининг кенг ёйилишига туртки берди.

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” деб номланган мазкур модулда замонавий ўзбек тилшунослигига кириб келган антропоцентрик тилшуносликнинг лингвокультурология, психолингвистика, прагмалингвистика йўналишлари, уларнинг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари ҳақида маълумот бериш кўзда тутилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Антропоцентрик тилшунослик, унинг таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Тилга антропоцентрик ёндашув асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, воқеликни тил орқали акс эттириши, лисоний қобиляти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар захираси, матн яратиши механизми, матнни идрок этиши қобиляти, тил бирликларининг миллий-маданийлик белгиси каби масалалар очиб берилади. “Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” **модулнинг мақсади**

тингловчиларга айти шу масалалар бўйича назарий маълумот бериш ва уларни тил ҳодисаларини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишга ўргатишдан иборат.

**“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модулининг вазифалари:**

– тингловчиларга антропоцентрик тилшуносликнинг юзага келиши, ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, йўналишлари ҳақида маълумот бериш;

– тил ва тафаккур, тил ва руҳият, тил ва маданият муносабати масалаларини таҳлил қилиш;

– ўзбек тилида матн яратилиши ва мазмуний идрокига хос хусусиятларни когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

– ўзбек тилидаги лингвомаданий бирликларга хос хусусиятларни таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш;

– тингловчиларни тил бирликларининг психолингвистик хусусиятларини таҳлил қилишга ўргатиш;

– тингловчиларни ўзбек тили прагмалингвистикасининг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари билан таништириш;

– тингловчиларда матнни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш;

– тингловчиларга ассоциатив тажриба методи, унинг моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, ассоциатив луғат турлари ҳақида маълумот бериш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

**ТИНГЛОВЧИ:**

– тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ва моҳияти;

– антропоцентрик тилшуносликнинг асосий тушунчалари, таҳлил методлари;

– антропоцентрик тилшунослик йўналишлари;

– антропоцентрик тилшуносликда олиб борилаётган тадқиқотлар;

– антропоцентрик тилшуносликнинг долзарб муаммоларини *билиши керак*;

**ТИНГЛОВЧИ:**

– матнни антропоцентрик илмий парадигма тамойиллари асосида таҳлил қилиш;

– бадий матннинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш;

– бадий матннинг психолингвистик хусусиятларини белгилаш;

– тил бирликларининг лингвопрагматик хусусиятларини аниқлаш;

– илмий хулосани муайян тизим асосида баён этиш;

– илмий таҳлилда замонавий методологияни қўллай билиш

**кўникмаларига эга бўлиши керак;**

**ТИНГЛОВЧИ:**

- матн яратиш ва уни идрок этиш қонуниятларини илмий билиш;
- матнни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида лингвистик таҳлил қила билиш;
- матнни лингвокультурологик аспектда таҳлил қила билиш;
- матннинг психолингвистик хусусиятларини аниқлай олиш;
- тил бирликларининг лингвопрагматик йўналишда таҳлил қила олиш;
- ассоциатив тажрибалар ўтказиш, натижаларни статистик ва лингвистик таҳлил қилиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

**ТИНГЛОВЧИ:**

- тил бирликларининг моҳиятини антропоцентрик илмий парадигма тамойиллари асосида очиб бериш;
- тил бирликларини лингвистик таҳлил қилишнинг анъанавий ва янгича усулларини фарқлаш, тил ҳодисаларини тилшуносликнинг замонавий тадқиқ усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш;
- тилга антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ёндашувнинг ўрни ва амалий аҳамияти юзасидан умумлашма илмий хулосалар чиқара билиш ва матнни мустақил таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лаёқатларига **эга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғлиқ ва педагогларнинг умумий ва махсус фанлар бўйича тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

“Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий тилшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ва

янги йўналишларидан хабардор бўладилар, жаҳон тилшунослигида тил ходисаларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган илғор тажрибалар билан танишадилар, тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Му стақил таҳлим	
			Жами	Жумладан			
				Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўч ма маш ғулот
1.	Тилга антропоцентрик ёндашувнинг моҳияти.	2	2	2			
2.	Матннинг лингвокультурологик тадқиқи.	8	8	2	4		2
3.	Матнни психолингвистик таҳлил қилиш асослари.	6	6	2	4		
4.	Психолингвистикада ассоциатив тажриба методи.	4	4	2	2		
5.	Лингвистик прагматиканинг назарий масалалари.	6	6	2	2		2
6.	Тил бирликларининг лингвопрагматик моҳияти.	4	4	2	2		
		30	30	12	14		4

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу. Тилга антропоцентрик ёндашувнинг моҳияти Режа:

1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши.
2. Антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари.
3. Антропоцентризм ва ўзбек тилшунослиги.
4. Антропоцентрик тилшуносликнинг долзарб муаммолари.

## **2-мавзу. Матннинг лингвокультурологик тадқиқи**

### **Режа:**

1. Лингвокультурологиянинг шаклланиши, ўрганиш объекти, назарий масалалари.
2. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни.
3. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни.
4. Тасаввур асосидаги матнларнинг хусусиятлари.

## **4-мавзу. Матнни психолингвистик таҳлил қилиш асослари**

### **Режа:**

1. Нутқ яратилишининг психолингвистик талқини.
2. Матн психолингвистик ёндашувлар талқинида.
3. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши.

## **5-мавзу. Психолингвистикада ассоциатив тажриба методи**

### **Режа:**

1. Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши.
2. Ассоциатив тажриба методининг моҳияти.
3. Ассоциатив тажриба турлари.
4. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши, амалий аҳамияти.

## **6-мавзу. Лингвистик прагматиканинг назарий масалалари**

### **Режа:**

1. Лингвопрагматиканинг шаклланиши, тадқиқ доираси.
2. Дейксис назарияси ва ўзбек тилининг дейктик бирликлари.
3. Прагматик пресупозиция ҳодисаси.
4. Хулоса.

## **7-мавзу. Тил бирликларининг лингвопрагматик моҳияти**

### **Режа:**

1. Лексик ва морфологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.
2. Синтактик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.
3. Тилда баҳо муносабатининг ифодаланиши.
4. Хулоса.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ**

### **1-мавзу. Ўзбек тилида лингвокультурологик бирликларнинг ифодаланиши**

#### **Режа:**

1. Концепт ва тушунча терминларини фарқлаш (мунозара, суҳбат).
2. Лингвомаданий бирликларнинг матнда ифодаланиши (амалий машқ).



3. Ўхшатиш ва ибораларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш (лингвистик таҳлил).

## **2-мавзу. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши**

### **Режа:**

1. Бадиий матнда асар персонажи руҳий ҳолатининг ифодаланиши (бадиий матн таҳлили).
2. Персонаж руҳий ҳолатининг адиб нутқи орқали берилиши (бадиий матн таҳлили).
3. Персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракати тасвирида руҳий ҳолатнинг ифодаланиши (бадиий матн таҳлили).

## **3-мавзу. Метафораларнинг матн яратилишидаги роли**

### **Режа:**

1. Когнитив (концептуал) ва лингвистик метафора терминларининг моҳияти (мунозара, суҳбат).
2. Сўз-метафораларнинг психоллингвистик ва когнитив жиҳатлари (лингвистик таҳлил).
3. Сўз бирикмаси шаклидаги метафораларнинг матн яратишдаги аҳамияти (бадиий матн таҳлили).
4. Гап шаклидаги метафораларнинг хусусиятлари (бадиий матн таҳлили).

## **4-мавзу. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни**

### **Режа:**

1. Прецедент бирликларнинг моҳияти (мунозара, суҳбат).
2. Прецедент номларнинг лингвомаданий хусусияти (бадиий матн таҳлили).
3. Прецедент жумлалар ва уларнинг бадиий матнда қўлланиши (бадиий матн таҳлили).
4. Прецедент матнларнинг лингвомаданий хусусияти (бадиий матн таҳлили).

## **5-мавзу. Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик таҳлил қилиш**

### **Режа:**

1. Ассоциатив тажриба методининг амалий аҳамияти (мунозара, суҳбат).
2. Ассоциатив тажриба натижаларининг статистик таҳлили (амалий машқ).
3. Ассоциатив тажриба натижаларининг лингвистик таҳлили.

## **6-мавзу. Лексик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари**

### **Режа:**

1. Лексик бирликлар пресуппозицияси (мунозара, суҳбат).

2. Лексик бирликларда баҳо муносабатининг ифодаланиши (лингвистик таҳлил).
3. Лексик бирликлар коннотацияси (лингвистик таҳлил).

### **7-мавзу. Морфологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари**

**Режа:**

1. Морфологик бирликлар пресуппозицияси (мунозара, суҳбат).
2. Мустақил сўзлар прагматикаси (лингвистик таҳлил).
3. Ёрдамчи сўзларнинг прагматик таҳлили.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (назарий билим олиш, кўтарилган муаммо ечими устида ишлаш, назарий билимни амалиётга татбиқ этиш ва мустахкамлаш);

- давра суҳбатлари (таҳлил этилаётган муаммога муносабат билдириш, унинг ечимини топиш, мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (назарий муаммо бўйича асосли далилларни тақдим қилиш, муаммолар ечимини топишда фаол қатнашиш ва қобилиятни ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

№	Ўқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулотда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

**Намуна.**

**Фикр:** “Ассоциатив бирликлар инсон тафаккурида гуруҳларга бирлашиб, ассоциатив майдонни ҳосил қилади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади.** Мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, билимларини текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга алоқадор тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчил мазкур тушунчаларнинг қандай маънони англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўз жавобини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Ассоциатив лингвистика” га оид таянч тушунчалар

Тушунчалар	Сизнингча, бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Ассоциатив бирликлар	Ассоциатив бирликлар - лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида инсон тафаккурида бир-бирини ёдга солувчи бирликлардир.	
Ассоциатив тажриба методи	Ассоциатив тажриба методи тил бирликлари ортида турган лисоний онг фаолияти, унда воқелик образининг ҳосил бўлиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги қиёфаси, инсоннинг лисоний хотираси ва тафаккури фаолияти механизмини амалий тажрибалар орқали ўрганишга имконият яратувчи методдир.	
Ассоциатив майдон	Бир-бирини ёдга солувчи ассоциатив бирликлар йиғиндиси <i>ассоциатив майдон</i> деб номланади.	
Ассоциатив майдон ядроси	Тил эгалари томонидан стимул сўзга энг кўп берилган жавоб реакциялари йиғиндиси ассоциатив майдон ядросини ташкил этади.	
Ассоциатив майдон чегараси	Ассоциатив майдоннинг тил эгалари томонидан стимул сўзга энг кам берилган жавоб реакциялари ўрин олган қисми майдон чегараси ҳисобланади.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар тушунгача оид шарҳларини қайд этадилар.

#### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчилар фаоллигини ошириш, эгалланган билимларни таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни тингловчиларни баҳолаш, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижа беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган тарқатма материаллари берилади. Шундан сўнг иштирокчилар топшириқни бажариб, тўғри жавобни тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилайдилар. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради, гуруҳ аъзолари топшириқ бўйича келишган ҳолда жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадиладар. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри жавоблар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Ассоциатив тажриба ўтказиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб кўринг!**

Топшириқлар мазмуни	Я	Я	Т	Г	Г
	кка баҳо	кка хато	ўғри жавоб	уруҳ баҳоси	уруҳ хатоси
Сўров анкеталарини яратиш.					
Синалувчиларни белгилаш.					
Стимул сўзларни ажратиш.					
Ассоциатив тажриба турини белгилаш.					
Ассоциатив тажриба натижаларини умумлаштириш.					
Ассоциатив тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш.					

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. Тилга антропоцентрик ёндашувнинг моҳияти

##### Режа:

1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши.
2. Антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари.
3. Антропоцентризм ва ўзбек тилшунослиги.
4. Антропоцентрик тилшуносликнинг долзарб муаммолари.

**Таянч иборалар:** *систем-структур парадигма, антропоцентрик парадигма, психоллингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагматлингвистика, социоллингвистика, лингвистик семантика, когнитив тузилмалар, лисоний-когнитив фаолият.*

#### 1.1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши

Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тил эгаси – сўзловчи шахс омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши структурализмнинг тилни тадқиқ этишнинг “ўзида ва ўзи учун” тамойилини четга суриб, асосий эътиборини шахс омилига қаратди<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда тилшуносликнинг етакчи парадигмаларидан бири сифатида тан олинаётган антропоцентризмнинг илдизлари В.фон Гумбольдт ҳамда Л.Вайсгербернинг назарий қарашларидан озиқланди<sup>2</sup>.

*Антропоцентризм* сўзи юнонча *anthropos* – одам ҳамда латинча *centrum* - марказ маъносини билдирувчи сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган<sup>3</sup>.

*Антропоцентризм* термини дастлаб қадимги юнон фалсафасининг “Инсон – коинот марказидир” деган ғояни илгари сурувчи қарашига нисбатан қўлланган бўлиб, бу ғоя айниқса Ўрта асрларда Европада кенг тарқалди<sup>4</sup>.

Антропоцентрик парадигма тилни имманент тарзда, яъни ўз эгасидан айро ҳолда тадқиқ этишга антипозитивистик қарашларнинг юзага келиши натижасида шаклланди<sup>5</sup>. Жаҳон тилшунослигида матнни антропоцентрик

<sup>1</sup> Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – С. 17; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. – М.: Флинта, 2014. – С. 8.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.5

<sup>4</sup> Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 8.

<sup>5</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 3-жилд. – Б. 262-263.

парадигма асосида ўрганиш асосан лингвистик семантика, лингвокогнитология, психолингвистика, лингвокультурология, прагматик тилшуносликка оид тадқиқотларда кўзга ташланади. Хусусан, Н.Хомский, У.Чейф, Б.А.Серебренников, Л.В.Шчерба, Ю.Н.Степанов, И.Р.Гальперин, Н.И.Караулов, Н.И.Жинкин, А.А.Леонтьев, Ж.Лакофф, Т.А.ван Дейк, А.Вежбицкая, Е.С.Кубрякова, Э.Рош, В.П.Белянин, В.З.Демьянков, В.А.Маслова, Т.М.Дридзе, К.Ф.Седов каби тилшуносларнинг ишларида тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган.

Проф. Ш.Сафаров антропоцентрик парадигманинг юзага келишини қуйидагича изоҳлайди: “Систем-структур парадигма ўзидан олдин юзага келган қиёсий-тарихий парадигманинг “атомистик”, яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-бирдан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган нуқсонларини бартараф қилиш йўлини тутди. Систем-структур йўналишнинг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборатдир. Аммо бу икки парадигманинг умумий камчилиги борлиги ҳам маълум бўлди: бу йўналишларда тил ўз эгаси – инсондан ажралиб қолди. Ушбу нуқсонни йўқотиш йўлидаги уринишлар прагматик ва когнитив тилшунослик парадигмаларининг яратилишига сабаб бўлди”<sup>1</sup>.

Проф. Н.Маҳмудов эса тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, қуйидаги фикрларини баён қилади: “Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Довлатовнинг “инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади” деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А.Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини, инсоннинг ўзидан, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилиятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди”<sup>2</sup>.

Тилшуносликда тил тизимини антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганиш асосан лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Антропоцентрик парадигма асосида яратилган ишларда тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Ўзбек тилшуносларининг лингвистик семантика, прагматика, когнитив тилшуносликка оид тадқиқотлари ўзида антропоцентрик йўналиш тенденцияларини намоён қилса-да, бу борадаги тадқиқотлар ҳали етарли даражада эмас.

## **1.2. Антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари**

Бугунги кунда лисоний фаолият бажарувчиси бўлган шахс омилини ўрганиш тилшунослик соҳалари – психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагматик лингвистика каби соҳаларда чуқурлашиб бормоқда. Айни вақтда, тилга антропоцентрик ёндашув ушбу соҳаларнинг

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Прагматик лингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008. – Б. 35.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6-7.

энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этиб, мустақил парадигма сифатидаги мақомини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг эътироф этишича, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари ҳисобланади<sup>1</sup>. Биз ҳам бу фикрни эътироф этган ҳолда психолингвистика соҳасини ҳам шу қаторга киритиш лозим, деган фикрни илгари суриш тарафдоримиз. Зеро, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология жуда кўп нуқталарда психолингвистика билан кесишади. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, тадқиқ объектимиш бўлган матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки масаласи бевосита психолингвистик омилларга ҳам дахлдор ҳисобланади. “Психолингвистика асослари” китобининг муаллифлари И.Н.Горелов, К.Ф.Седовларнинг таъкидига кўра, психолингвистика тилшуносликдаги антропоцентрик йўналишнинг ядросини ташкил этади<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзининг илк қадамларини кўйган когнитив тилшунослик XXI аср бошидаёқ лингвистиканинг пешқадам соҳаларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозирги вақтда ушбу соҳанинг бир неча йўналишлари мавжуд.

Когнитив тилшунослик тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи соҳадир. В.З.Демьянков фикрига кўра, унда тил тизимининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади<sup>3</sup>. Олимнинг таъбирича, “... тилшунослик майдонида старт олган тадқиқотчи финишда “қўшма фанлар” манзилига етиб келади”<sup>4</sup>. Яъни когнитив тилшунослик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсдан ушбу соҳанинг юзага келишига асос бўлган психология, неврология, гносеология, социология, сунъий интеллект каби фанлар алифбосидан ҳам хабардор бўлиш талаб этилади.

Когнитив тилшунослик когнитив фаолият тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир<sup>5</sup>.

*Когниция* тушунчаси ҳам когнитив тилшуносликда марказий ўринда турувчи тушунча бўлиб, у илмий адабиётларда ахборотни идрок этиш, кодлаштириш ва яратиш каби жараёнлар тизими сифатида изоҳланади<sup>6</sup>.

Дунё тилшунослигида прагматингвистика, дискурсив таҳлил, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби соҳаларнинг юзага келиши ва ривожланиши қатор тил бирликлари талқинида ҳам жиддий назарий

<sup>1</sup> Қаранг: Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16..

<sup>2</sup> Горелов И.Н., Седов К.Ф. Основы психолингвистики: Учеб. пособие. – М.: Лабиринт, 2001. – С. 4.

<sup>3</sup> Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола.

<sup>4</sup> Демьянков В.З.Кўрсатилган мақола.

<sup>5</sup> Краткий словарь когнитивных терминов. Составители: Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г. – М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – С. 47.

<sup>6</sup> Кўрсатилган луғат. – Б.51.



карашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, матн таҳлиliga антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш бугунги тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Мураккаб ва серқирра ҳодиса ҳисобланган матн тадқиқида сўзловчи – матн – тингловчи (матн муаллифи – матн – реципиент) дан иборат учлик асосий объект бўлиши лозимлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан таъкидланмоқда<sup>1</sup>.

Матн тадқиқида оид ишларда уни яратувчи шахсга эътиборнинг қаратилиши дастлаб психоллингвистика ва прагмаллингвистика йўналишидаги тадқиқотларда кўзга ташланган бўлса, бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган когнитив тилшунослик, функционализм, этнолингвистика, лингвокультурология, дискурсив таҳлил каби соҳалар ушбу масалани тилшуносликнинг марказий муаммоларидан бирига айлантирди.

Маълумки, когнитология ўз моҳиятига кўра семантика билан узвий боғлиқ. А.В.Кравченконинг фикрига кўра “... когнитив тилшунослик ўз олдига тил воситасида билимларни сақлаш, ифодалаш ва узатиш механизмларини тадқиқ этишни асосий вазифа қилиб қўяди”<sup>2</sup>. Жаҳон тилшунослигида яратилган бой назарий маълумотларга суянган ҳолда муайян ижодкор шахс тилининг лингвокогнитив хусусиятларини ўрганиш ўзбек тили соҳибларининг “тафаккур грамматикаси”ни ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Матн яратилишида шахснинг когнитив фаолиятини тадқиқ этиш ўзбек менталитетига хос фикрлаш тарзини ҳам чуқурроқ ёритишга хизмат қилади. Зеро, матнда концептуаллашган фикр айрим ҳолларда этник характерда ҳам бўлиши мумкин<sup>3</sup>.

### **1.3. Антропоцентризм ва ўзбек тилшунослиги**

XXI асрнинг дастлабки йилларидан ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма асосида бажарилган тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу ишлар, асосан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: 1) социоллингвистика; 2) когнитив тилшунослик; 3) лингвистик прагматика; 4) психоллингвистика; 5) антропоцентрик парадигманинг умумназарий масалалари.

Бу тадқиқотлар, гарчи уларда антропоцентрик парадигмага муносабат билдирилмаган бўлса-да, ўзида ушбу парадигма тамойилларини акс эттирган дастлабки ишлар ҳисобланади.

С.М.Мўминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбекларнинг ўзига хос мулоқот хулқи ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Тадқиқотдан мулоқот хулқининг миллий характер билан алоқадор жиҳатлари ҳақида, шунингдек, унинг инсон психологияси ва физиологияси билан

<sup>1</sup> Қаранг: Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. – М., 2001. Т.1. – С.72-81.

<sup>2</sup> Кравченко А.В. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск: ИГУ, 2001. – №1. – С.60.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Прагмаллингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008. – Б. 245.

боғлиқлиги хусусидаги қарашлар ҳам ўрин олганки, буни тил тизимида антропоцентрик ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Олим, жумладан, шундай ёзади: “МХ (мулоқот хулқи – Д.Х.) муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, кадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб мутлақо ўрганиш мумкин эмас. Чунки МХ миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир”<sup>1</sup>.

С.М.Мўминов ўз тадқиқотида мулоқотнинг психолингвистик аспекти таҳлил қилар экан, тилнинг инсонга таъсири унинг вазифаларидан бири эканлигини таъкидлайди: “Мулоқот инсон психологияси ва физиологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса руҳият билан боғлиқдир. Танани руҳ бошқариб туради. Демак, руҳга таъсир этган ҳар қандай нарса танага ҳам таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси мулоқотнинг психофизиологик аспекти ташкил этади”<sup>2</sup>.

Олим ХХ асрнинг 2-ярмидан ижтимоий фанларнинг ўзаро яқинлашганлиги натижасида социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика каби туташ фанлар юзага келганлигини таъкидлар экан, “инсон нутқини фанларнинг мана шу каби туташ нуқтасида тадқиқ этиш фикрини илгари суради”<sup>3</sup>.

Проф. Ш.Сафаровнинг 2006 йилда нашр қилинган “Когнитив тилшунослик” номли монографияси бу соҳага оид назарий қарашларнинг ўзбек тилшунослигига кириб келишида муҳим кадам бўлди<sup>4</sup>. Муаллиф таъкидлаганидек, рисоланинг мақсади – “ўзбек ўқувчиларини когнитив тилшуносликнинг асосий муаммолари, тадқиқ методлари билан таништириш”<sup>5</sup>дан иборат.

Ушбу асарда когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари, концептнинг лисоний воқеланиши жараёни, сценарий, скрипт, фрейм, гештальт каби когнитив тузилмалар, шунингдек, лисоний-когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳамда лисоний ҳодисаларнинг когнитив таҳлили ҳақида дунё тилшуносликларида мавжуд бўлган назарий қарашлар ҳақида баҳс юритилади. Рисола умумназарий аспектда ёзилган бўлиб, когнитив тилшунослик йўналишида тадқиқот олиб боровчи мутахассислар учун катта амалий аҳамият касб этади.

Китобнинг муҳим назарий жиҳатларидан бири шундаки, унда тил ва тафаккур муносабати миллий менталлик ва миллий маданият тушунчалари билан узвийликда таҳлил қилинган. Ш.Сафаров, жумладан, бу борада қуйидаги фикрларни билдиради: “Тилнинг тафаккур билан алоқасини ҳозирча ҳеч ким инкор этган эмас (хатто бунга ҳаракат ҳам қилинган эмас). Бироқ тил ва тафаккур алоқасини “тенг ҳуқуқли ҳамкорлик” даражада

<sup>1</sup> Мўминов С.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 36.

<sup>2</sup> Мўминов С.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 19-20.

<sup>3</sup> Мўминов С.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 10.

<sup>4</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 91.

<sup>5</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б. 6.

кўрмоқ керак. Аслида, тилга ҳам, тафаккурга ҳам таъсир ўтказадиган маданиятдир<sup>1</sup>.

Проф. А.Маматов томонидан эълон қилинган “Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?” номли мақолада ҳам когнитив тилшуносликнинг вазифаси ва унга оид тушунчаларнинг лингвистик моҳияти ҳақида фикр юритилган<sup>2</sup>. Мақолада Н.Хомский, Ж.Лакофф, Р.Лангакер, Р.Жекендоф, Ч.Филлмор, Е.С.Кубрякова, Е.Д.Рахилина, В.Н.Телия, З.Д.Попова, Н.Ю.Шведова, Н.Ф.Алефиренко каби тилшуносларнинг когнитив тилшуносликнинг асоси бўлган прототип, сценарий, фрейм, концептуаллаштириш, категориялаштириш, концептосфера каби терминлар борасидаги фикрлари таҳлил этилган. Ушбу мақола ҳам умумназарий аспектда ёзилган бўлиб, когнитив тилшунослик “алифбоси”га оид фикрларни умумлаштириш мақсад қилиб олинган. Мақола муаллифи, жумладан, тил тизимини когнитив жиҳатдан таҳлил қилиш борасида фикр юритар экан, шундай деб ёзади: “Тилга бўлган когнитив ёндашув – бу тил шаклининг охир-оқибат инсон онги, фикри, билиш структураларининг акс эттирилишидир. Когнитивлик ўз тузилишига кўра инсоннинг билиш фаолиятига таянган барча типдаги билимларнинг тизимлашишини ифодалайди”<sup>3</sup>.

Ўзбек тилшунослигида матн антропоцентрик парадигма асосида таҳлил этилган дастлабки ишлардан бири И.А.Азимованинг “Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи” номли диссертацияси ҳисобланади<sup>4</sup>. Тадқиқотда асосий эътибор “матнни тушунишга таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларни психолингвистик тажрибалар асосида аниқлаш, матннинг мазмуний перцепциясидаги бирликларни аниқлаш ва уларнинг формал-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш”га<sup>5</sup> қаратилган. Олима йўналтирилган ассоциатив тажриба усули ёрдамида газета матнлари перцепцияси бўйича қуйидаги даражаларни белгилайди: ассоциатив даража, лексик-морфологик даража, контекстуал даража, структурал даража ва матн даражаси<sup>6</sup>. Тадқиқотчи бунда “стимул матндаги лисоний омиллар, матндаги сўзларнинг айнан эслаб қолиниши, эслаб қолинган сўзларнинг контекстуал маъноларининг конкретлашиши, стимул матнга хос мазмуний структуранинг шаклланиши ва яхлит матн проекциясининг ҳосил бўлиши”<sup>7</sup>ни матн гидрокидаги асосий жараёнлар сифатида белгилайди. И.А.Азимованинг

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б. 70.

<sup>2</sup> Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Тилшуносликнинг долзарб масалалари: Проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-219.

<sup>3</sup> Маматов А.Э. Ўша мақола. – Б. 213.

<sup>4</sup> Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.

<sup>5</sup> Азимова И.А. Кўрсатилган автореферат. – Б. 4.

<sup>6</sup> Азимова И.А. Кўрсатилган автореферат. – Б. 20.

<sup>7</sup> Азимова И.А. Кўрсатилган автореферат. – Б. 11-12.

фикрича, сўз, сўз шакли, сўз бирикмаси ва синтагма матн мазмуний гидрокидаги бирликлар ҳисобланади<sup>1</sup>.

И.Азимованинг мазкур иши ўзбек тилшунослигида газета матнлари гидрокининг биринчи марта психоллингвистик тажрибалар асосида тадқиқ этилганлиги билан эътиборга моликдир. Тадқиқот ўзбек тилшунослигида матнни психоллингвистик таҳлил этишга доир навбатдаги ишлар учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муайян аҳамияти касб этади.

М.Х.Ҳақимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматикага оид назарий масалалар биринчи марта монографик аспектда тадқиқ этилди<sup>2</sup>. Мазкур тадқиқотда лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, ушбу йўналишнинг тилшуносликнинг бошқа йўналишлари билан муносабати ҳақида баҳс юритилган, матн семантик тузилишида қатнашувчи прагматик мазмун турлари ўзбек тилидаги матнлар мисолида тадқиқ этилган. М.Х.Ҳақимовнинг мазкур тадқиқоти ўзбек тилшунослигидан ҳозирги вақтда антропоцентризмнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган лингвистик прагматикага доир тушунча ва терминларнинг ўрин олишида муҳим аҳамият касб этди. Тадқиқот, хусусан, нутқий акт назарияси ҳамда матннинг прагмасемантик масалаларини ёритиб берганлиги билан эътиборга молик. Диссертацияда гарчи *лингвокультурология* термини қўлланмаган бўлса-да, лингвистик прагматика назарияси тилнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланади.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика йўналишининг ривожидида проф. Шаҳриёр Сафаровнинг “Прагмалингвистика” номли монографияси алоҳида ўрин тутди<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотнинг назарий аҳамияти проф. Абдулҳамид Нурмоновнинг “Имманентликдан когнитивликка” номли мақоласида чуқур асослаб берилган<sup>4</sup>.

Монографияда Ш.Сафаров тил ва нутқ дихотомияси, лисоний фаолият, лисоний қобилият, дискурс каби тушунча ва терминлар ҳақидаги жаҳон тилшунослигида мавжуд фикрларга шахсий муносабати яққол сезилиб туради.

Энг кейинги даврларда ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигманинг муҳим соҳаларидан бири бўлган лингвокультурологияга бўлган қизиқиш ортганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, А.Нурмоновларнинг ушбу соҳага алоқадор бўлган мақолалари эълон қилинди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Азимова И.А. Кўрсатилган автореферат. – Б. 13.

<sup>2</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2001. – 283 б.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2008.

<sup>4</sup> Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. – № 6. – Б. 104-107.

<sup>5</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39; Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19.

Проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули” номли мақоласи ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларнинг тил ва нутққа муносабати тайин этилганлиги, шунингдек, уларнинг “миллий образли тафаккур тарзини намоён этадиган бирликлар”<sup>1</sup> сифатида таърифланиб, бу каби образли бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш муаммоси қўйилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Н.Маҳмудов бу борадаги фикрларини “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”га ёзган сўзбошисида янада чуқурлаштирди<sup>2</sup>.

Кейинги йилларда антропоцентризмнинг умумназарий масалаларига бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилинди. Проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида “Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб...” сарлавҳаси билан эълон қилинган мақоласида ўзбек тилшунослигида илк марта антропоцентризм парадигмаси ва унга алоқадор муаммолар ҳақида чуқур илмий асосга эга бўлган мулоҳазалар баён этилди<sup>3</sup>. Мақола ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма борасидаги илмий тушунчаларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мақола муаллифи “парадигма” терминининг илмий талқинларига муносабат билдириб, бир парадигмани бошқа парадигмага қарши қўйиш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Н.Маҳмудовнинг фикрича, “антропоцентризм тилшунослар томонидан фақат тил тадқиқигина нисбатланган тушунча ёки парадигма эмас, антропоцентризм бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодисадир”. ... антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади”<sup>4</sup>.

Проф. Э.Бегматов 2013 йилда эълон қилган мақоласида ўз эътиборини “антропонимик бирликларда антропоцентрик усул учун материал бера оладиган хусусиятлар”ни<sup>5</sup> аниқлашга қаратган. Олимнинг таъкидига кўра, антропонимларнинг инсон хоҳиши ва фаолияти билан боғлиқ эканлиги, уларда инсоннинг эҳтиёжи ва ижоди намоён бўлиши, инсон номида қадимий давр кишиларининг маданий-маънавий ва этник қарашлари ўз ифодасини топганлиги, умуман, исмлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший турмуши билан боғлиқ эканлиги уларни антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш учун асос бўла олади.

Проф. А.Нурмонов эса ўз мақоласида лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, тил ва маданият алоқасига оид муносабатини ҳам билдириб ўтади. Олим лингвистик нисбийлик назарияси асосчилари Б.Уорф ва Э.Сепирнинг тил ва тафаккурнинг маданият шакли эканлиги<sup>6</sup> ҳақидаги фикрларини

<sup>1</sup> Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 23.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 3-10.

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 5-16.

<sup>4</sup> Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 6.

<sup>5</sup> Бегматов Э. Кўрсатилган мақола.

<sup>6</sup> Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 12.

этироф этиш билан бирга тиллар ўртасида умумий томонлар ҳам бор эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Ҳар бир тилда халқнинг руҳи, миллий маданияти, ўзига хос дунёни кўриш, идрок этиш тарзи намоён бўлиш билан бирга, тиллар ўртасида образ яратишдаги шундай умумий жиҳатлар борки, булар умуминсоний тафаккур маҳсули сифатида юзага чиқади”<sup>1</sup>.

Проф. А.Нурмоновнинг фикрига кўра, тил ва маданият ўртасида алоқани тадқиқ этган олимлар 3 та гуруҳга бўлинади: “Биринчи йўналиш В.Гумбольдт, Э.Сепир ва Б.Уорф номлари билан боғлиқ бўлиб, улар тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатида тилни белгиловчи куч деб ҳисоблайдилар”<sup>2</sup>. Олим бу қарашни бирёқлама деб ҳисоблайди. Жумладан, у шундай деб ёзади: “... номинацияга асос бўлган образ марказини идрок қилишда турли типдаги тилларда ўзига хос умумий жиҳатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳам лингвистик нисбийлик назариясининг оламни идрок қилишда тилнинг роли устувор эканлиги ҳақидаги хулосаси бирёқлама эканлигидан далолат беради”<sup>3</sup>.

А.Нурмоновнинг фикрича, тил ва маданият муносабати ҳақидаги иккинчи нуқтаи назарда бу икки ҳодиса ўртасидаги алоқа тамоман инкор этилади. Олимнинг қарашига кўра, ушбу масала ҳақидаги учинчи нуқтаи назарда юқоридаги икки қарама-қарши фикрлар ўзаро синтезланади<sup>4</sup>. Жумладан: “... тил ва маданият ўзаро боғлиқ ва айни пайтда фарқли ҳодисалардир. Тил ва маданият муносабатида тилнинг роли катта. Ҳар бир халқнинг ўзига хос этномаданияти унинг тили орқали ифодаланади. Лекин объектив борлиқда ана шу этномаданият мавжудлиги учун у тилда ўз ифодасини топади. Демак, тил ва маданият муносабатида ҳам *объектив борлиқ – онг – тил* муносабати амал қилади”<sup>5</sup>.

Ўзбек тилшунослигининг таниқли вакиллари томонидан ёзилган юқоридаги уч мақола тилшунослигимизга лингвокультурологик таҳлиллар эндигина кириб келаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади ва, айниқса, улар ёш тадқиқотчилар учун йўналтирувчи хусусиятга эгаллиги билан диққатга сазовордир<sup>6</sup>.

Тилшунос олим А.Раҳимовнинг тилни парадигмалар асосида ўрганишга бағишланган мақоласида ҳам антропоцентрик парадигмага муносабат билдирилган<sup>7</sup>. Олимнинг фикрига кўра, “Тилшунослик фани тарихидаги учинчи макропарадигма<sup>8</sup> **антропоцентрик парадигма (коммуникатив ёки номинатив-прагматик парадигма)** деб ҳисобланади. Ушбу парадигма

<sup>1</sup> Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 18.

<sup>2</sup> Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19.

<sup>3</sup> Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 15.

<sup>4</sup> Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 15.

<sup>5</sup> Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 18.

<sup>6</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.8

<sup>7</sup> Раҳимов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 20-25.

<sup>8</sup> А.Раҳимов компаративистик парадигмани тилшунослик фани тарихидаги биринчи макропарадигма, систем-структур парадигмани эса иккинчи макропарадигма деб ҳисоблайди. Қаранг: Раҳимов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 22-23.

тилни курук структура сифатида эмас, балки жонли мулоқот ва коммуникацияга асосланган очик система сифатида ўрганувчи, бошқа системалар – жамият, инсон, маданият, рухият қабилар билан узвий алоқадорликда таҳлил этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мажмуидир”<sup>1</sup>.

А.Раҳимов тил ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ўртасидаги алоқани ёритишда инсон “олтин кўприк” вазифасини ўтайди”<sup>2</sup>, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг фикрича, когнитив, социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, нейролингвистик, прагматик ва лингвокультурологик парадигмалар антропоцентрик парадигма таркибига кирувчи минипарадигмалар ҳисобланади<sup>3</sup>.

#### **1.4. Антропоцентрик тилшуносликнинг долзарб муаммолари**

Тилшуносларнинг фикрича, антропоцентрик парадигма ўтган асрда структурализм муваффақиятлари натижаси сифатида юзага келган “ўзида ва ўзи учун” тамойилини бутунлай четга суриб қўйди. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилди<sup>4</sup>.

Айтиш жоизки, илмий парадигмага “тил эгаси” категориясининг киритилиши тилшуносликда шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият каби тушунчаларнинг янада фаоллашишини тақозо этади<sup>5</sup>. Шахс омилининг тадқиқи тилшунослик фанининг психология, фалсафа, мантик, маданиятшунослик каби фанлар билан бир нуктада кесишишга ҳам олиб келади.

“Тил эгаси” тушунчаси ҳозирги вақтда асосан қуйидаги маъноларда ишлатилмоқда: а) муайян тилда нутқий фаолиятни амалга оширувчи, яъни нутқ тузиш ва уни идрок этиш қобилиятига эга бўлган шахс; б) тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланувчи шахс, коммуникант; в) ўз миллатининг миллий-маданий, маънавий қадриятларини акс эттирувчи луғат таркибини эгаллаган, уни намоён этувчи шахс; муайян тил вакили<sup>6</sup>.

Ҳозирги тадқиқотларда тилшуносликнинг турли йўналишлари шахс омили масаласига ўз хусусиятидан келиб чиқиб ёндашмоқда.

Матн талқини ва шахс омили масаласи матн яратилиши ва унинг мазмуний перцепцияси муаммолари билан узвий боғлиқдир. Бу масалани тадқиқ этишда матн яратувчи шахснигина эмас, уни идрок этувчи шахс – тингловчи ёки ўқувчи омилини ҳам ўрганиш муҳимдир. Рус тилшуноси Р.И.Гальпериннинг фикрига кўра эса, қоғозга ёзилиб, ҳали ўқилмаган матн

<sup>1</sup> Раҳимов А. Қўрсатилган мақола. – Б. 24.

<sup>2</sup> Раҳимов А. Ўша ерда.

<sup>3</sup> Раҳимов А. Ўша ерда.

<sup>4</sup> Қаранг: Воркачев С.Т. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64.

<sup>5</sup> Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 5.

<sup>6</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.12.

харакатсиз матндир<sup>1</sup>. Хусусан, ёзма матн ўқувчи томонидан ўқилмагунча ҳаракатга келмайди, унда ифодаланган мазмун ва прагматик мақсад, оҳанг орқали юзага келган кайфият реципиент томонидан тушунилмайди ва ҳис этилмайди.

Матн ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганиш тадқиқ объектига турли жиҳатлардан, хусусан, семантик, психологик, прагматик, когнитив ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади.

Матн яратилишида ёзувчи (ёки сўзловчи) омилини тадқиқ этиш индивидуал услуб масаласини ҳам чуқурроқ ёритишга олиб келади. Зеро, тилшунослигимизда муайян ёзувчи ёки шоир услуби асосан сўз ва гап сатҳи мисолида ўрганилган. Индивидуал услубга бу тарздаги ёндашув кўп ҳолларда ижодкор услубининг барча қирраларини тўлиқ кўрсатиб беришга монелик қилади.

Н.И.Жинкин таъбири билан айтганда: “Инсон алоҳида гаплар воситасида эмас, матн воситасида сўзлайди”<sup>2</sup>. Шу сабабли ҳам, муайян шахс услуби у яратган матнлар асосида тадқиқ этилсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин. Бирор ёзувчи ёки ижодкорнинг нутқий услубини унинг сўз қўллаш ёки жумла тузиш маҳорати нуқтаи назари билан тадқиқ қилиш усули бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шу боисдан матн яратилиши масаласини шахс услуби нуқтаи назаридан ўрганиш тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Умуман, ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналишда олиб борилган тадқиқот ишлари етарли эмас. Тил бирлигини инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

### Назорат саволлари:

1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигма қачон шаклланди?
2. Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши нима билан боғлиқ?
3. *Антропоцентризм* термини қандай тушунчани англатади?
4. Қайси тилшунос олимлар ишларида тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган?
5. Бугунги кунда лисоний фаолият бажарувчиси бўлган шахс омили тилшуносликнинг қайси соҳаларида ўрганилмоқда?
6. Когнитив тилшуносликда тилнинг қайси жиҳати ўрганилади?
7. *Когниция* тушунчаси нимани англатади?
8. Ўзбек тилшунослигида матн антропоцентрик парадигма асосида таҳлил этилган қандай ишларни биласиз?
9. Прагмалингвистиканинг ўрганиш объектига нималар киради?
10. Психоллингвистикада тилнинг қайси жиҳати ўрганилади?

### Адабиётлар

<sup>1</sup> Гальперин Р.И. О понятии текст // Вопросы языкознания. – Москва, 1974. – №6. – С.22.

<sup>2</sup> Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982. – С. 108.



1. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
2. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
3. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
4. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – 24 б.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
6. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.
7. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.
8. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.
9. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8.
10. Нишанов В.К. Феномен понимания: когнитивный анализ. – Фрунзе: Илим, 1990. – 228 с.
11. Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. – № 6. – Б. 104-107.
12. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.
13. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
14. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
15. Худойберганова Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.
16. Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011.

#### **Интернет материаллари:**

17. [http://www. Nbu.v. Gov. ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbu.v.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls%202008-17/dorofeev/pdf.) Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.
18. [jurnal. /articles/ 2009 / FMI 45. htme.:](http://jurnal.fmi.ru/articles/2009/45.htm) Рябов А.Т. Метафоры в свете когнитивной теории.

## 2-мавзу. Матннинг лингвокультурологик тадқиқи

### Режа:

1. Лингвокультурологиянинг шаклланиши, ўрганиш объекти, назарий масалалари.
2. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни.
3. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни.
4. Тасаввур асосидаги матнларнинг хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** *лингвокультурология, лингвомаданий бирлик, прецедент ном, прецедент сўз, прецедент сўз бирикмаси, прецедент жумла, прецедент матн, сентенция.*

### 2.1. Лингвокультурологиянинг шаклланиши, ўрганиш объекти, назарий масалалари

Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология XX асрнинг сўнгги чорагида шакллана бошлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “лингвокультурология” термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган<sup>1</sup>.

Лингвокультурологиянинг шаклланиши ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар<sup>2</sup>. Тилшуносликда бу соҳанинг шаклланишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг фикрлари муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланади<sup>3</sup>.

Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яратган В.А.Маслова ушбу соҳанинг ривожини 3 босқичга ажратади:

- 1) фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В.фон Гумбольдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, Э.Сепир каби тилшуносларнинг ишлари);
- 2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;
- 3) лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи<sup>4</sup>.

XXI аср бошига келиб лингвокультурология дунё тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда

<sup>1</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996. – 288 с.

<sup>2</sup> Қаранг: Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд. – Б. 23-40; Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

<sup>3</sup> Қаранг: Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. Вып. 7. – 2004. – С. 238-243; Махмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 3-16.

<sup>4</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил этади. Жумладан, В.Н.Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвокультурология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир”<sup>1</sup>. Г.Г.Слишкиннинг фикрига кўра, “Лингвокультурология инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради”<sup>2</sup>. Лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги фикрлар борасида бир тўхтамга келинган бўлса-да, айрим мунозарали қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Маслова эса бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон жиҳатдан ўрганади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, В.Н.Телия лингвокультурология объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидласа, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозим эканлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ҳозирги вақтда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада бир қанча ўқув қўлланмалар яратилган. Тилшуносларнинг эътироф этишича, уларнинг орасида энг машҳури В.А.Маслова томонидан яратилган ўқув қўлланма ҳисобланади<sup>4</sup>. Мазкур ўқув қўлланмада лингвокультурология соҳасининг методлари, объекти ва предмети, йўналишлари ёритиб берилган, мўйян тил бирлигини лингвокультурологик таҳлил қилиш намуналари кўрсатилган<sup>5</sup>.

Лингвокультурологик тадқиқотларда, асосан, қуйидаги масалалар тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Бунда кўпинча мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили таҳлил этилган; 2) муайян услубда ёзилган асарда лингвокультурологик концепт ифодаланиши тадқиқи. Бунда асосан бадий-насрий асарлар тили таҳлил этилган; 3) қиёсий аспектдаги ишлар. Бунда асосан рус тилидаги лингвомаданий бирликлар инглиз, немис, француз тиллари билан қиёсланган; 4) лингвокультурологиянинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатлари. Бунда талабаларда лингвокультурологик

<sup>1</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996. – С. 222.

<sup>2</sup> Слишкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000. – С. 128.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение: учеб. пособие. – М.: Флинта, 2011. – 176 с.

<sup>4</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

<sup>5</sup> Маслова В.А. Кўрсатилган ўқув қўлланма.

бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш малакасини ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб олинган<sup>1</sup>.

Лингвокультурологик ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Масалан, З.И.Солиеванинг номзодлик иши ўзбек ва француз тилларидаги сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга бағишланган<sup>2</sup>.

Профессор Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб...” номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигида лингвокультурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин<sup>3</sup>. Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган.

Лингвокультурологиянинг бевосита матн билан боғлиқ жиҳатига келсак, шуни айтиш лозимки, матн ҳам бошқа тил бирликлари қаторида бу соҳанинг тадқиқ объектларидан бири ҳисобланади. “Лингвокультурология” китобининг муаллифи В.А.Маслова бу борада қуйидагича ёзади: “Матн тилшунослик ва маданиятнинг ҳақиқий кесишув нуқтасидир. Зеро, матн тил ходисаси ва унинг олий сатҳи ҳисобланади, шу билан бирга у маданият мавжудлигининг амал қилиш шакли ҳамдир. Лингвокультурология эса тилни маданий қадриятлар тажассуми сифатида тадқиқ этади”. В.А.Маслованинг, хусусан, ўхшатиш – матнлар ҳақидаги фикри ҳам эътиборга моликдир. Олима ўхшатишларнинг матн яртилишидаги ўрнига яна тўхталиб, улар матнда структур-композицион вазифани бажариши ва матн когерентлигини таъминловчи восита мақомида бўлишини айтади<sup>4</sup>. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафоралар матнда муҳим когнитив-семантик аҳамият касб этиши билан бирга, тил эгаларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодиса бўла олади. Ўхшатиш ва метафоралар асосига қурилган матнлар муайян тилда қолиплашган матн шакллари (уларни матннинг прецедент шакллари тарзида ҳам баҳолаш мумкин)ни аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу – прецедент матн масаласидир. Тадқиқотчи О.Е.Артемованинг сўзлари билан айтганда, прецедент жанрлар – маданий ахборотнинг “аккумулятори”дир<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.21

<sup>2</sup> Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2010. – С. 25.

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

<sup>4</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – С. 5.

<sup>5</sup> Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра “лимерик”: На материале английского языка: Дис... канд. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2004. – С. 24.

Прецедент матнлар прецедент бирликларнинг бир тури бўлиб, ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради. Ҳозирги вақтда хусусан рус тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. (Прецедент матнлар ҳақида ишимизнинг 4-бобида батафсил мулоҳаза юритилади).

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир масала сентенциядир. Сентенция ахлоқий-таълимий характердаги тил бирлиги бўлиб, ўзида интертекстуалликни намоён этади<sup>1</sup>.

З.И.Салиева инглиз ва ўзбек тилларидаги сентенцияларнинг миллий-маданий хусусиятларини қиёсий аспектда ўрганар экан, муайян халқ тарихида катта ўрин тутган мутафаккирларнинг асарларида баён қилинган дидактик ғояларнинг ёзувчи томонидан ўзгарган шаклда ифодаланишини интертекстуалликнинг бир кўриниши сифатида баҳолайди. Тадқиқотчи бунга мисол сифатида Ойбекнинг “Навоий” романида Навоий томонидан айтилган дидактик мазмунли матнларни келтиради<sup>2</sup>. Бу хусусиятни ўзбек тилида яратилган бошқа асарларда ҳам кўриш мумкин.

## 2.2. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни

Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, *прецедент* термини тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан рус тилида эълон қилинган “Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности” (Материалы VI Международного конгресса преподавателей русского языка и литературы. – М., 1986) номли мақолада қўлланган<sup>3</sup>.

Рус тилшунослигида муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади<sup>4</sup>.

Е.А.Нахимова прецедент феноменларни халқнинг миллий онгида сақланувчи тизим сифатида баҳолайди<sup>5</sup>.

Рус тилшунослигидаги прецедент бирликлар тадқиқ этилган ишларда Инжил матнлари, мифлар, халқ кўшиқлари, эртақлар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машҳур шахслар номи прецедент

<sup>1</sup> Сентенция ҳақида қаранг: Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2010.

<sup>2</sup> Салиева З.И. Кўрсатилган автореферат. – Б. 14.

<sup>3</sup> Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – 24 с.

<sup>4</sup> Қаранг: Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: «Филология», 1997. Вып. 2. – С. 5-12; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

<sup>5</sup> Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // [http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova\\_07.htm](http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova_07.htm).

бирлик сифатида қайд этилади. Шунга кўра бундай бирликларнинг прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент матнлар каби турлари ажратилади<sup>1</sup>.

Н.Пьего-Гро интертекстуалликка бағишланган тадқиқотида прецедент бирликларни тўртга бўлади: 1. Цитата; 2. Референция. 3. Кўштироксиз кўчирма. 4. Аллюзия<sup>2</sup>.

Прецедентлик интертекстуаллик тушунчаси билан боғлиқ, аниқроғи, унинг ичига кирувчи ҳодисадир. Бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этган М.Йўлдошев интертекстуалликни шундай таърифлайди: “Муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир”<sup>3</sup>.

Айрим тадқиқотларда прецедентлик интертекстуалликнинг бир тури сифатида қайд этилган<sup>4</sup>. Биз ҳам ушбу фикрни маъқуллаймиз. Прецедентлик интертекстуалликнинг намоён бўлиш шаклларида бири бўлиб, тил эгаларининг асосий қатламига яхши таниш эканлиги, нутқда қайта-қайта қўлланиши билан характерланади. Қуйидаги матнга эътибор беринг:

*Ҳаво майин, мулойим, шоир айтганидек – “у энди ёндирмас, ялтирар фақат”.* (Эркин Аъзам. “Ёзувчи” ҳикояси)

Бу матнда “у энди ёндирмас, ялтирар фақат” кўчирмаси интертекстуалликни ҳосил қилган. Бу кўчирманинг мазмуни, умуман, ўқувчига тушунарли. Лекин ўқувчи ушбу кўчирма олинган шеърнинг тўлиқ матни билан ҳам таниш бўлса, унинг мазмунини янада чуқурроқ англаши мумкин, чунки шеър муаллифи –А.Ориповнинг кейинги мисраларда табиат тасвири орқали олисда қолган ёшликдаги туйғуларига ишора қилганлиги яққол сезилади:

*Қуёш ҳам фалакда бамисли рўё,  
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.  
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,  
У олис ёшликда қолган муҳаббат.*

(“Куз манзаралари”)

Кўринадикки, шеър билан таниш бўлмаган ўқувчида матнга киритилган мисра куз ҳавосининг тасвири каби таассурот қолдиради. Шеър билан таниш бўлган ўқувчи эса ушбу мисралар орқали умрига куз фасли кириб келган ҳикоя қаҳрамонининг руҳий ҳолатига нозик ишора борлигини ҳис қилади. Зотан, бундан аввалги матнда ёзувчининг (ҳикоя қаҳрамонининг) “дардманд кунларида кўнглида туғилган китобини ёзишга киришган”лиги ҳақида ёзилган эди.

Демак, Э.Аъзамов томонидан қўлланган “У энди ёндирмас, ялтирар фақат” матни интертекстуалликни ҳосил қилган бўлса-да, А.Ориповнинг

<sup>1</sup> Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: “Филология”, 1997. Вып. 2. – С. 5-12.

<sup>2</sup> Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКИ, 2008. – 240 с.

<sup>3</sup> Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2009. – 316 б.

<sup>4</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.51.

“Куз манзаралари” шеъри билан яхши таниш бўлган ўқувчиларгина бу матн ёзувчи томонидан нима мақсадда қўлланганини фаҳмлай оладилар.

Прецедент бирликлар ичида прецедент номлар алоҳида ўрин тутати. В.А.Маслованинг фикрига кўра, муайян миллат вакилларига яхши таниш бўлган матнлар ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар бўла олади. Масалан: *Обломов, Тарас Бульба* каби<sup>1</sup>.

Прецедент номлар бадий асарда турли прагматик мақсадларда қўлланади. Уларнинг яна шундай вазифаси борки, бу – микроматн субъекти сифатида матн яратилишида иштирок этишидир. Ёзувчи биргина прецедент ном воситасида матн ҳосил қилиши мумкин. Масалан: *Дарвоқе, даставвал бу ерларда Ёрмат пайдо бўлди. (Аслида унинг исми бошқа; маҳаллага ихтиёрий равишда кайвони бўлиб олган Саиджалол “Акахоннинг гумаштаси, ишбоши” деганидан кейин, “Қутлуг қон”даги бойнинг гумаштаси хаёлига келиб, домла уни ўзича Ёрмат деб атай бошлади.) Бўйи Обид Асомдан сал тикроғу, ваҳима-сиёсати униқидан ўн чандон зўр. Акахоннинг ўзи шу орада ё икки, ё уч марта кўринди, холос – ҳамма ишни мана шу шоввоз битирди! Қўлида “сотка”, тагида “Дамас”, бир зум тинмайди. Кечаю кундуз йигирма-ўттизлаб мардикору ҳар рақам уста, ваҳимали бўкиргувчи “МАЗ”у “КРАЗ”ларга шу биргина жон – бош! Ёқа ушламай, офарин демай иложингиз йўқ. (Эркин Аъзам. “Ёзувчи” ҳикояси).*

Шуни айтиш жоизки, прецедент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлади. Улар бадий матнлар, диний матнлар, машҳур ва қизиқ воқеалар, афсона, ривоят, эртақ, латифа, қўшиқ, кинофильмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан: Лайли, Мажнун, Хизр, Насриддин Афанди, Шум бола, Қоработир, Тоҳир-Зухра, Согти каби номлар ўзбеклар орасида машҳур ҳисобланади. Ў.Ҳошимовнинг “Итбозга эҳтиром” номли асарида *Духновский* фамилиясининг ўзбеклар орасида қандай машҳур бўлганлиги (прецедент бирликка айланганлиги ҳақида) ёзилган. Унда айтилишича, ўтган асрнинг 80-йилларида ёзувчи қўлига ДОСААФ нашриётида 1979 йилда босилган итлар ҳақидаги китоб тушиб қолади. Унда И.Духновскийнинг “Итларга қандай лақаб қўйиш керак” номли мақоласи ҳам бўлиб, мақола муаллифи Алишер, Нодира, Умар каби бир қанча номларни итларнинг лақаби сифатида келтиради. Ў.Ҳошимов бунга жавобан “Дўстлик ҳурматдан бошланади” номли мақола ёзади ва унинг бир нусхасини ДОСААФ нашриётига юборади. У ердан ҳеч қандай жавоб келмайди. Мақола эса республикамиз газетасида нашр қилинади, ёзувчининг китобига киритилади. Орадан бир неча йил ўтгач, ёзувчи бир қишлоққа меҳмонга бориб, қуйидаги воқеага гувоҳ бўлади: *“Турфа хил мевалар гарқ пишиб ётган кенг саҳнли ҳовлига киришимиз билан этак томондаги молхона девори тагида ётган, қулоқ-думи кесилган ит важоҳатли акиллаб қолди. Мезбон итга ҳайқирди: “Ёт, Духновский! Ўчир овозингни, Духновский!” Ит норози алфозда гингишиб, нари кетди.*

<sup>1</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. – С. 53.

*Беихтиёр кулиб юбордим... “Бунақа лақабни қаердан олдингиз?” десам, “сизнинг китобингиздан”, деди. Мезбоннинг айтишича, шу қишлоқнинг ўзида олтига “Духновский” бор экан!*

*Итбозга кўрсатилган “эхтиром”дан хурсанд бўлдим...”. (Ў.Ҳошимов. “Итбозга “эхтиром”)*

Шуни таъкидлаш лозимки, прецедент номлар муайян миллат вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлиши билан бирга глобал характерда ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, ўзбек ўқувчиси Напалеон, Колумб, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо, Жеки Чан, жаноб Бин каби номлар иштирок этган матнлар мазмунини ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилаверади<sup>1</sup>.

Прецедент номларнинг бадиий матндаги муҳим психолингвистик хусусияти шундан иборатки, улар матн ўқувчиси онгида номатний маъно, яъни матнга доир, лекин унинг вербал тузилишига кирмаган кўшимча маълумотлар<sup>2</sup> актуаллашувини тақозо этади. Ўқувчи бунда номатний маънонинг матннинг прагматик тузилишидаги аҳамиятини ҳам билиши муҳимдир.

Прецедент бирликлар ҳисобланувчи прецедент жумлалар ҳам тил эгалари лисоний хотирасида сақланувчи бирликлар бўлиб, уларга барқарор бирикмалар (фразеологизм, турғун ўхшатиш ва метафоралар, нутқий этикетлар, мақол ва ҳадислар) киради. Айрим ишларда прецедент жумлалар қанотли сўзлар, логоепистемалар деб ҳам юритилган<sup>3</sup>.

Кузатишларимизга кўра, прецедент жумлалар сўзлашув услубида жуда кўп қўлланилади. Хусусан, кинофильм қаҳрамонлари тилидан айтилган айрим гаплар ёки кўшиқ сатрлари кишилар ўртасида тез машҳур бўлиб кетади. Бундай жумлаларни тил эгалари ўз нутқий вазиятига мослаган ҳолда ишлатади. Сўров натижасида куйидаги прецедент жумлалар бугунги кунда кўп қўлланиши аниқланди: *Онамдан қолган тошойна қани?* (“Учрашув” фильмидан); *Ўнта қўй нима бўлади?* (“Маҳаллада дув-дув гап” фильмидан); *Отамни уйлантираман деяпти* (“Чинор остидаги дуэль” фильмидан); *Сиз ўшамми?* (“Ўтган кунлар” фильмидан), – *Нима ҳақида гаплашаяпсизлар? – Шпионлар ҳақида.* (“Келинлар қўзғолони” фильмидан)

Маълумки, ўзбекларда дафндан сўнг “*Марҳум қандай одам эди?*” деб сўраш одат тусига кирган. Ў.Ҳошимов ушбу прецедент жумла асосида куйидаги матнни яратган:

*Умрида бировга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини озғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.*

*Одатдаги савол ўртага тушибди.*

*–Фалончи қандай одам эди?*

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.31

<sup>2</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2004. – 283 б.

<sup>3</sup> Арбузова В.Ю. Прецедентность в русском языке как лингвистический и культурный феномен на материале научных и эпистолярных текстов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Елец: Елецкий гос. ун-т, 2007. – С. 8; Канаева Е.Н. Текстовые функции логоепистемы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: Гос. ИРЯ им. А.С.Пушкина, 2007. – С. 4.



*Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тагин такрорланибди:*

*–Биродарлар, фалончи қанақа одам эди?*

*Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.*

*–Ҳамма тишлари бутун эди, - дебди... Ўзбекнинг галати донишмандлиги бор (Ў.Ҳошимов. “Таомил”).*

Матндан кўринадики, *Яхши одам эди* ўрнида қўлланган *Ҳамма тишлари бутун эди* жумласи орқали ёзувчи ўзбек халқи менталитетининг бир қиррасини очиб бера олган.

Прецедент бирликлар орасида прецедент матнлар муҳим ўринни эгаллайди. Ю.Н.Караулов эса прецедент матнларга шундай таъриф беради: “Бирдан ортиқ шахсга тегишли бўлган, уларнинг билиш ва ҳиссий муносабатларида у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган, яъни мазкур шахс билан алоқадор одамларга жуда яхши таниш бўлган ва, ниҳоят, тил эгалари дискурсида қайта-қайта мурожаат қилинадиган матнлар”<sup>1</sup> прецедент матнлардир.

Прецедент матнлар икки хил тарзда – айнан ёки ўзгартирилган ҳолатда қўлланиши мумкин. Масалан: *Пешонамда нима бўлса, шуни кўраман. Тақдирдан қочиб, қаерга ҳам борардим?! Бандасининг эмас, Худонинг айтгани бўлади*. (С.Назарова. “Қорлар эриганда” ҳикояси). Сўзлашув услубига хос бўлган ушбу матн ҳадиси шарифда қуйидагича шаклга эга: “Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: “Ҳар қайсингининг вужудингиз онангиз қорнида қирқ кунда таркиб топгай, сўнг яна шунча кунда лахта қонга ва яна шунча кунда бир парча этга айлангай. Кейин Оллоҳ таоло (онангиз қорнига) бир фариштани юбориб, унга тўрт сўзни, яъни қандай ишлар қилмоғингизни, ризқингизни, умрингизни ва бахтсиз ёким бахтли эканлигингизни ёзиб қўймоқни амр қилгай. Сўнг жисмингизга руҳ пудалагай”<sup>2</sup>.

Ўзбек тилидаги матнлар таҳлили натижасида айтиш мумкинки, тил эгаларининг хотирасида нафақат прецедент матнлар, балки уларнинг мазмуний-композицион тузилишига хос бўлган шакллар ҳам сақланиб туради. Бундай шаклларга сегментли матнлар, парцеллятив матнлар, ўхшатиш, мақол, метафора асосида тузилган матнларни, шунингдек, илмий услубга хос айрим матн турларини, расмий услубдаги ҳужжатлар матнини мисол сифатида келтириш мумкин.

Бундай матнларнинг мазмуний-композицион тузилишига хос шакллар бир эмас, бир неча ёзувчи услубига хослиги, такрорланувчанлиги уларнинг прецедент шакл эканлигидан далолат беради.

Масалан, ҳозирги ўзбек ёзма адабий тилида шундай матн тури борки, у аксарият публицистик жанр ижодкорлари нутқида хосдир. Бундай матн турига ўзбек тилшунослигида биринчи марта А.Ғуломов эътибор берган эди. Жумладан, у “*Ҳунар, ҳунардан унар*” типидagi гапларни таҳлил қилиб,

<sup>1</sup> Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 216.

<sup>2</sup> Мазкур ҳадис матни Наби Жалолидиннинг “Хайём” романидан олинди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 254.

бундай гапларда бирор предмет-ходиса ҳақида фикр баён этишдан илгари ўша нарса бир эслатиб ўтилиши, шундан кейин эса у ҳақда фикр билдирилиши ҳақида ёзган эди<sup>1</sup>.

1975 йили А.Аҳмедов томонидан ёзилган “Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида” номли мақолада эса бундай қурилмаларнинг синтактик, лексик-семантик, интонацион хусусиятлари чуқур ёритиб берилди<sup>2</sup>.

А.Аҳмедов ушбу мақоласида бундай қурилмаларни “тема номи конструкциялари” деб атаб, уларнинг мазмуний ва синтактик моҳиятини чуқур таҳлил қилган. Жумладан, бундай қурилмалар ҳақида у шундай ёзади: “Тема номи ўзидан кейин келган гапнинг темасини олдиндан маълум қилиб, уни таъкидлаб, айириб кўрсатади... Агар тема номини ундан сўнг келган гап билан бирга олиб қарасак, бутун конструкцияда тема икки марта ифодаланганини кўрамиз... Бу кўшифодалилик натижасида фикрнинг экспрессивлиги ҳосил қилинади”<sup>3</sup>.

Лисоний фактлар шуни кўрсатадики, А.Аҳмедов микроматн сифатида таҳлил этган юқоридаги каби қурилмалар публицистик услубга хос бўлган матн турларидан бири бўлган сегментли матнларнинг шаклланишида ҳам асосий аҳамият касб этади.

Сегментли матнлар боғланма матннинг бир кўринишидир. Бундай матн таркибидаги гаплар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси матн таркибидан ажратиб олинган бўлак маъносини изоҳлашга хизмат қилади. Бунда сегмент бўлак гап билан грамматик боғланмаса-да, матндаги гапларни бир мазмуний нуқтага жамловчи ядро вазифасини ўтайди<sup>4</sup>. Масалан: *Миртемир домла... Бу номни эшитганда беихтиёр қалбимизга бир илиқлик югуради. Бу илиқлик, энг аввало, камтар ва жозибали бир инсонга ҳурматимиздандир. Бу илиқлик халқимизни қирқ беи йилдан буён хушнуд этиб келаётган каттакон бир шоирга муҳаббатимиздир. Ҳа, домла Миртемир ҳақиқатан ҳам улкан инсон ва катта санъаткор...* (А.Орипов. “Эҳтиёж фарзанди” мақоласи). Мисолдан кўриниб турибдики, ушбу матндаги тўртта гап мазмунан “Миртемир домла” тарзида ифодаланган сегмент бўлакни изоҳлаб келган.

Сегментли матнларда матн яратувчининг мақсадига кўра унинг таркибидаги биринчи гап трансформацияланади – битта гап икки қисмга ажратилган ҳолда ифодаланади. Бунда матн субъектини ифодалаган бирлик ажратиб олинади ва алоҳида оҳанг билан айтилади. “Ўйчанлик” тембри билан айтилган бўлакдан кейинги пауза ўқувчи ёки тингловчида кутиш кайфиятини пайдо қилади<sup>5</sup>. Бундай оҳанг ёзувда турли тиниш белгилари –

<sup>1</sup> Фуломов А., Аскарлова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. – Б. 142.

<sup>2</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – 3-сон. – Б. 34-38.

<sup>3</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – 3-сон. – Б. 35.

<sup>4</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.54

<sup>5</sup> Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Тошкент, 2000. – Б. 35.

нуқта, кўп нуқта, вергул ёки ундов белгиси билан ифодаланиши мумкин. Оҳанг элементлари орқали матн субъектига эътибор жалб этилгач, кейинги гапларда уни изоҳловчи мазмун ифодаланади. Кўринадики, субъектнинг ажратиб олиниб, матн бошига чиқарилиши унинг актуаллашишига сабаб бўлади. Бунда оҳанг элементлари ва пауза актуализаторлик вазифасини ўтайди.

Сегментли матнлар О.Ёқубов, А.Мухтор, Э.Аъзамов каби ёзувчилар асарларида ҳам кўп учрайди. Масалан: *Муштинлар кампир! У Оқсаройдан расадхонага нўхат солинган бир лаган палов кўтариб келибди. Али Қушчи, гарчи кампирни яхши кўрса ҳам, унинг тез-тез келишини, келиб ўғлининг дунёдан сўққабош ўтаётганидан нолиб, кўз ёши қилишларини ёқтирмас эди* (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи)

*Муҳаббат ...Унинг ранги, туси, таъми қандай? Билмайман. Ким билади?* (Э.Аъзамов. “Отойининг туғилган йили” қиссаси)

Ўзбек тилидаги парцеллятив матнларнинг композицион тузилиши ҳам прецедент шаклга мисол бўлади. “Бадий матнда парцеллятив конструкцияларнинг қўлланиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияси муаллифи Ш.М.Ҳайдаров парцеллятив матнларни парцеллятив конструкцияларнинг алоҳида тури сифатида қайд этган<sup>1</sup>.

Ш.М.Ҳайдаров парцелляция ва сегментацияни экспрессив синтаксисдаги ўзига хос усул сифатида баҳолайди<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, бу икки усул ёзувчи мақсадини ифодалашда муайян бўлакларни актуаллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга сегментация ва парцелляция асосида тузилган матнлар бир қатор ёзувчиларнинг услубига хос бўлган ҳодиса ҳамдир. Жумладан, Ш.М.Ҳайдаров таъкидлаганидек, “А.Мухтор, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Э.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Малик каби ёзувчилар асарларида парцеллятив конструкцияларнинг турли кўринишларини кузатиш мумкин”<sup>3</sup>. Улар томонидан тузилган матнлар турли мазмунга эга бўлса-да, бир мазмуний-композицион шакл асосида таркиб топади.

Ўзбек тилидаги таркибида мақол иштирок этган матнларнинг композицияси ҳам такрорланиш хусусиятига эга. Бундай матнлар А.Қодирий, А.Қахҳор, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, М.М.Дўст, Н.Жалолиддин асарларида нисбатан кўп учрайди. Хусусан, А.Қодирий “Ўткан кунлар” романида бу усул воситасида бир қанча матнларни яратган. Масалан: *“Кундашлик уйда кунда жанжал” деганлар. Албатта буни айтқучи киши ўйламасдан ва билмасдан айтмагандир. Жилла, ҳар куни жанжал бўлмаганда ҳам ҳафтада, ўн кунда бир тўполон чиқмаса албатта кундашни кундаш, деб бўлмас. Нега десангиз, бизнинг баъзи бир кундашсиз, чиқитсиз оилаларда ҳам икки, уч кунда товоқ-қошиқ синиб, тоғора янгиланганини ҳар қайсимиз биламиз, бас, энди кундашлик оилаларимизга келганда-чи, албатта*

<sup>1</sup> Ҳайдаров Ш.М. Бадий матнда парцеллятив конструкцияларнинг қўлланилиши: Филол. фан. ном ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2011. – Б. 5.

<sup>2</sup> Ҳайдаров Ш.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 11.

<sup>3</sup> Ҳайдаров Ш.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 11.

юқоридаги – “кундашлик уйда кунда жанжал” мақолини тўғрига, чинга чиқармасдан чора йўқ. (А.Қодирий. “Ўткан кунлар” романи)

Кўринадики, таркибида мақол иштирок этган матнларда ёзувчи ўзи тузмоқчи бўлган матнда ифодаланган вазиятга мувофиқ келувчи мақолни келтиради, мақолдан кейин эса матннинг асосий қисми берилади.

Ўзбек насрида “А В га ўхшайди. В – С дир” шаклидаги матнлар кўплаб учрайди. Масалан: “*Ҳаёт шахмат тахтасига ўхшайди. Гоҳ оқ катакдан ўтасиз, гоҳ қора катакдан*” (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”).

Метафора қўлланган матнларда эса метафорик маъноли бирлик матн субъектини ташкил қилиши билан бирга унинг яхлитлигини таъминловчи восита вазифасини ҳам бажаради. Бундай бирлик, образли қилиб айтганда, матн занжиридаги халқаларни ўзаро бириктирувчи қисм вазифасини бажаради.<sup>1</sup> Қуйидаги микроматнда мана шу жараённи кўриш мумкин: *Мен ўзим ҳам шоҳлик занжиридан бутунлай озод бўлишга интилмоқдамен, жаноб Қосимбек. Бу занжирнинг бир учи тобе одамларга боғланган бўлса, унинг иккинчи учи шоҳнинг ўзига боғланур экан! Шу сабаб, тобеларни занжирдан бўшатмагунча подшоҳнинг ўзи ҳам занжирбанд бўлур экан. Мен энди мана шу табиат бағрида занжирсиз яшашига қасд қилдим. Шунинг учун сизга жавоб! Бошқа беку мулозиму навкарлар ҳам вақт-соати билан жавоб олурлар!* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар” романи)

Аён бўладики, бу каби матнларнинг мазмуний-композицион тузилишига хос бўлган шакл тил ҳодисаси ҳисобланади. Улар сўз ясалиши қолиплари каби матн яратувчининг лисоний хотирасида имконият тарзида мавжуд бўлади ва нутқда турли мазмундаги матнлар сифатида воқе бўлади.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, ўзбек тили эгалари лисоний онгида мавжуд бўлган прецедент феноменлар тил тизимида ҳам ўзига хос микроанизимни юзага келтирган. Миллий онг, миллий менталитет ва ўзбек лисоний онги билан боғлиқ ушбу бирликлар янги тадқиқотлар учун қизиқарли ва бой материаллар бериши шубҳасиздир.

### 2.3. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни (ўхшатишлар асосида)

Замонавий тадқиқотларда ўхшатишларнинг лингвокультурологик ҳамда этнолингвистик жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. “Лингвокультурология” китобининг муаллифи В.А.Маслова ўхшатишларда муайян халқнинг миллий дунёқараши акс этишини таъкидлаб, бу фикрини рус, белорус ва қирғиз тилида қўлланувчи ўхшатиш қурилмалари таҳлили асосида далиллайди. Унинг фикрига кўра, *глаза блестящие, как Иссык-Куль, стройный, как марал, сильный, как Манас* каби қурилмалар қирғиз халқининг миллий дунёқарашини акс эттиради<sup>2</sup>.

В.А.Маслова, шунингдек, муайян халқнинг образли тафаккур тарзи хусусан, ўша халқ тилида қўлланувчи ўхшатишларда ҳам яққол намоён

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.58

<sup>2</sup> Маслова В.А. Человек в зеркале сравнения // <http://www.gumer.info/biblioter-Burs/Linguist/maslova/06/php>.

бўлишини таъкидлайди<sup>1</sup>. Олиманинг бу фикрини ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар ҳам тасдиқлайди. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”<sup>2</sup> учун йиғилган материаллар шундан далолат берадики, халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи ўхшатишларда ҳам намоён бўлади.

Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги ўхшатишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги турғун ўхшатишларни куйидаги маъновий гуруҳларга тасниф қилиш мумкин.

1. Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: алифдек / сарвдек / самбитдек / шамшоддек тик қомат, ангишвонадек кичкина оғиз, анордай қизил юз, бургутникадай ўткир кўз, гилосдай қизил лаб, гуручдай оппоқ, майда тиш, зулукдек қора қош, ипдай ингичка қош, кулчадек юмалоқ юз, тундай қора соч, чўмичдай катта бурун.

2. Инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ ўхшатишлар: асроилдай хунук, бўрдоқидай / мешдай семиз, девдай баҳайбат, занжидек қоп-қора, ниҳолдай нозик, ойдай гўзал, суксурдай чиройли, теракдай новча, чигирткадай / арвоҳдай / косовдай / чўпдай озгин.

3. Инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: аждарҳодай кучли, айикдай бақувват, алпдай паҳлавон, гулдай нафис.

4. Инсоннинг овози билан боғлиқ ўхшатишлар: айикдай / шердай / арслондай / туядай бўқирмоқ, наъра тортмоқ, бўридай увилламоқ, момақалдирокдай гумбурламоқ, кўнғироқдай жарангдор.

5. Инсон нутқи билан боғлиқ ўхшатишлар: автоматдай тез гапирмоқ, беданадай сайрамоқ, булбулдай сайрамоқ, итдай қопмоқ, итдай ирилламоқ, чумчукдек чирқилламоқ.

6. Инсоннинг характери билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир, авлиёдай бегуноҳ, аммамнинг бузоғидек бўш, ипакдай мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, сутдай оқ, таёқдай тўғри, тулкидай айёр, эшакдай қайсар, кўйдаи ювош.

7. Инсоннинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бақадай / шамдай / ҳайкалдай / тошдай қотмоқ, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай қувонмоқ, доқадай / девордай / бўздай оқармоқ, тилла топган гадойдай севинмоқ, тўрвасини йўқотган гадойдай талмовсирамоқ, етимчадек мунғаймоқ, ёғдай эримок, игна устида ўтиргандай бетоқат, илондай тўлғанмоқ, куйдирган калладай тиржаймоқ, лавлагидай / шолғомдай қизармоқ, сувга тушган бўлка нондек бўшашмоқ.

8. Инсоннинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: елимдай ёпишмоқ, еб кўйгудай қарамок, ёв қувгандай югурмоқ, итдай / девдай / эшакдай / молдай / қулдай ишламоқ, оч калхатдай ёпирилмоқ, кўз

<sup>1</sup> Маслова В.А. Кўрсатилган асар.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

корачиғидай асрамоқ, маймундай / эчкидай сакрамоқ, молдай / итдай / чўчкадай / хўкиздай ичмоқ, тошбақадай судралмоқ, ўкдек отилиб чиқмоқ<sup>1</sup>.

Ўзбек тилидаги инсон билан боғлиқ ўхшатишлар шуни кўрсатадики, уларда инсоннинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи ўхшатишлар миқдори бошқа маъновий гуруҳдаги ўхшатишларга нисбатан кўп. Кейинги ўринда эса инсон аъзоларини ифодаловчи ўхшатишлар туради. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгалари кўпроқ инсоннинг ҳаракат-ҳолатини образли тарзда ифодалайди.

Ўхшатиш учун эталон сифатида танланган сўзлар ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлигидир.

Инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади. Масалан: итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, эшакдай қайсар, қўйдаи ювош (характер билан боғлиқ ўхшатишлар); итдай ишламоқ, эчкидай сакрамоқ, тошбақадай судралмоқ, илондай чакмоқ, булбулдаи сайрамоқ (ҳаракат билан боғлиқ ўхшатишлар).

Ўзбек тилида ўсимлик ва мева номларининг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши ҳам кўп учрайди. Бундай ўхшатиш эталонларига *самбит, шамшод, сарв, терак, лавлаги, шолғом, гилос, олма, ёнгоқ* каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳайвонни билдирувчи сўзларнинг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши шахснинг субъектив муносабатини билдириш ҳаракати билан боғлиқ эканлиги яққол сезилади. Масалан, *ит* сўзи эталон бўлиб келган ўхшатишлар сони ўндан ортиқ бўлиб, уларнинг барчаси инсонга нисбатан қўлланган. *Илон* эталони ҳам шундай хусусиятга эга<sup>2</sup>.

Ўхшатишлар лингвокультурологияга оид адабиётларда метафора, метонимия, мақол ва иборалар каби тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади<sup>3</sup>. Бу каби маданий бирликлар ўзида бирор этносга хос менталликни, шунингдек, реал воқеликни лисон воситасида ифодалаш даражасини кўрсатувчи далил ҳамдир. Улар ўзида халқнинг ижтимоий, маънавий жиҳатдан ривожланишини ҳам кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида ўхшатишнинг семантик-синтактик, прагматик ва услубий жиҳатлари бир қатор ишларнинг тадқиқ объекти

---

<sup>1</sup> Ўхшатиш қурилмалари учун келтирилган мисоллар “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”дан олинди. Қаранг: Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М., 2008; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – 208 с.; Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – М.: Гнозис, 2002; – 284 с.; Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. – Уфа, 2002; – 114 с.; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. - № 3. – Б.19-24.

бўлган. Уларда асосан бирикма ёки гап шаклидаги ўхшатиш қурилмалари тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Профессор Н.Маҳмудовнинг 2011 йилда эълон қилинган мақоласида ўзбек тилшунослигида биринчи марта ўхшатишларнинг лингвокультурологик жиҳатларига эътибор қаратилди<sup>2</sup>.

Ўхшатиш қурилмаларининг матн яратилишидаги ўрни, унинг мазмуний таркибига таъсири эса шу вақтга қадар алоҳида ўрганилган эмас. Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларни таҳлил этиш натижасида айтиш мумкинки, уларни ўхшатишнинг матн референциясига муносабатига кўра қуйидаги икки турга ажратиш ўринлидир: 1. Таркибидаги жумлаларда ўхшатиш қурилмаси мавжуд бўлган матнлар. 2. Матн макротузилмасидан ўхшатиш муносабати англашилувчи матнлар.<sup>3</sup>

Биринчи турдаги матнларда ўхшатиш мазмуни фақат матн таркибидаги муайян гап семантикасида англашилиб, бу мазкур гапдан аввал ёки кейин жойлашган жумлалар семантикасига таъсир этмайди. Мисол сифатида О.Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романидан олинган қуйидаги матнни келтирамиз: *“Бўй-бастаи келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, тол чивикдай нозик бу йигитчада ўз элининг ҳамма фазилатлари – мулойимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам. Беруний у билан бир лаҳза суҳбат қурса гўё Ҳиндистонга қайтиб боргандай, босиб ўтган йўлларию кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади. Шунда юрагининг бир бурдаси ўша улуг маконда қолганини, бу маконнинг заҳматкаш, мўмин-мулойим халқи эса худди ўз элдошларидай қадрдон бўлиб қолганини сезади”*.

Кўринадикки, ушбу матнни ташкил этган гаплар дейктик бирлик бўлган у олмоши орқали когерентликка эга бўлган, лекин матннинг биринчи жумласида қўлланган *тол чивикдай нозик йигит* ўхшатиш қурилмаси матннинг умумий семантикасига жиддий таъсир этмаган.

Маълумки, ўхшатиш мазмуни матн таркибида гаплар орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *Саҳронинг бағри ёмғирга ташна бўлганидек, - деди Султонмурод қўлларини ҳаракатга солиб, – кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат қуёшига ташнадир.* (Ойбек. “Навоий” романи)

Ўхшатишга асосланган матнларда эса матн макротузилмаси мотивацион жиҳатдан ўхшатишга асосланган бўлиб, ўхшатиш мазмуни матн худуди бўйлаб тарқалган бўлади. Маълумки, ўхшатиш қурилмалари тўрт компонентдан: ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатиш воситасидан ташкил топади. Ўхшатишга асосланган матнларда ҳам

<sup>1</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент, 1978; Маҳмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент: ИЯЛ АН РУз., 1984. – 259 с.; Худайберганаева Д. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ИЯЛ АН РУз, 1989. – 22 с.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2008. – 26 б.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – 3-сон. – Б. 23.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.66

мана шу компонентлар мавжуд бўлади. Лекин уларнинг ўхшатиш қурилмасидан фарқи шундаки, ўхшатиш асоси, яъни икки объектни ўзаро ўхшатиш учун асос бўлган референт бундай матнларда сўз орқали эмас, балки жумлалар орқали воқеа бўлади. Масалан: *Кимдир каттароқ асарни ёзиб тугатган адибни ели чиқиб кетган нуфакка ўхшатган экан. Ҳақиқатан, йиғилган ҳаётий материал, кўрган-кечирганлар, ўйлаган ўйлар – ҳаммаси шу катта асарга сарф бўлади-ю, қалби бўм-бўш бўлиб қолади киши.* (О.Ёқубов. “Фарзандлар бурчи” этюди)

Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларни яратишда матн тузувчи турли коммуникатив стратегияларни қўллаши мумкин. Тадқиқ жараёнида бундай матнларнинг қуйидаги турлари ўзбек прозасида энг кўп қўлланиши аниқланди:

1. Матн тузувчи матн референтини бирор нарсага ўхшатади, сўнг ўхшаётган нарсага хос белгиларни ифодалайди. Матн охирида эса мазкур белги натижасида содир бўлувчи воқеа-ҳодисани ифодаловчи пропозиция ифодаси келтирилади. Масалан: *Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббатнинг кўпинча натижасиз тугаши балки шундандир...* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

Бу каби матнлар перцепцияси реципиентдан ўхшатишга асос бўлган белгиларни ҳам ўхшатилаётган, ҳам ўхшаётган референтга хос белги сифатида идрок этишни тақозо қилади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Ҳақиқат ҳавога ўхшайди. Рангини кўрмайсиз. Овозини эшитмайсиз. Ҳидини билмайсиз... Аммо бир лаҳза ҳавосиз қолсангиз, бўғилиб кетасиз. Китоб ҳам шундай. Ёлгонга дуч келган китобхон бўғилиб кетади* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

Ушбу матн таркибидаги *рангини кўрмайсиз, овозини эшитмайсиз, ҳидини билмайсиз* пропозициялари бир вақтнинг ўзида ҳам *ҳақиқат*, ҳам *ҳаво* референтларининг белгиси сифатида қабул қилинади.

2. Матн тузувчи икки предмет ёки воқеа-ҳодисани ўзаро ўхшатади, матннинг кейинги жумлаларида биринчи жумлада қўлланган референтлардан бирини матн фокусига айлантиради: *Ҳақгўй қоронгида чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшайди. Унинг чироғи оламни мунаввар қилмаслиги мумкин. Бироқ дилларга далда беради, умид уйғотади... Ҳақгўй олис – яқиндан кўриниб туриши – шундан.*

*Афсуски, чироқ кўтарган одам кўп қоқилади...* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

Келтирилган микроматннинг биринчи жумласида қўлланган *чироқ* сўзи матннинг кейинги жумлаларини мазмуний томондан боғловчи компонент вазифасини бажарган. Бунда матн тузувчи *чироқ* сўзи орқали *ҳақиқат* референтига ишора қилиб, 2- ва 3-жумлаларга имплекатив ахборотни жойлаштирган.

Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларга хос бир жиҳат шундаки, уларнинг таркибида қўлланган ўхшатиш қурилмаси матннинг метафорик



мазмун касб этишига олиб келади. Бунга матн тузувчининг ўхшатиш учун асос бўлган бирликни дастлаб ўз маъносида, кейин эса кўчма маънода қўллаши сабаб бўлади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг: *Келинчак ўз эрини мураккаб ва сийқа бир китобни ўқиётгандай машаққат билан баъзан адашиб, гумонсираб, рашик қилиб ўқирди. Бироқ охир-оқибатда ҳаммасига қўл силтаб лоқайд ва бепарво бўлиб қоларди: эрини энди истамай, безиллаб, бундан ҳам бешибаттар юраги совиб кетишидан қўрқиб, хижил ва ланжлик билан ўқирди* (Н.Эшонқул. “Очилмаган эшик” ҳикояси)

*“Инсон ҳаёти шатранж тахтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди... Гоҳ оқ катакдан ўтади, гоҳ қора катакдан... Фарқи шуки, бировнинг қисматида оқ катаклар кўпроқ бўлади, бировникида – қора катаклар... (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)*

Кўринадики, 1-микроматндаги ўқимоқ, 2-микроматндаги оқ катаклар, қора катаклар ифодали бирликларнинг матн ниҳоясида метафорик маъно касб этиши матнда эмотив модалликнинг юзага келишини таъминлаган. Лисоний воситаларнинг бу тахлит “ҳамкорлиги” ҳақида С.Боймирзаева шундай деб ёзади: “Дарҳақиқат, матнда тавсифий бирликлар (эпитет, ўхшатиш) ягона бир майдонга бирикиб, етакчи (доминант) маъно касб этади ва шу йўсинда эмотив модаллик мазмуни ифодаланади”<sup>1</sup>.

3. Ўхшатиш мазмунли матнларнинг навбатдаги турида ўхшатиш қурилмаси семантикаси метафорик маъно турларидан бири бўлган персонификацияга асосланади. Профессор М.Миртожиев: “Метафоранинг бу кўринишида ҳам сўзнинг лексик маъно референти ҳосила маъно референти билан сиртки белги, ҳаракат ёки ҳолат хусусияти вазифаси кабилар доирасида ўхшаш бўлаверади. Аммо бу ўхшашлик ҳосила маъно референтига жонли ҳолат бахш этиш орқали юзага чиқади”, - деб таъкидлаган эди<sup>2</sup>. М.Миртожиевнинг мазкур фикри сўз-метафораларга оиддир. Матн-метафораларга нисбатан “ҳосила маъно референти” ифодасини қўллаш ножоиз: матн-метафораларда ҳосила маъно референти ҳақида эмас, балки ўхшатиш семантикаси таъсирида юзага келган метафорик мазмун ҳақида гапириш ўринлидир. Қуйидаги микроматн яратилиши айни шу жараёнга мисол бўла олади:

*Султон ўрнидан туриб, сувсар мўйнали оқ пўстинни ўз қўли билан сайёҳга кийгизди.*

*Ҳар томондан ҳар хил овозлар қушлардай учиб келдилар:*

*–Қуллуқ бўлсин!*

*–Буюрсин!*

*–Султонимизга офарин!*

*–Қуллуқ султонимизга, қуллуқ!*

*Султон қўли билан ишора қилиб, гала-гала овозларни ортларига қайтариб юборди. Улар учушига пайт пойлаб, инларига қайта қўнишди. (Ш.Бўтаев. “Ҳисомиддин ал-Ёғий” ҳикояси)*

<sup>1</sup> Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 96.

<sup>2</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 98.

Кўринадик, ушбу микроматн яратилишига ОВОЗЛАР БУ – ҚУШЛАР когнитив метафораси асос бўлган, яъни ҳар томондан эшитилган овозлар ҳар тарафдан бирма-бир учиб келиб, бир манзилга кўнаётган кушларга ўхшатиш. Бу эса матн референтларига жонли ҳолат бахш этиб, тасвирийликнинг юзага келишини таъминлаган.

4. Ўхшатиш мазмунли матнларнинг навбатдаги турида персонификация ходисасининг аксини кўриш мумкин. Масалан, Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссасидан олинган қуйидаги микроматнда аёл *дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшатилади*. Матн ниҳоясида эса *гўзал сатр* бирикмаси аёл референти ўрнида қўлланиб, мажозий маънога эга бўлган:

*“Йўқ, бу аёл ҳаммасидан ҳам дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди – бу ерлардан қачонлардир қандайдир даҳо шоир ўтгану, уни мулку фалак билан боғлаб турадиган учқур хаёллари ва мўъжизалар яратувчи тилидан тунроғи жизгинак бўлиб ётган саҳрои-биёбонга бу гўзал сатр бир томчи кўзёш янглиг сирғалиб тушиб қолган. Ой эса шу гўзал сатрни излаб юрган ул шоирнинг ёниқ хотирасидир.* (Н.Эшонқул. “Момоқўшиқ” қиссаси)

Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш мазмунини ифодаловчи бу каби матнлар ўз композицион тузилишига кўра бадий услубда яратилувчи матнларнинг типик кўринишларига айланган<sup>1</sup>. Буни бир турдаги матнларнинг кўплаб насрнавислар ижодида қўлланганлиги кўрсатиб турибди.

Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнлар ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг ижодий тафаккури, фикрлаш тарзи ва миллий менталитетининг ўзига хослигини кўрсатувчи, шунингдек, тилнинг яратувчанлик имкониятини кўрсатувчи лингвомаданий бирлик сифатида намоён бўлади. Шунингдек, бу каби матнлар семантикаси ўхшатиш муносабати нафақат сўз бирикмалари ёки гаплар, балки матнлар орқали ҳам воқе бўлишини кўрсатади. Бу эса айтиш ҳодисани кенгроқ тушуниш ва янада чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

#### 2.4. Тасаввур асосидаги матнларнинг хусусиятлари

Илмий адабиётларда тасаввур айтиш вақтда сезиш органларига таъсир этмаётган предмет ёки ҳодисалар образининг фикран қайта тикланишидан иборат жараён сифатида таърифланади<sup>2</sup>.

Тасаввур келиб чиқишига кўра учга бўлинади:

- 1) қабул қилиш асосидаги тасаввур;
- 2) тафаккур асосидаги тасаввур;
- 3) хаё л асосидаги тасаввур.

Шунингдек, тадқиқотчилар *тасаввур* термини илмий адабиётларда икки хил талқин қилинишини ҳам таъкидлайдилар. Яъни:

- 1) аввал ҳис қилинган предмет ёки ҳодиса образларини қайта тиклаш;
- 2) аввал ҳис қилинмаган предмет ёки ҳодисалар образини қайта тиклаш<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.71

<sup>2</sup> Щербатых Ю.В. Общая психология. – СПб.: Питер, 2008. – С. 48.

<sup>3</sup> Щербатых Ю.В. Кўрсатилган китоб. – Б. 48.

Ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган насрий асарларда тасаввурга асосланган матнларни ҳам учратиш мумкин. Тасаввур асосида яратилган матнларга хос хусусият шундан иборатки, уларда тасвирланган воқелик ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Бу каби матнлар таркибидаги пропозициялар матн тузувчининг тасаввури ва фантазияси асосида яратилган вазиятларни ифодалаб, матн макропропозицияси юзага келишида “муаллиф референцияси” устунлик қилади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг: *Олов ўчоқда эмас, ўзининг кўксига ёнаётгандай ва бу қоп-қора, ишлатилавериб хароба бўлиб қолган ўчоқ эмас, ўзининг юрагидай оловга мафтун бўлиб тикилиб турди: орқасидан қайнонасининг вазмин қадам товушларини эшитиб, ўрнидан ирғиб турди-да, қайларгадир учушга чоғланган хаёлларини пиёзга қўшиб қозонга ташилади ва шошилиб қовура бошлади. У шундагина кўп йиллардан бери ўзининг хаёллари қозон устида пиёзга қўшиб қовурилганини, аввал ўғай укалари ва меҳмонлар, энди эса эри ва қайнонаси ўзининг бу зерикарли ҳамда серкулфат турмушдан халос бўлиш учун озод қуш каби эрк ва хурлик истаб юксак-юксакларга учиб жўнайдиган, бироқ охир-оқибатда яна барибир қозонга келиб тиқиладиган хаёлларини еб қўйишганини дафъатан англаб қолди* (Н.Эшонқул. “Очилмаган эшик” ҳикояси)

Тасаввурга асосланган матнларнинг мазмуний тузилишини тадқиқ этиш натижасида шуни айтиш мумкинки, ижодкорлар тасаввур асосидаги матнни яратишда асосан қуйидагича коммуникатив стратегияларни қўллайдилар:

1. Матнда бирор воқеа-ҳодисанинг сабаби изоҳланади. Бунда келтирилган изоҳ реал воқеликка эмас, матн тузувчининг истаги (прагматик мақсади)га асосланади. Масалан: *Қор атай мени синамоқ учун ҳам шунча кундан буён тиним билгани йўқ. Мени ҳисобдан адаштирамоқчи у. Мен эса мижджа қоқмадим, кўзим очик, қор учқунларини санамоқдаман. Бунинг нима зарурати бор деб эътироф билдирма. Қор ёғишдан чарчаса – чарчар, мен унинг учқунларини, зарраларини санашдан зинҳор чарчамайман, толиқмайман. Чунки уқпардек момик ва мен суйган оқдек оқ ҳар бир қор учқуни менинг Сенга бўлган муҳаббатим изҳори сифатида ёғмоқда! Беғубор меҳр, самовий севги ёғмоқда самодан! Сенгагина аталган меҳр. Муҳаббат, севги!..* (Х.Дўстмуҳаммад. “Мен – сенсиз, сен – менсиз” киссаси)

2. Матн тузувчи муайян руҳий ҳолатни аниқроқ ифодалаш мақсадида тасаввурдан фойдаланади. Масалан, Х.Дўстмуҳаммад муҳаббат туйғуси билан ўртанган, бироқ ўз оиласи олдидаги бурчи туфайли бу туйғуни пинҳон сақлашга мажбур бўлган қаҳрамонининг изтиробли кечинмаларини “Мумкин” ва “Мумкин эмас” номли икки сарҳад орасида яшаётган одамнинг ҳолати сифатида қуйидагича тасвирлайди:

*“Мумкин. – Мумкин эмас.*

*Мумкин. – Мумкин эмас.*

*Бу икки сарҳад орасида яшаиш, бу икки сарҳад орасида маъқул йўл топиб яшаиш нақадар уқубат! Йўлнинг “Мумкин” деган томонига ўтсанг, “Мумкин эмас” деган садо келади, “Мумкин эмас” деб номланган йўлкасига ўтсанг, “Мумкин” деган сас чалинади қулоққа. Бошингни қаёнга уришни билмайсан,*

*қалб ва эҳтиросга бўйсунасан, жасорат ва матонат қўлингдан тутади – ахир Сен одамсан! Инсонсан! Бу улуг мартабага содиқлик хиёнат эмас, бундайин бетакрор мартаба ҳар бандага ҳам насиб этавермайди, бу илоҳий мўъжизани асраб-авайламоқ керак! Шарт!*

*Бироқ, мумкин эмас...*” (Х.Дўстмуҳаммад. “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссаси)

Иқтидорли ёзувчи Назар Эшонқул ўзининг “Тун панжаралари” номли қиссасида бу дунёда яшаб, ўз саволларига жавоб тополмасдан у дунёга рихлат қилган одамларнинг бутун бошли умрларини савол харсанглари билан тўла қип-қизил водий сифатида тасаввур қилади: *Бағрингни кўтариб, ҳў-ў, деб қарайсан – сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётибди. Водийда худди ўтиб бўлмас чўққи каби савол аломатлари қад кериб турибди, уларнинг ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётибди – гўё бутун умрларининг хулосаси шудек, гўё бу ўзлари босиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнда ҳам, чанда ҳам шу манзара – савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасадлар билан тўлган қип-қизил водий, ғарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуйи солганча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянч?! (Н.Эшонқул. “Тун панжаралари” қиссаси)*

Тасаввурга асосланган матнларга хос яна бир хусусият шундан иборатки, уларда мавҳум тушунчалар шахсга хос белгилар асосида жонлантирилиб тасвирланади. Ш.Бўтаевнинг “Бир кунлик меҳмон” номли қиссасидан олинган куйидаги микроматнда ёзувчи шу усулдан фойдаланган: *Дўзах ўтида ёнаётган милёнлаб иллатлару разолатнинг, қабоҳатнинг нега чеки йўқ? Чунки уларнинг трилён-трилёнлари одамнинг ичини ўзларига қўналга қилиб олишган, бири ёнганда ўрнига юзтаси, мингтаси чиқиб боришади. Ҳар қандай қотилликнинг, зулмнинг, фаҳшнинг энг сўнгги қочиб борадиган манзили ҳам одамнинг ичи, бу манзилда улар ўзларининг уруг – қаёшлари билан топшииб, дориломон яшашади. Одам кар – қинғир ишларга ичида бўлаётган қизгин машваратларни ҳеч қачон эшитолмайди, одам кўр – ичидаги даҳшатли манзараларни ҳеч вақт кўролмайди, одам шол – ўз ичига боролмай, кераксиз жойларда мутакаббирона одим отиб юраверади. (Ш.Бўтаев. “Бир кунлик меҳмон” қиссаси)*

Мисол сифатида келтирилган матнлардан кўринадикки, уларнинг референцияси объектив воқеликка мос келмаса-да, муайян объектив мазмунга ишора қилинган. Масалан, Н.Эшонқул асаридан келтирилган микроматндаги *хаёлларини пиёзга қўшиб қозонга ташлади ва шошилиб қовура бошлади* жумласида ширин хаёл суриб ўтирган келинчакнинг қайнонасининг *вазмин қадам товушларини* эшитгач, хаёл оғушидан чиқишга уриниб, саросимада қолгани образли тарзда ифодаланган. Ёки Х.Дўстмуҳаммад асаридан олинган икки сарҳад ҳақидаги микроматнда *икки сарҳад – муҳаббат туйғуси ва бурч; улуг мартаба – севги* референтларини ифодалаб келганлиги контекст орқали аён бўлади.

Демак, тасаввур асосидаги матнлар ҳам, метафора, ўхшатиш, жонлантириш асосида яратилган матнлар каби, ўз мазмуний тузилишида имплицитликни намоён қилади. Бундай имплицитлик матн референтлари сифатида воқеланган ифодалар орқали, шунингдек, матн макропропозицияси орқали юзага келиши мумкин.

Тасаввур асосида яратилган матнлар идроки реципиент онгида ҳам тасаввур жараёни бўлиб ўтишини тақозо қилади. Бу каби матнлар перцепциясида реципиент онгида иккита параллел фрейм тузилмаси тикланади ва бир фрейм иккинчи бир фреймнинг ичига “жойлаштирилади”<sup>1</sup>.

Тасаввур асосида яратилган матнларда ҳам, юқорида таҳлил қилинган матн турлари каби, лингвокреативлик ҳодисаси намоён бўлади: *хаёлларини тиёзга кўмиб қозонга ташлади, ёлғизлик даштини шудгорлар; беғубор меҳр, самовий севги ёғмоқда самодан; гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтардилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар* каби ифодалар матн тузувчи ижодкор шахс тасаввурининг натижасидир. Бу каби ифодалар матнга тасвирийлик ва образлилик бағишлаши баробарида ўзбек бадиий коммуникациясини янги ифодалар билан ҳам бойитади.

Тасаввур асосидаги матнлар образи тафаккурнинг матннинг мазмуний ва номинатив жиҳатига таъсирини яққол кўрсатувчи ҳодисалардан биридир. Таҳлилга тортилган матнлардан аён бўладики, матндаги бадиийликни таъминловчи ифодалар шаклини айнан ижодкор шахснинг тафаккур тарзи белгилаб беради.

### Назорат саволлари:

1. Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология қачон шаклланди?
2. Лингвокультурология соҳасида яратилган қандай тадқиқотларни биласиз?
3. Лингвокультурологик тадқиқотларда, асосан, қайси масалалар тадқиқ этилади?
4. *Сентенция* тушунчаси нимани англатади?
5. Прецедентлик ва интертекстуаллик тушунчалари қайси жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ?
6. *Прецедент сўз, прецедент жумла* деганда нимани тушунасиз?
7. Сегментли матнлар қандай тузилишга эга?
8. Ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги турғун ўхшатишлар қандай маъновий гуруҳларга таснифланган?
9. Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларнинг қандай турлари фарқланади?
10. Тасаввурга асосланган матнлар қандай тузилишга эга?

### Адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.75

2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
5. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
6. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
7. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – 24 б.
8. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
9. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
10. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.
11. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.
12. Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. – № 6. – Б. 104-107.
13. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.
19. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
20. Худойберганаева Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.
21. Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011.

#### **Интернет материаллари:**

14. [http://www. Nbuu. Gov. ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls%202008-17/dorofeev/pdf.) Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.
15. [jurnal. /articles/ 2009 / FMI 45. htme.:](http://jurnal.fmi.ru/articles/2009/FMI_45.htm) Рябов А.Т. Метафоры в свете когнитивной теории.
16. [http www philology / ru/ linguistics 2 / narhimova 07 htm.:](http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova07.htm) Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации.

### 3-мавзу. Матнни психолингвистик таҳлил қилиш асослари

#### Режа:

1. Нутқ яратилишининг психолингвистик талқини.
2. Матн психолингвистик ёндашувлар талқинида.
3. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши.
4. Хулоса.

**Таянч иборалар:** *психолингвистика, нутқ яратилиши, нутқий фаолият, тил ва тафаккур муносабати, лисоний онг, лисоний хотира, шахс руҳий ҳолати.*

#### 3.1. Нутқ яратилишининг психолингвистик талқини

Нутқ яратилиши ҳодисаси тил илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ҳамма вақт бирдек долзарб масала бўлиб ҳисобланган. Бугунги кунда ушбу масалага бағишланган кўплаб тадқиқотлар юзага келган.

Ҳеч бир истисносиз айтиш мумкинки, нутқ яратилиши назариясининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши омиллари тил ва нутқ ходисаларининг ажратилишига бориб тақалади. Ф.де Соссюр томонидан тил ва нутқнинг фарқланиши психолингвистик тадқиқотларда “нутқий фаолият” тушунчасининг янада аниқроқ бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. А.А.Леонтьев фикрига кўра, Ф.де Соссюр нутқий фаолиятни тил ва лисоний қобилятнинг бирлиги сифатида тушунтирган. Л.В.Шчерба эса нутқий фаолиятни сўзлаш ва тушуниш жараёнларининг умумлашмаси деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Е.С.Кубрякованинг таъкидлашича, айнан Л.В.Шчерба тил ходисаларига оид бўлган нутқ, унинг реал асоси ҳамда нутқий жараён маҳсулини ажратиб кўрсатган<sup>2</sup>.

А.А.Леонтьев эса нутқий фаолиятни “нутқий жумлаларнинг нутқий бўлмаган субъектив кодлар орқали дастурлаштирилиши” сифатида баҳолайди<sup>3</sup>. Е.С.Кубрякова *нутқий фаолият* термини остида нутқ яратилиши ва унинг қабул қилинишига оид барча ходисаларни тушуниш кераклигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Нутқий фаолиятга берилган таърифлардан кўринадики, у баъзан статик ходиса (масалан, матн), баъзан эса ҳаракатдаги ходиса сифатида (масалан, сўзлаш ва эшитиш) талқин қилинади. Нутқий фаолиятга берилган мазкур илмий таърифлар бир-биридан турли жиҳатларига кўра фарқ қилса-да, уларнинг барчасида икки омил, яъни сўзловчи ва тингловчи фаолияти

<sup>1</sup> Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. – С. 64.

<sup>2</sup> Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С.9.

<sup>3</sup> Леонтьев А.А. Речевая деятельность // Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. – С.25.

<sup>4</sup> Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

назарда тутилганлигини кўриш мумкин<sup>1</sup>. Бу эса нутқий фаолият энг аввало антропоцентрик характер касб этувчи фаолият эканлигини билдиради.

Нутқ яратилиши ҳақидаги назарияда тил ва тафаккур муносабати ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Нутқ яратилиши жараёнининг тафаккур билан алоқаси психоллингвистикада “нутқ яратилиши модели” деб номланувчи схемаларда акс эттирилди. Бундай моделларнинг деярли барчасида Л.С.Виготский томонидан илгари сурилган “Фикрдан – маънога, маънодан – сўзга” деган концепция ўз аксини топди.

Л.С.Виготский фикрига кўра, фикр нутққа айлангунча бир неча босқичларни ўтиши лозим. Олимнинг “ички сўз” ҳақидаги ғояси ботиний нутқ тўғрисидаги фикрларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ички сўз – ботиний нутқда пайдо бўлувчи, инсон онгидаги образлар, ассоциацияларнинг рамзий симболи. Айнан у ботиний нутқнинг ташқи, табиий нутққа айланишида восита бўла олади<sup>2</sup>. Ботиний нутқдаги фикрнинг сўзга айланиш жараёнини у “тафаккур грамматикасининг сўз грамматикасига айланиши” сифатида изоҳлайди<sup>3</sup>.

Л.С.Виготский томонидан нутқий фаолиятнинг “фикр-маъно-сўз” шаклидаги жараён сифатида талқин этилиши кейинчалик рус тилшунослари томонидан ривожлантирилди ва психоллингвистик тадқиқотлардан мустаҳкам ўрин олди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Н.А.Жинкин томонидан яратилган универсал-предмет кодлари ҳақидаги назария ўз моҳиятига кўра Л.С.Виготский ғоясига яқин туради. Олимнинг фикрига кўра, инсон онгида ҳали ташқи нутққа айланмаган фикрлар универсал-предмет кодларидан иборат. Бу кодлар барча миллат кишилари учун бирдек аҳамиятга эга бўлиб, уни барча тилларга таржима қилиш мумкин<sup>4</sup>. Бошқача айтганда, новербал босқичдаги тафаккур миллий характер касб этмайди, у ташқи нутққа айлангандагина миллий “либос” кийиши мумкин.

Н.И.Жинкиннинг мазкур фикри нутқ яратилиши жараёнининг ички – новербал босқичи (Виготский ва Лурияда бу босқичлар вербал шаклда деб ҳисобланади)<sup>5</sup> ҳақидаги янги ғояларнинг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. Олимнинг универсал-предмет кодлари ҳақидаги назариясини Н.И.Горелов ўз тажрибалари билан исботлашга ҳаракат қилди.

Н.И.Жинкиннинг универсал-предмет кодларини ҳар қандай тилга таржима қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда шуни айтиш жоизки, айрим ҳолларда предметнинг онгдаги образи миллий ассоциацияларни ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, *пахта* сўзини бошқа тилларга таржима қилиш мумкин. Бу сўзнинг муқобили бўлмаган тилда эса мазкур тушунчани сўз бирикмаси орқали ифодалаш мумкин. Лекин пахта ҳақида бошқа миллат вакили онгида пайдо бўлган ассоциациялар билан

<sup>1</sup> Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 25.

<sup>2</sup> Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 55-66.

<sup>3</sup> Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 10.

<sup>4</sup> Каранг: Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982. – С.157.

<sup>5</sup> Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 71.



Ўзбек миллатига мансуб кишининг онгидаги ассоциациялар ўртасида муайян фарқлар бўлиши табиий.

Бу борада “Когнитив тилшунослик” китобининг муаллифи Ш.Сафаровнинг қуйидаги фикрларини келтириш жоиз деб биламиз: “Менимча, П.Дасеннинг тафаккур фаолиятининг айрим жараёнлари умумий (универсал) бўлиши билан бир қаторда, бу жараёнларнинг бошқа қисми эса индивидуал ва миллийлик хусусиятига эга, деган хулосасига (Dasen 1977:155) эргашган маъқулроқ. Бунинг исботини когнитив стереотиплар ва моделларнинг маданиятлараро фарқида кўришимиз мумкин. .... Когнитив стереотиплар, моделлар (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт ва ҳоказо) инсон тарбия топган маданий муҳит билан боғлиқ, зеро, когнитив бирликлар маданиятда мавжуд бўлган воқелик идроки асосида шаклланади”<sup>1</sup>.

Нутқий тафаккурга оид қарашлар ичида Ю.Н.Карауловнинг оралик тил ҳақидаги фикрлари ўзига хосдир. Унинг таъкидлашича, “оралик тил биологик, физик-кимёвий табиатга эга бўлган мия тили (яъни нейронлар тили) ва инсоннинг тили ўртасидаги воситачи” дир<sup>2</sup>.

Нутқ яратилиши жараёни талқинида яна бир масала – тил ва тафаккурнинг айнан ёки алоҳида ҳодисалар эканлиги баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда. Айрим психолог ва тилшунослар бу борада биринчи фикрни ёқласалар, айримлари бу фикрга қарши чиқадилар<sup>3</sup>.

Энг сўнгги қарашларга кўра, “тил ва тафаккур ўзаро ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Лекин уларнинг иккови бир нарса эмас. Тил тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш формаси сифатида инсон онгининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Тил қобиғидан ташқарида онгнинг қарор топиши мумкин эмас. ... Абстракт тафаккур тил туфайлигина воқе бўлади. Тилнинг мавжудлиги тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг энг зарурий шартидир. Тилсиз бу ҳол мавжуд бўлмас эди. Чунки сўз умумлаштирувчи хусусиятга эга. Тил ўзига хос қонуниятларга эга ва бу қонуниятлар тафаккур қонуниятларидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг мустақил ҳодиса эканигини кўрсатади”<sup>4</sup>.

Е.С.Кубрякова лисоний тафаккур ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги муаммони ўртага ташлайди: одам аввал ўйлаб, кейин гапирадими ёки бу икки фаолият бир вақтнинг ўзида амалга ошадими? Олиманинг фикрича, айрим ҳолатларда одам ўз нутқини ўйлаб, кейин тузади (масалан, мақола ёзганда). Айрим ҳолларда эса фикрлаш ва сўзлаш жараёни айна бир вақтнинг ўзида амал қилади (масалан, суҳбат чоғида)<sup>5</sup>.

Е.С.Кубрякованинг ушбу фикрини шеърини нутқ яратилиш жараёни ҳам исботлайди. Маълумки, кўп ҳолларда шеър мисралари бирданига, шиддат билан қоғозга тушади. Усмон Носирнинг “*Тилим чарчар, ажаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан*” сатрларида бу ҳолат жуда аниқ ифодаланган. Шоир ўз

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 72.

<sup>2</sup> Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 28-31.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.81.

<sup>4</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 400.

<sup>5</sup> Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 42.

фикрларини ташқи нутққа “таржима қилар” экан, бизнингча, унда тафаккур ва нутқ жараёнлари бир вақтнинг ўзида амал қилади.

Е.С.Кубрякованинг психолингвистикадаги яна бир хизмати шундан иборатки, у ички нутқ яратилиши механизмида номинация жараёнига ҳам амал қилиниши ҳақидаги қарашни ривожлантирди. Унинг таъкидлашича, фикрнинг шаклланиши ва лисоний тус олиши жараёнларида мия тили ташқи тилга икки канал – номинатив ва синтактик каналлар орқали ўтади. Номинатив канал номлаш вазифасини бажарса, синтактик канал нутқнинг грамматик-шаклий тузилишини белгилайди<sup>1</sup>.

Кўринадикки, нутқ яратилиши жараёнига оид фикрлар хилма-хил ва ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳали етарли. Бундан 30 йилча аввал “Нутқий фаолият назарияси асослари” номли фундаментал асарда эпиграф қилиб келтирилган А.Н. Колмогоровнинг қуйидаги гапи, бизнингча, ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб турибди: “Нутқ оқимини унинг яратилиши механизми ҳақидаги фаразсиз ўрганиш нафақат самарасиз, балки қизиқарсиз ҳамдир”<sup>2</sup>. Буни нутқ яратилиши назариясида янги пайдо бўлган йўналиш – когнитив тилшунослик томонидан қўйилаётган муаммолар ҳам исботламоқда.

### 3.2. Матн психолингвистик ёндашувлар талқинида

Матннинг антропоцентрик моҳияти психология ва лингвистика соҳалари кесишуви натижасида юзага келган психолингвистикада айниқса яққол намоён бўлади. Психолингвистик тадқиқотларда матннинг **матн тузувчи** – **матн** – **реципиент**дан иборат учлик<sup>3</sup> нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши унда хусусан шахс омилининг ролини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, психолингвистика соҳаси XX асрнинг 50-йилларида психология ва тилшунослик фанларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ объекти нутқий фаолият субъекти бўлган шахс, тил эгаси ҳисобланади. Рус тилшунослигида мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифаси ҳақида ёзар экан, “тилнинг амал қилишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш” ушбу соҳанинг асосий мақсади бўлиши кераклигини таъкидлаган эди<sup>4</sup>.

Психолингвистикага доир кўплаб тадқиқотлар яратган рус тилшуноси ва психологи В.П.Белянин “Основы психологической диагностики (модели мира в литературе)” номли асарида матнга лингвистик ва психологик ёндашув ҳақидаги ўз концепциясини яратди. Олимнинг матн ҳақидаги қарашларини акс эттирган 6 банддан иборат бўлган фикрларини тўлиқ келтиришни лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, улар тилшунослигимизда ҳали

<sup>1</sup> Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 140.

<sup>2</sup> Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974.– С.3.

<sup>3</sup> Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психология. Теория речевой деятельности: Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007. – 318 с.

<sup>4</sup> Залевская А.А. Введение в психолингвистику: Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 1999. – С. 25.

шаклланиб улгурмаган матннинг психоллингвистик тадқиқ тамойиллари учун жуда муҳимдир.

1. В.П.Беляниннинг фикрига кўра, нутқ ортида нафақат тил тизими, балки психология ҳам туради. (Аёнки, бунда олим нутқ яратилиши жараёнини назарда тутган).

2. Ҳар хил матн ортида ҳар хил психология туради. (Бунда В.П.Белянин матн тузувчининг матнда акс этувчи субъектив хусусиятларини назарда тутган).

3. Бадиий матн тузилиши акцентуаллашган онг тузилишига мувофиқдир. (Бунда Белянин онг психик тузилишининг матн тузилишига таъсирини назарда тутди. Унинг бу фикри кейинги бандда янада равшанроқ намоён бўлади).

4. Ҳиссий-мазмуний доминанта<sup>1</sup> бадиий матннинг семантик, морфологик, синтактик хусусиятлари, шунингдек, унинг услубияти намоён бўлишида асосий ролни бажаради.

5. Матн воқелик – онг – олам манзараси – тил – матн тузувчи – реципиент – матн проекциясидан иборат тизим унсури ҳисобланади. (В.П.Белянин ушбу бандда матн яратилиши ва идрокининг барча лисоний ва нолисоний омилларини қайд этган).

6. Реципиентнинг бадиий асар ҳақидаги ўз талқини бўлиши мумкин. Бу талқин матн билан бирга реципиентнинг психологиясига ҳам боғлиқ бўлади<sup>2</sup>.

(Бу бандда В.П.Белянин матн идрокининг хусусий ҳодиса эканлигини таъкидлаган).

Назаримизда, В.П.Белянин томонидан келтирилган ушбу қарашлар фақат бадиий матнни эмас, бошқа услубдаги матнларни ҳам психоллингвистик таҳлил қилиш учун асос бўла олади. Хусусан, 5-бандда баён этилган матннинг объектив воқелик, онг, олам манзараси, нутқ яратилиши ва унинг идроки билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашлар матннинг психоллингвистик моҳиятини яққол намоён этади.

Психоллингвистик таҳлилда **лисоний онг** масаласи ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллайди. “Лисоний онг ташқи фаолиятни тил белгилари воситасида режалаштириш ва бошқаришдан иборат бўлган ички жараён дир”<sup>3</sup>. У хусусан, коммуникациянинг энг олий бирлиги бўлган матн яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Матннинг психоллингвистик таҳлилида энг муҳим бўлган объектлардан бири тил эгаси – матн тузувчи ва реципиент фаолиятидир. Маълумки, матн инсон томонидан инсон учун яратилади. Бу матн яратилиши ва унинг идрокдан иборат фаолият занжирининг антропоцентрик хусусиятга эгаллигидан далолат беради. Психоллингвистик таҳлилда муаллиф-реципиент

<sup>1</sup> Ҳиссий-мазмуний доминанта ҳақида 3-бобда фикр билдирилади.

<sup>2</sup> Белянин В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – С. 8-9.

<sup>3</sup> Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психология. Теория речевой деятельности: Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007. – 318 с.

муносабатларида амал қилувчи лисоний ва нолисоний омиллар борки, уларни ўзаро уйғунликда тадқиқ этиш кутилган натижаларни олишга имкон яратади<sup>1</sup>.

Тилшуносликда матн моҳияти, унга хос бўлган асосий белгилар ҳақида мавжуд бўлган фикрлар<sup>2</sup> матнни психолингвистик аспектда ўрганган тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилади. Жумладан, яхлитлик, информативлик, боғланишлик каби хусусиятлар матннинг асосий белгилари эканлиги бир қатор психолингвистларнинг ишларида ҳам қайд этиб ўтилган<sup>3</sup>. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотчилар матннинг психолингвистик ўзига хослиги ҳақида айрим қарашларни ҳам илгари сурдилар. Жумладан, матнни психолингвистик аспектда ўрганган Ю.А.Сорокин унинг боғланишлик ва яхлитликдан иборат белгиларига қуйидаги тарзда ёндашади: “Матн яхлитлиги психологик нуқтаи назардан реципиент ва матннинг ўзаро муносабати жараёнида юзага келувчи яширин проекцион (концептуал) ҳолатдир, шунингдек, боғланишлик тил / нутқнинг қурилиши унсурлари баробарида унинг қурилиш унсурлари бўлмаган қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижаси ҳамдир<sup>4</sup>. Яна бир тилшунос А.И.Новиковнинг фикрига кўра эса матн яхлитлиги фақат унинг мазмуний тузилишига хосдир<sup>5</sup>. Новиковнинг ушбу хулосаси психологик ва когнитив нуқтаи назардан тўғри бўлса-да, матннинг ташқи тузилиши – синтактик-структур жиҳатини эътиборга олмаганлиги билан мунозаралидир. Зеро, матн яхлитлигини унинг ички тузилишигина таъминламайди.

А.И.Новиков матннинг психолингвистик белгилари қаторида ахборот сиқиклиги (компрессивность)ни ҳам қайд этади<sup>6</sup>. Ахборот вербал шаклининг сиқиклиги Н.А.Жинкиннинг ҳар бир матнни битта гап шаклига келтириш мумкинлиги ҳақидаги ғоясига асосланган.

А.И.Новиков юқорида қайд этилган мақоласида матнни таҳлил қилишнинг янги бир йўналиши ҳақидаги қарашларини ҳам баён этган. Унинг фикрича, психолингвистик ва когнитив тилшуносликда тил турли нуқтаи назарга кўра таҳлил қилинса-да, улар бир нуқтада кесишади. У мана шу нуқтани “лингвопсихология” деб аташни таклиф қилади<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.83

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2009. – Б. 49-70.

<sup>3</sup> Белянин В.П. Основы психологической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – С. 8-13; Пешкова Н.П. Психолингвистические аспекты типологии научного текста: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2002. – С. 15; Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвопсихологии // Методология современной психолингвистики: Сб. статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003.

<sup>4</sup> Сорокин Ю.А. Текст: цельность, связность, эмотивность // Аспекты общей частной теории текста. – М., 1982. – С. 61-73.

<sup>5</sup> Новиков А.И. Кўрсатилган мақола.

<sup>6</sup> Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвопсихологии // Методология современной психолингвистики: Сб. статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003. – С. 9-17.

<sup>7</sup> Новиков А.И. Кўрсатилган мақола.

Матнни психолингвистик таҳлил этиш ҳақидаги айрим тадқиқотларда унинг креоллаштирилганлик, мантиқий узилиш ҳамда интерпретативлик хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши лозимлиги таъкидланади<sup>1</sup>.

Креоллаштирилганлик (рус тилида: креолизованность) *креол*<sup>2</sup> сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, реципиентга таъсир ўтказиш мақсадида вербал ҳамда новербал шаклларнинг уйғунлаштирилиши тушунилади. Рус тилшуноси М.Б.Ворошилованинг маълумотига кўра, бу тушунча психолингвистикага Ю.А.Сорокин ҳамда Е.Ф.Тарасовалар томонидан киритилган<sup>3</sup>. Креоллаштириш натижасида “вербал ва новербал унсурлар ягона визуал, тузилмавий, мазмуний ва функционал яхлитликни ҳосил қилади”<sup>4</sup>. Бундай матнлар сирасига тадқиқотчи реклама матнлари, киноматнларни киритади.

Психолингвистикага доир адабиётларда қайд этилган шаклий узилиш (рус тилида: скважность) ҳам матнга оид қизиқарли ҳодисалардан биридир. Маълумки, матнда кетма-кет келган жумлалар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлади. Ана шу боғлиқлик кутилмаганда узилиб қолиши мумкин. Ў.Ҳошимовнинг “Ўзбек иши” деб номланган ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада мана шу ҳодисани кўриш мумкин: *Йўқ, Жуманов Корягинга эмас, дераза томон интилди. Соқчи эшикдан киргунча бир ҳатлаб дераза раҳига чўккалаб олди. Шу алпозда бир сония, атиги бир сония Корягинга қаради. Ҳозиргина кўзларида ёниб турган газаб ифодаси ўрнида шу қадар чуқур, унсиз нафрат, ночорлик, изтироб... шу қадар теран ҳайрат бор эдики, Корягиннинг юраги орқага тортиб кетди.*

–*Жуманов!* – *Василий Степанович дераза томон талпинди.* – *Жуманов*

...

*Гапани тугатмасдан деразадан яна гира-шира оқшом ёруғи кўринди.*

*Соқчи икковлари баравар югуриб боришди. Чуқурликдаги ҳовлида, ҳовуз четидаги симёғочда лампочка ёниб турар, Жуманов япроқларини чанг босган арча тагида гайритабиий ёнбошлаб ётар эди: боши ҳовузнинг цемент қиррасида, гавдаси қирғоқда... Корягин унинг жон таслим қилаётиб, оёгини уч-тўрт силкитганини кўрди.*

Берилган микроматнда халқимиз кечмишидаги фожиали даврлардан бири – пахта яккаҳокимлиги вақтида “ўзбек иши” деб аталган машъум ҳаракатнинг қурбонига айланган совхоз директори Жумановнинг терговчининг маънавий ва жисмоний қийноқларига чидолмасдан, ўзини тергов бўлаётган бинонинг юқори қаватидан пастга ташлаб ҳалок бўлиши эпизоди тасвирланган. Агар матндаги жумлаларга мантиқий жихатдан ёндашадиган бўлсак, унинг икки ўрнида муайян жумлалар тушириб қолдирилганини кўришимиз мумкин: бу – *Жуманов!* – *Василий Степанович*

<sup>1</sup> Қаранг: Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психолингвистика. Теория речевой деятельности: Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007. – 318 с.

<sup>2</sup> *креол* – Африка мамлакатларида африкаликларнинг тубжойли бўлмаган, келгинди халқ вакиллари билан бўлган никоҳларидан туғилган авлодлар / “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 416.

<sup>3</sup> Ворошилова Н.Б. Креолизованный текст: аспекты изучения // Политическая лингвистика. Вып. 20. – Екатеринбург, 2006. – С. 180-189.

<sup>4</sup> Ворошилова М.Б. Кўрсатилган мақола.

*дераза томон талпинди. – Жуманов... жумласидан кейинги Жуманов дераза раҳидан ўзини настга отди* ҳамда *Соқчи икковлари баравар югуриб боришди* жумласидан олдинги *Корягин ва соқчи юқори қаватдан настга тушиб, ҳовлига чиқишди* жумлаларидир. Ахборот изчиллиги ушбу жумлаларни тақозо этса-да, уларни матн таркибида қўлламаслик матннинг мазмуний яхлитлигига таъсир этмаган: реципиент муаллиф назарда тутган пропозицияларни матнда ифодаланган вазиятдан келиб чиқиб, ўзи тиклаши мумкин. Импликациянинг бу усули бадий матнларда кўп учрайди. Демак, мантиқий узилиш, айтиш мумкинки, матн ва реципиент муносабатларига, яъни матннинг мазмуний идрокига оид ходиса бўлиб, аборт сиқиклигининг юзага келишига хизмат қилади.

Матннинг психоллингвистик хусусиятларидан бири интерпретативлик ҳисобланади. В.П.Белянин фикрига кўра, ҳар бир реципиент муайян матн ҳақида ўз интерпретациясига эга бўлиши мумкин. Матн идроки натижасида юзага келувчи интерпретация характери фақат матннинг эмас, реципиентнинг ҳам психологик хусусиятига боғлиқ бўлади. Муаллиф билан реципиент психологик жиҳатдан қанчалик яқин бўлса, уларнинг матн ҳақидаги интерпретацияси шунчалик мувофиқ бўлади<sup>1</sup>.

### **3.3. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши**

Тил инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларида биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини “бошқара олади” – унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади<sup>2</sup>.

Хусусан, бадий матн “Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўндириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади”<sup>3</sup>.

Бадий матннинг айна шу хусусиятини тадқиқ этган рус тилшуноси В.П.Белянин ўз китобларидан бирида Виготскийнинг “Ҳамма жойда – фонетикада, морфологияда, лексика ва семантикада, ҳатто ритмика, вазн ва муסיқада – грамматик ва шаклий категориялар ортида психологик омиллар яширинган!” – деган фикрини келтириб ўтади.

Психоллингвистиканинг вазифаларидан бири тил бирликлари ортида яширинган психологик омилларни матннинг лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир.

Психологияга доир адабиётларда инсон эмоцияси аффе́кт (кучли, лекин қисқа муддатли эмоционал реакциялар), ҳиссиёт (узок ва турғун эмоционал муносабат), кайфият ва стресс (кучли руҳий зарба) каби турларга бўлиб

<sup>1</sup> Белянин В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели лира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – С. 8.

<sup>2</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.88

<sup>3</sup> Юлдашев М.М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 99.

ўрганилади<sup>1</sup>. Табиийки, бадий адабиёт бу эмоцияларнинг барча турларини ифодалаш имконига эга.

Психолингвистикада ўзига хос йўналиш яратган В.П.Белянин ўзининг “Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе)” номли китобида матнни психолингвистик таҳлил қилиб, матнда ифодаланган эмоция турларига кўра уларни 6 турга ажратади: 1) ёруғ матнлар; 2) қоронғи матнлар; 3) қайғули матнлар; 4) қувноқ матнлар; 5) чиройли матнлар; 6) мураккаб матнлар<sup>2</sup>. Унинг “Психологическое литературоведение” номли китобида бу фикрлар янада чуқурлаштирилиб, бадий матнлар психиатрик адабиётшунослик номли янги йўналиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган<sup>3</sup>.

В.П.Белянин юқоридаги матн турлари таҳлилида инсоннинг қандай хиссиётлари устунлик қилганлигини психолог сифатида аниқлаш баробарида уларда қандай лингвистик бирликлар қўлланганлигига ҳам эътиборини қаратади.

В.П.Белянин бадий асарнинг психолингвистик таҳлиliga бағишланган асарида<sup>4</sup> хиссий-мазмуний доминанта бадий матн яратилишида асосий уюштирувчилик вазифасини бажариши ҳақидаги фикрни илгари сурди. Унинг қарашича, хиссий-мазмуний доминанта “матн яратилиши ядроси сифатида бадий матннинг мазмуни, тузилиши, синтаксиси, услуби ва лексик танловини белгилаб беради”<sup>5</sup>. В.П.Белянин *ҳиссий-мазмуний доминанта* терминини қуйидагича изоҳлайди: “Ҳиссий-мазмуний доминанта – муайян шахс типи учун характерли бўлган ҳамда олам манзараси ва матнни метафоралаштириш ва вербаллаштириш учун психик асос бўлиб хизмат қиладиган когнитив ва эмотив эталонлар тизимидир”<sup>6</sup>. Шу ўринда *доминанта* сўзининг психологик талқинини келтириб ўтишни жоиз жеб биламиз. Доминанта –(лот. *dominans* – ҳукмронлик қилувчи) марказий асаб тизимида вақтинча ҳукмронлик қилувчи рефлексор тизим бўлиб, бошқа рефлексор тизимларнинг тормозланиши натижасида организмни муайян фаолиятга йўналтирадиган яширин тайёргарликни яратувчи жараён хисобланади<sup>7</sup>. В.П.Белянин хиссий-мазмуний доминанта ҳақидаги қарашда матнда ифодаланган муайян вазиятни шахс акцентуацияси билан боғлайди<sup>8</sup>.

Ўзбек бадий прозасида ҳам инсоний хиссиётлар ифодаси берилган микроматнлар кўплаб учрайди. Биз тадқиқотимизнинг ушбу қисмида, Белянин изидан бориб, турли хиссиётларнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари актуаллашишини таҳлил этишга уриниб кўрамыз.

<sup>1</sup> Шербатых Ю.В. Общая психология. СПб.: Питер, 2008. – 272 с.

<sup>2</sup> Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 248 с.

<sup>3</sup> Белянин В.Н. Психологическое литературоведение. – М., 2006.

<sup>4</sup> Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – Б. 17.

<sup>5</sup> Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

<sup>6</sup> Белянин В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

<sup>7</sup> Сов. энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1989. – С. 409-410.

<sup>8</sup> Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

Аввало, айтиш лозимки, ҳиссиёт ифодаси берилган микроматнлар бадий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келтирилади. Улардан асосийлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. Асар персонажининг руҳий ҳолати унинг нутқидан англашилади:

*Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда туғилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-лим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Сөгинчининг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда – бедор тунлар юрак дуқуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёғдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман... ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиши эҳтиёжи ортиб боради... (Х.Дўстмуҳаммад. “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси)*

2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади. Бунда муаллиф қуйидаги усуллардан фойдаланади: а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилади:

*Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди. Табиб уни ўрнидан турғизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўқсиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:*

*–Бўстонимнинг гули! Очилмай сўлган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари қўйдаи маъратиб, қари бувангни кимга ташлаб кетмишсен, қўзичоғим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..*

*Муштдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Қушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суюнганича гарангсиб турарди. (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи);*

б) персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг руҳий ҳолатига ишора қилади. Маълумки, инсон руҳиятидаги бирор ўзгариш, масалан, қувониш, хафа бўлиш, кўркувга тушиш ва шу каби турли ҳолатлар унинг зоҳирий кўринишида намоён бўлади. Масалан, инсон нохуш хабарни эшитганда ранги оқариб кетиши, уялганида қизариб кетиши, кўркқанида тиззалари қалтираши табиий ҳолатдир. Бадий матнда муайян шахс руҳий ҳолатини бевосита тасвирлашдан кўра ана шу ҳолатга ишора қилувчи жисмоний ўзгаришларни ифодаловчи бирликларни бериш нисбатан кўп кузатилади. Айтиш мумкинки, бундай бирликлар ҳатто стереотип бирликларга айланиб қолган. Буни қуйидаги изоҳларда кўриш мумкин:

–кўзлари чарақламоқ – хурсанд бўлмоқ

–қовоғи солиқ – хафа

–тиззалари бўшашиб кетмоқ – руҳан тушкунликка тушмоқ

–юзи оқармоқ – нохуш хабардан ўта таъсирланмоқ

–юзи қизармоқ – уялмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ



- оёғини судрамоқ* – умидсизликка тушмоқ;
- ўрнидан сакраб турмоқ* – бирор нарсадан ўта ҳаяжонланмоқ
- қўллари қалтирамоқ* – ўта кўрқмоқ ёки ўта асабийлашмоқ
- эти жимирламоқ* – бирор ҳодисадан ўта таъсирланмоқ
- овози қалтирамоқ* – ҳаяжонланмоқ
- юраги дукулламоқ* – ўта ҳаяжонланмоқ
- ерга қарамоқ* – уялмоқ
- кўзига ёш келмоқ*

Инсон руҳий ҳолатини ифодалашда ўхшатишлар ҳам муҳим ўрин тутади. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да маъноси изоҳланган турғун ўхшатишлар ичида хусусан ҳолат билдирувчи ўхшатишлар ўзининг таъсирчанлиги, образлилиги ва лингвопоэтик жиҳати билан ажралиб туради. Улар қаторига *баҳор ҳавосидай ўзгарувчан, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай севинмоқ, бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ, вулқондай отилиб чиқмоқ, тилла топган гадойдай хурсанд, тўрвасини йўқотган гадойдай каловламоқ, гулдай сўлмоқ, ранги докадай оқармоқ, етим кўзидай мўлтирамоқ, игна устида ўтиргандай безовта бўлмоқ, илон чаққандек тўлганмоқ, лавлагидай қизармоқ, лойдай бўшаимоқ, михлангандек қотиб қолмоқ, сувга тушган мушукдек шалвирамоқ, оловдай ёнмоқ, сеҳрлангандек қотиб қолмоқ, устидан совуқ сув қуйгандек сесканмоқ, ўтдай куймоқ* каби турғун ўхшатишларни<sup>1</sup> киритиш мумкин. Шахс ҳолатини образли тарзда ифодаловчи юқоридаги ўхшатишларда ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этиб, у тил эгаларининг лисоний хотирасида барқарор бирлик сифатида сақланиб туради<sup>2</sup>. “Халқнинг миллий образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида турғунлашган, эталонлашган образлар миллий идрокни акс эттиради”<sup>3</sup>. Прецедент бирликлар қаторида турувчи бу каби эталонлар шахс руҳий ҳолатини эмоционал-экспрессив тарзда ифодаловчи воситалардан бири ҳисобланади.

Ўзбек насрининг энг гўзал намуналаридан бири бўлган “Ўткан кунлар” романида қўлланган ўхшатишларга эътибор беринг:

*Ош-сувдан кейин кампир Саодатни ўчоқбоши юмишига юбориб, менга қараб кулди:*

*Саодатга бир яхши жойдан куяв чиқиб қолди. Кеча унашсак унашкудек ҳам бўлган эдик, бироқ сизнинг маслаҳатингизни олайин, деб совчиларни қайтардим. – демасинми, устимдан бир челақ совуқ сув қуйгандек энтикдим, қандай жавоб беришка тилим келмай қолди. Узоқ вақт кесак каби ҳаракатсиз қолгач, куч орқасида тилимни базур шу сўзга ҳаракатлантирдим:*

*–Жойи яхши бўлса, ўйлаб кўриши керак...*

<sup>1</sup> Қаранг: Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули / Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 10.-11.

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 10.

*...Чаён каби мени заҳарламакда бўлган кампирнинг тўғри сўзини эшитиб туришка ортиқ тўзалмадим-да, эртагача ўйлаб жавоб беришни айтиб кампирнинг олдидан чиқдим. Чиққач, **оёғи куйган товукдек тўрт томонга югура бошладим**. Эпақалик бир гап эсимга келмас эди. Ниҳоят, ақлимни бошимга йиғиб, сирримдан воқиф бир ошнамга кенгаш солдим... Лекин бутун тунни билан кўзимга уйқу келмай, **тиканга агнаган каби азобланар эдим** ва сустлигим учун ўз-ўзимни сўкар эдим.*

Юқоридаги матнга эътибор берадиган бўлсак, уста Олимнинг севгилиси – Саодатдан айрилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб ўзини йўқотиб қўйиши матнда жуда таъсирли ифодаланган. Эътиборлиси шундаки, А.Қодирий бундай руҳий ҳолатни тасвирлашда фақат турғун ўхшатишлардан фойдаланган ва бу ёзувчининг мақсадига тўла мувофиқ бўлган.

в) табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилади:

*Куз тонги салқин ва хушхаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонгги қировларнигинга эритишга зўрга етади; субҳи-содиқданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажовузкор назар ташлайди, саҳар пайтлари эса кучи ва истехкомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сирғалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагингда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг отини сен ҳеч қачон тополмайсан, зотан, **бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди**. (Н.Эшонкул. “Момоқўшиқ” киссаси)*

Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган матнлар шуни кўрсатадики, уларнинг синтактик-шаклий тузилиши ҳамда матн яратиш учун лозим бўлган номинатив бирликлар қандай бўлишини айнан матнда ифодаланаётган ҳиссиётнинг характери белгилаб беради – матн тузувчи шу ҳиссиётга мос келувчи сўзлар, жумлалар ва оҳангдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу, В.П.Белянин таъкидлаганидек, матннинг муҳим психолингвистик хусусиятларидан биридир.

Бадий асарларни кузатиш натижасида айтиш мумкинки, оҳанг инсоннинг аффеktiv ҳолатини тасвирлашда энг актуал бирлик сифатида намоён бўлади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг:

*Икромжон ҳамон унинг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хунук овоз билан бақирарди:*

*–Онанг **қандоқ** хотин эди! **Қандоқ** хотин эди! Номард! Она қабрга қўйилаётганда кўриб туриб ёнига боролмаган, оқпадар! Ўз қўли билан тупроққа қўйишдан қочган, ярамас! Ананг **қандоқ** хотин эди-я! Сен жувонмаргга **қандоқ** меҳр қўйган эди-я! **Сен** уни ўлдирдинг! **Ўзинг** ўлдириб, яна **ўзинг** уни тупроққа қўйганларини томоша қилдингми? Ифлос! (С.Ахмад. “Уфқ” романи)*

Юқоридаги матнда ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор берадиган бўлсак, уларнинг алоҳида оҳанг билан айтилишини сезиш мумкин. Албатта, бундай оҳангни ёзувда кўрсатиб беришнинг иложи йўқ. Шу сабабли бундай

ҳолатларда реципиентнинг оҳангни ҳис қилиш салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар матнда ўзига хос ассоциатив майдон ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради. Бундай ҳолатнинг юзага келишига матнда қўлланган, психологик жихатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Маълумки, сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаришисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргишлаб борар эди; бироқ **гўристон** кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган **қоп-қора** чинор остида оқаришиб турган **сағаналарни**, белгисиз зулматни кўрганда юраги увушиди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига раҳна солди: *Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдида оппоқ **кафанга** ўралиб **сағана** ва **гўрлар** атрофида елиб юрган **арвоқлар** келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди **ўликдан** қўрқмаслигини бировга писанда қилаётгандай, бақариб: “**Ўликнинг** жони йўқ, **ўликнинг** жони йўқ!” – деб олга интилди. Шу югурганича чинор остидаги *Онҳазратим сағанаси олдида тўхтади; чойнак билан қумғонни оёғи остига қўйди, паранжи-чимматини бир чеккага ташлади, ичида: “Кўпи кетиб ози қолди”, - деб суюнди. (А.Қаҳҳор. “Даҳшат” ҳикояси).***

Матндан кўринадики, унинг таркибида қўлланган *гўристон, сағана, кафан, ўлик, гўр, зулмат, қоп-қора* сўзлари ҳикоя персонажи – Унсиннинг юрагидаги бениҳоя кучли даҳшатни ифодалаш билан бирга, ўқувчида ҳам кўрқув ҳисларини пайдо қилади. Ўқувчи гўёки Унсин билан бирга “қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни, белгисиз зулматни” кўргандек “юраги увушади”. Бу ерда тил (сўзлар) машҳур руҳшунос П.Павлов айтганидек, иккинчи сигнал вазифасини бажариб, инсоннинг марказий асаб тизимидаги маълум нуқталарни “уйғотади”, яъни ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар ҳақидаги образларни қайта тиклайди. Бу жараён инсон туйғуларини тасвирлаш бош мақсади бўлган лирик тур жанрларидан бири бўлган шеърда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Турли шеърларни мутолаа қилганимизда бизда турли кайфиятнинг пайдо бўлишига энг аввало унинг

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.90

оҳанги ва ассоциатив сўзлар пайдо этувчи реакция сабаб бўлади. Ўқувчи шеърни ўқиш жараёнида унда ифодаланган мазмунни англаш баробарида шеър оҳанги ва ассоциатив сўзлар таъсирини ҳам ҳис қилиб боради. Масалан, А.Ориповнинг “Севги ўлими” номли шеъри ана шундай хусусиятга эгадир:

*Ёмғирли кун эди, атроф жим, соқит,  
Сенинг кўзларингга боқардим сармаст.  
Секин шивирладинг: “Кўй, боқма, йигит,  
Севгинг менга янгилик эмас”.  
Ёмғир ҳам тинмади ўша кунни ҳеч,  
У ҳам қуволмади кўзда хобингни.  
Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч  
Олиб қайтдим изтиробингни...*

Шеърини матнда қўлланган ёмғирли кун, жим, соқит, секин, совуқ, рутубатли, изтироб сўзлари ўқувчи шуурида ёмғирли, совуқ ва рутубатли ҳаво пайдо қиладиган маҳзун кайфиятни юзага келтиради. Шеърини матнда ифодаланган умидсизлик ўқувчи юрагига ҳам кириб боради.

Демак, адабиётшунос олимлар томонидан “сўз сеҳри” деб таърифланувчи ушбу жараён маълум маънода ўз моддий асосига эга, дейиш мумкин. Бунда матн ўқувчисининг тезауруси, сўзни ва оҳангни ҳис этиш салоҳияти, шунингдек, муайян адабий жараён меъёрлари ҳақидаги билими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада матн муаллифи ва ўқувчи тенг даражада бўлмас экан, ўқувчи матнда ифодаланган бадиий мазмунни ҳеч қачон унинг муаллифи даражасида англаб етолмайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ объектига нималар киради?
2. *Нутқий фаолият* деганда нимани тушунасиз?
3. Нутқ яратилиши ҳақидаги назарияда қандай масалалар долзарб муаммолар ҳисобланади?
4. Н.И.Жинкиннинг универсал-предмет коди нимани англатади?
5. *Матн тузувчи – матн – реципиент* учлиги нимани англатади?
6. Психолингвистикага доир яратилган қандай тадқиқотларни биласиз?
7. Психолингвистик таҳлилда *лисоний онг* масаласи нимани англатади?
8. Матннинг психолингвистик таҳлилида энг муҳим бўлган объектларни сананг.
9. Психолингвистикага доир адабиётларда қайд этилган *шаклий узилиш* термини нимани англатади?
10. Бадиий адабиётда инсоний ҳиссиётларнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари қўлланади?
11. Оҳанг инсоннинг аффеktiv ҳолатини тасвирлашда қандай ўрин тутади?

12. Матнда қўлланган ассоциатив сўзлар қандай вазифа бажаради?

### Адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einföhrung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
5. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентриқ тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
6. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
7. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
8. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
9. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.
10. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.
11. Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи. –М.: Наука, 1991. – 238 с.
12. Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011.

### Интернет материаллари:

13. [http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.](http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls%2008-17/dorofeev/pdf.): Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.
14. [http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova07.htm.](http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova07.htm): Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации.

#### 4- Мавзу: Психоллингвистикада ассоциатив тажриба методи

##### РЕЖА:

1. Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши.
2. Ассоциатив тажриба методининг моҳияти.
3. Ассоциатив тажриба турлари.
4. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши, амалий аҳамияти.

**Таянч иборалар:** *вербал ассоциация, ассоциатив алоқа, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғат, эркин ассоциатив тажриба, йўналтирилган ассоциатив тажриба методи.*

##### 4.1. Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши

Жаҳон тилшунослигида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив жуфтликларнинг хусусиятлари, таснифи масаласи чуқур ўрганилди, бугунги кунда ҳам бу йўналишда кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу муаммо жаҳоннинг машҳур тилшунос олимлари: Ф. Гальтон, А. Тумб, К. Марб, Г. Кент, А. Розанов, Д.С. Палермо, М. Розенцвейг, Р. Вудвортс, Л. Постмэн, К. Нобл, Ж. Диз, Ж. Женкинс, Ф. Креймер, А.Р. Лурия, А.А. Леонтьев, Л.В. Сахарный, А.А. Залевская, Ю.Н. Карауловлар томонидан турли тиллар мисолида чуқур таҳлил этилди.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши масаласи таҳлил этилган ишлар санокли. Хусусан, И.Азимованинг «Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи» номли номзодлик ишида публицистик матнни ҳосил қилувчи лексик ассоциациялар таҳлилга тортилган бўлса, Д.Худойберганованинг «Ўзбек тилида матннинг антропоцентриқ тадқиқи» мавзуидаги докторлик ишида бадиий матнда қўлланган ассоциатив муносабатдаги лексик бирликларнинг хусусиятлари ёритилди.<sup>1</sup> Ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши муаммоси шу тил доирасида монографик аспектда махсус ўрганилган эмас. Рус олимаси А.Залевская қиёсий аспектда рус, қозоқ, қирғиз, ўзбек тилларидаги 111 та сўз-коррелят мисолида бу тилларга хос лексик ассоциацияларни қиёсан ўрганиб, муайян хулосаларини эълон қилган.<sup>2</sup> Бироқ ўзбек тилидаги лексик ассоциациялар таҳлили, ассоциатларнинг миллий-маданий, гендерологик, ижтимоий белгилари нутқтаи назаридан тадқиқи

<sup>1</sup> И.Азимова. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008; Д.Худойберганова. Ўзбек тилида матннинг антропоцентриқ тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015.

<sup>2</sup> А.А.Залевская. Психоллингвистическое исследование принципов организации лексикона человека (на материале межъязыкового сопоставления результатов ассоциативных экспериментов): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - М., 1980. – 32 с.

hozirgi kunda dolzarb muammolardan biri b'olib qolmoqda. Quyida 'zbek tilida verbal assotsiatsiyalarning hosil b'ulishi xususida fikr yoritamiz.

Keyingi yillarda tilni undan foydalanuvchi insonga xos individual xususiyatlar, nutkii faoliat amalga oshirila'atgan vaziyat, maqon, zamон ka bi tashqi omillar bilan aloqadorlikda tadqiq etish 'zbek tilshunosligining ham markazii masalalaridan biriga aйланди. Бу й'налишда олиб борила'atgan tadqiqotlar an'yanavii lingvistik endashuvlarda shakllangan айрим хулосаларни тубдан ўзгартирди. Жумладан, воқеликнинг онгда акс этиши ва тилга кўчирилиши тўғридан-тўғри амалга ошадиган оддий жараён бўлмай, бу жараёнда онгда амалга ошадиган тахлилий фаолиятнинг кўп босқичли ва мураккаб эканлиги, бу фаолиятнинг энг сўнгги босқичидагина воқеликнинг verbal ифода топиши – лисоний «либос» кийиши ҳақидаги назарий қарашлар шаклланди.<sup>1</sup>

Воқеликнинг verbal ифодаси ва бунда воқелик – онг – тил учлиги муносабатининг тахлилида қуйидаги муҳим жиҳатга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Воқелик инсон онгида у билан бевосита aloqador бўлган maqon, zamон, sabab, maqsad ka bi omillar dan ажралган ҳолда акс этмайди. Муайян воқеликнинг объектив mavjud бўлиш шарти сифатида ёнма-ён юрувчи бундай omillar инсон онгида воқелик образининг ҳамроҳлари сифатида бирга гавдаланиб, у билан assosiativ боғланган «занжир»ни hosil қилади<sup>2</sup>.

Tashqi oлам инсон онгида бир-бири билан aloqador воқеликлар ҳамроҳлигида акс этгани боис улар assosiativ тарзда бири иккинчисини ёдга туширади. Бу жиҳатдан қараганда, онгда акс этган assosiativ aloqalarнинг тилда ҳам ифода топиши бежиз эмас. Турли воқеликларнинг онгда акс этган assosiativ aloqasi тилда ҳам бир-бирини эслатувчи birlikларнинг assosiativ боғланишини юзага келтиради. Масалан, дарахтнинг ўсиб униши учун tuproq, сув ка билар зарур; дарахт боғ, майдон ka bi жойларда ўсади. Дарахт ва унинг tuproq, сув, боғ ка билар билан aloqasi инсон хотирасида *dарахт* лексемаси орқали *tuproq, сув, боғ, майдон* ka bi лексемаларнинг ёдга тушишига sababчи бўлади. Атоқли тилшунос олим А.Нурмоновнинг фикрича, «...лисоний birlikлар нутқ жараёнидан tashqari ўзаро қандайдир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашиб туради... Бундай муносабатнинг синтагматик муносабатдан тамомила бошқача xususiyatga эгаллигини кўриш қийин эмас. Keyingi муносабат чўзиқликка эга эмас, у мияда локаллашади ва ҳар бир шахснинг хотирасида saqlanuvchi хазинага мансуб бўлади. Бундай муносабат assosiativ муносабат ҳисобланади».<sup>3</sup> Айрим тилшунослар тил birlikлари ўртасидаги бундай assosiativ муносабатни психих тузилмалар assotsiatsiyasidan фарқлаш мақсадида «verbal assotsiatsiya» термини билан

<sup>1</sup> Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 23.

<sup>2</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.95

<sup>3</sup> А.Нурмонов. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, – Б. 98.

ифода этишни маъкул кўришади.<sup>1</sup> Лингвистик ассоциацияга нисбатан бу терминнинг қўлланишини, бизнингча ҳам, ўзини оқлайди.

Вербал ассоциациялар тил эгасининг воқелик ҳақидаги психологик тасавури асосида юзага келади. Шу сабабли вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шаклланади. Вербал ассоциациялар кўлами тил эгасининг лексик бирликлар захирасига боғлиқ. Болалар ва катталар, турли касб эгаларида ассоциатив майдон кўлами, унинг таркиби турлича бўлади.

Вербал ассоциацияларга хос хусусиятлардан бири шуки, улар турли нутқий тузилмаларнинг яратилишига йўл очади. Бошқача айтганда, ҳар қандай нутқий тузилма учун семантик жиҳатдан ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар (лексик, синтактик бирликлар) асосий материал вазифасини ўтайди. Масалан, *беламоқ* лексемаси ўзбек халқи хотирасида бир-бири билан ассоциатив боғланган *бешик, бола, чақалоқ, гўдак, фарзанд, она* лексемаларини гавдалантиради. Бу лексемалар иштирокида нутқда «*Бола бешикка беланди*», «*Она чақалогини бешикка беледи*» ёки «*Она гўдагини бешикка беледи*» жумлаларини тузиш мумкин бўлади. Бундай жумлаларни тузиш учун тил эгаси нафақат тилнинг грамматик қоидаларини билиши, балки бешик ҳақидаги миллий-маданий қадриятлардан ҳам хабардор бўлиши лозим. Баъзи нутқий тузилмалар учун семантик жиҳатдан ассоциатив боғланган синтактик бирликлар (сўз бирикмаси ва гаплар) қурилиш вазифасини ўтайди. Тил эгаси лисоний захирасида ўрнашган мақол, матал, прецедент жумлалар турли нутқий тузилмалар учун тайёр материал вазифасини ўтайди. Масалан, нутқий акт жараёнида «*Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор*» мақоли лисоний захирадан тайёр ҳолда олинади. Демак, ассоциатив боғланган бирликлар (лексик, синтактик бирликлар) нутқий тузилмалар учун қурилиш материали вазифасини ўтайди. Рус тилшуноси Ю.Н.Карауловнинг фикрича, «*Ҳар қандай сўз бизнинг онгимизда, хотирамизда, худди шундай нутқий тузилмаларимизда ҳам, алоҳида тарзда мавжуд бўлмайди: у ўнлаб, юзлаб «иплар» орқали бошқа сўзларга томон интилади. Ҳар қандай сўз, айтиш мумкинки, «давом эттирилиш»ни талаб қилади, ўз жуфттини қидиради*», «*икки сўз модели*»га айланишни хоҳлайди. Бу тарздаги «давом эттирилиш» имконияти, бу каби икки сўз модели – типик ҳол бўлиб, тил эгаси томонидан осон талаффуз этилади, ҳақиқатга яқин ва тушунарли бўлиб, ассоциатив луғатларда ҳам қайд этилади. Шунга кўра ҳар бир стимул – реакция жуфтлиги ҳали тугалланмаган жумла, унинг зарур таркибий қисми ё грамматик жиҳатдан шаклланган бўлаги ёки тугалланган шаклга келтириш лозим бўлган бўлажак жумланинг ядросидир».<sup>2</sup> Бироқ ҳар бир стимул – реакция жуфтлиги ҳар доим ҳам нутқий тузилма учун қурилиш материали бўлавермайди. Бу ўринда семантик жиҳатдан боғланган стимул – реакция жуфтлиги ҳақида гапириш ўринли.

<sup>1</sup> М.В.Ермолова. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С.137.

<sup>2</sup> Ю.Н. Караулов. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.



Негаки ассоциатив майдон таркибида синалувчи томонидан сунъий тарзда ҳосил қилинган ёки стимул сўзнинг фақат фонетик структураси ёки талаффузи асосида ҳосил қилинган, стимул сўз билан бирор бир жихатдан боғланмайдиган нутқий тузилмани шакллантиришда иштирок этмайдиган ассоциатлар ҳам учраб туради.

Вербал ассоциациялар, хусусан, лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Ҳар бир тилда ассоциатив муносабатга киришувчи лексик birlikлар қайд этилади. Ҳар қандай лексик birlik, у қандай грамматик шаклга ёки қандай маънога эга бўлмасин, инсон хотирасида турли омилларга боғлиқ ҳолда қандайдир лексик birlikларни, ибора, мақол ёки бошқа birlikларни ёдга туширади, улар билан ассоциатив боғланади<sup>1</sup>.

Устоз А.Нурмонов лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини лексемаларга хос умумий белги билан боғлайди. Унинг фикрича, “сўз синтагматик муносабатга кириши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида бошқа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил хотирасида ассоциациялашади ва бу ассоциациялашган birlikлар хотирада муайян гуруҳларни ҳосил қилади.”<sup>2</sup> Албатта, тилнинг лексик birlikлари семантик, структур, деривацион, коннотатив, акустик каби қатор белгилари асосида умумийликка бирлашиши мумкин. Бу каби умумий белгилар кўплаб лексик ассоциацияларда кузатилади. Бироқ ўтказилган ассоциатив тажрибаларда лексема маъносини тушунмай, сунъий тарзда ҳосил қилинган *чайн – ёввойи ҳайвон, маориф – одамлар йиғилиши* тарзидаги жуфтликларда стимул сўз ва ассоциат ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик кузатилмайди. Тил эгасининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этиши асосида (экстралингвистик омил) ҳосил бўлган *мастава – жонга теккан, ширинлик – жони дилим* жуфтликларида ҳам стимул сўз ва ассоциат ўртасида умумий лингвистик белги акс этмайди.

Шуниси характерлики, лексик birlikнинг семантик компонентлари орқали ҳам инсон онгида ассоциатив боғланишлар юзага келади. Бу ўринда семантик ва ассоциатив компонентлар бирлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бироқ сўзларнинг ассоциатив боғланишини лексеманинг фақат семантик тузилиши асосида белгилаш тўғри бўлмайди. Тилда лексеманинг шаклий тузилиши, акустик белгиси асосида ҳам ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши кузатилади.

Тилшуносликда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши турли омиллар билан боғланади. Рус олимаси Л.Э.Кузнецованинг фикрича, ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига: 1) лингвистик омил (стимул сўзнинг муайян хусусиятлари); 2) прагматик омил (синалувчи “шахси” таъсири) таъсир кўрсатади. Олима бу омиллар қаторига тажриба ўтказиш шарт-

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.95

<sup>2</sup> А.Нурмонов. Структур тилшунослик: илдишлари ва йўналишлари («Лингвис-тика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. – Б. 58.

шароити омилини ҳам қўшишни тавсия этади.<sup>1</sup> Бизнингча, синалувчи “шахси” таъсири ҳамда тажриба ўтказиш шарт-шароити омилини моҳиятан экстралингвистик омилга бирлаштирган маъқул. Масалага бу жиҳатдан ёндашилса, ассоциатив жуфтликларнинг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни лингвистик ва экстралингвистик омилларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин бўлади.

Ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги лингвистик омиллар муҳим ўрин тутуди: 1) лексемаларнинг семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги; 2) лексемаларнинг ясалишидаги умумийлик; 3) лексемаларнинг талаффуздаги ҳамоҳанглиги; 4) лексемалар миллий-маданий белгисининг муштараклиги; 5) лексемаларнинг ижтимоийлик белгисига кўра яқинлиги; 6) лексемаларнинг гендер белгисига кўра алоқаси.

Ташқи оламдаги турли воқеликлар алоқадорлиги, нутқ эгасининг шахс хусусиятлари, руҳияти, прагматик хоҳиши, баҳо муносабати, касби кабилар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ассоциациялар экстралингвистик омиллар саналади. Қуйида бу омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган вербал ассоциациялар ҳақида фикр юритамиз.

**Лексемалар семантикасига асосланган ассоциация.** Инсоннинг лисоний хотирасида тилдаги лексик бирликлар билан бирга уларнинг луғавий маънолари ҳам муҳрланади. Бу ҳолат лексик бирликлар семантикаси билан боғлиқ турли ассоциацияларнинг юзага келишига йўл очади. Устоз А.Нурмоновнинг фикрича, “... ассоциация ҳам мазмун, ҳам шакл асосида ёки фақат шакл, ё фақат мазмун асосида юзага келиши мумкин.”<sup>2</sup> Д.Худойберганова ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини сўз маъноси ва сўзга хос хусусиятлар билан боғлайди. Унинг фикрича, “инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади.”<sup>3</sup>

Тилда лексемаларнинг семантик белгисига кўра ўзаро алоқаси лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Жумладан, синонимик муносабатдаги лексик бирликларнинг ўзаро семантик алоқаси инсон хотирасида уларнинг бир-бирини ёдга солишига сабабчи бўлади<sup>4</sup>. Масалан, *афт* – *башара*, *ҳусн* – *чирой* жуфтликлари синонимик муносабат асосида ҳосил бўлади. Бу ўринда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, лексема ва унинг ассоциациясига хос умумий прагматик маъно (уларнинг салбий ёки ижобий баҳо муносабатини ифода этиши) ҳам ассоциатив жуфтликларнинг бир-бирини ёдга туширишига олиб келади. Шу сабабли *афт* лексемаси эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада дастлабки ўринда салбий баҳо

<sup>1</sup> Л.Э.Кузнецова. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. ... канд.филол.нук. – Краснодар, 2005 // <http://31f.ru/dissertation/page>

<sup>2</sup> А.Нурмонов. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвис-тика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. – Б. 59.

<sup>3</sup> Д.Худойберганова. Ўзбек тилида матннинг антропоцентриқ тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.

<sup>4</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.97

муносабатини ифода этувчи айнан *башара* (ёки *турқ*) лексемаси жонланади.

Антонимик муносабатдаги лексик birlikларнинг ассоциатив боғланиши ҳам семантик алоқадорликка асосланади. Маълумки, ҳар қандай зиддият бир-бирига қаршилантирилган зид аъзоларни тақозо этади. Зид аъзоларнинг қаршилантириш орқали ўзаро боғланиши уларнинг бир-бирини ёдга туширишига сабаб бўлади<sup>1</sup>. Бу ҳолат семантик жиҳатдан ўзаро зидланувчи лексемаларнинг ҳам тилда лексик ассоциацияларни ҳосил қилишини англатади. Масалан, *олис* лексемаси инсон хотирасида *яқин* лексемасини гавдалантиради ва аксинча, *яқин* лексемаси ўз навбатида *олис* лексемасини ёдга солади.

Антонимик ва энантиосемик birlikлар фарқини изоҳлар экан, Ё.Одилов антонимик birlikлар ассоциацияси ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Антонимияда зид аъзолардан бирининг воқеланиши ассоциатив тарзда иккинчисини намоён этади, яъни *яхши* дейилиши билан тасаввуримизда *ёмон* тушунчаси акс этади, энантиосемияда эса ундай эмас. Энантиосемик birlikлар киши тил хотирасида тайёр ҳолда мавжуд бўлса-да, уларнинг контекст билан боғлиқлиги туфайли бир маъно ассоциатив тарзда иккинчи маънони ёдга туширмайди».<sup>2</sup>

Ўзбек тилида семантик алоқадорликка асосланган лексик ассоциацияларнинг яна бир кўриниши уядош лексемалар орқали ҳосил бўлади. Бир мавзуй уяга мансуб лексемалар семантик жиҳатдан яқин тушунчаларни англатгани боис инсон хотирасида бир-бирини ёдга солувчи ассоциацияларни гавдалантиради. Масалан, *қалпоқ* лексемаси инсон хотирасида *дўппи* ассоциациясини ҳосил қилади, *ботинка* лексемаси *туфли* лексемасини ёдга туширади.

Ўзбек тилида *қўй – ҳайвон*, *капалак – ҳашарот*, *ўрик – дарахт* типигаги ассоциациялар лексемалар ўртасидаги тур-жинс муносабати асосида ҳосил бўлса, *эшик – уй*, *бармоқ – қўл* ассоциатив жуфтликлари лексемалар ўртасидаги бутун-бўлак муносабати асосида ҳосил бўлади. Бу каби вербал ассоциацияларнинг шаклланишида ҳам лексемаларнинг семантик алоқадорлиги муҳим ўрин тутаяди.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, лексемаларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари тилда турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

**Лексемаларнинг ясалишига асосланган ассоциация.** Лексема ва у орқали ҳосил бўлган ясалмалар ўртасидаги алоқа-боғланиш ҳам инсон тафаккурида бир-бирини ёдга солувчи ассоциацияларни юзага келтиради. Масалан, *иш* лексемаси у асосида ҳосил бўлган *ишчи*, *ишла*, *ишчан*, *ишсиз* ясалмаларини ёдга солади, *сув* лексемаси *сувчи*, *сувли*, *сувсиз*, *серсув* лексемалари билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилади; *туз* лексемаси эса *тузли*, *тузсиз*, *тузла* лексемалари билан ассоциатив боғланади. Лексема ва у

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.99

<sup>2</sup> Ё.Одилов. Ўзбек тилида энантиосемия // Н.Маҳмудов, Ё.Одилов. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Akademnashr, 2014. 48-49.

асосида ҳосил бўлган ясалмалар муносабати парадигматик ассоциацияларни юзага келтиради.

**Лексемаларнинг талаффуздаги ҳамоҳанглигига асосланган ассоциация.** Турли маъноларни англатувчи, бироқ талаффузда ҳамоҳанг, инсон томонидан семантик яқин бирликлар сифатида идрок этилувчи паронимик жуфтликлар муносабатида ҳам ассоциатив алоқа кузатилади. Ўзбек тилида қуйидаги лексемалар муносабатида шу турдаги ассоциатив алоқани кузатиш мумкин: *адресант – адресат, дипломант – дипломат* кабилар. Рус олимаси Е.А.Конованинг фикрича, паронимлар тил бирлиги сифатида маъноси субъектив яқин бўлган лексемалар сифатида характерланади, бундай яқинлик баъзан индивид онгида уларнинг аралашиб кетишига олиб келади, кўп ҳолларда нутқий вазиятда бир контекстда қўлланган паронимлар индивид томонидан бири иккинчиси ўрнида қўллаш мумкин бўлган тенг маъноли лексемалар сифатида идрок этилади.<sup>1</sup> Паронимларнинг тил эгаси томонидан семантик яқин бирликлар сифатида идрок этилиши уларнинг инсон хотирасида ассоциатив боғланишига сабаб бўлади.

Ассоциатив боғланиш баъзи тилшунослар томонидан паронимларнинг ўзига хос кўринишлари сифатида ажратилаётган псевдопаронимларда<sup>2</sup> (ёки паронимазия, паронимик аттракцияда) ҳам қайд этилади. Бу каби паронимлар турли асосларга эга бўлса-да, уларнинг акустик ҳамоҳанглиги бир-бирини эслатиб туришига сабаб бўлади. Хусусан, *кворум – форум, инъекция – инфекция* лексик ассоциациялари шу тарзда ҳосил бўлади.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, нафақат пароним жуфтликлар, бир-бирига талаффуз жиҳатидан яқин бўлган турли қўлланишлар ҳам нутқ оқимида бир-бирини “чақиради”, ёдга солади. Ўзбек тилидаги газета матнлари бўйича ассоциатив тажриба ўтказган И.Азимованинг хулосасига кўра, стимул матн таркибидаги лисоний воситаларга шаклан ўхшаш бўлган ассоциациялар шаклий ўхшашлик асосида ҳосил бўлади. У *делегация, конференция, комиссия* сўзлари алоқасида маъновий эмас, балки шаклий ўхшашлик асосидаги ассоциатив боғланиш мавжудлигини, бундай ассоциатив боғланишда маъно хусусидаги информация етарли бўлмагач, шакл ўз-ўзидан муҳим омилга айланишини баён қилади.<sup>3</sup> Назаримизда, бу ўринда *делегация, конференция, комиссия* сўзларининг шаклий ўхшашлиги ҳақида эмас, сўз бўғинлари (сўнги бўғинлар)нинг талаффуздаги ҳамоҳанглиги ҳақида фикр юритиш тўғри бўлади.

**Лексемаларнинг миллий-маданий белгисига асосланган ассоциация.** Ташқи олам ва унда содир бўлаётган ранг-баранг воқеликлар, кишилар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, ҳиссий муносабатларнинг вербал ифодасида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутаяди. Лексик бирликлар

<sup>1</sup> Е.А.Конева. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. - Курск, 2010. – С.11.

<sup>2</sup> Е.А.Конева. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б.8-9.

<sup>3</sup> И.Азимова. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. –Б.64.

семантикасида умуминсониятга ёки муайян этносга хос маданият белгилари ҳам акс этади. Масалан, *қурбонлик, келинсалом, ҳайит, дўппи, камзул, нимча* лексемалари денотатив маъносидан ташқари улар ифода этган удум ва кийимларнинг ўзбек халқи маданиятига хослиги ҳақидаги маълумотни ташийди. Лексик бирликларга хос бу каби миллий-маданий белгилар уларнинг инсон тафаккурида муайян гуруҳларга бирлашувига олиб келади. Шу сабабли ўзбек сўзи ўзбек халқи хотирасида *миллат* лексемасидан ташқари, *келинсалом, ҳайит, чопон* каби миллий-маданийлик белгисига эга лексик бирликларни ҳам ёдга солади. Ёки бўлмаса, *дўппи* сўзи ўзбек миллатига мансуб киши хотирасида ўзбек сўзини ёдга солади, қозоқ миллатига мансуб киши тафаккурида *қозоқ* сўзи билан ассоциатив боғланишни ҳосил қилади. Бироқ рус миллатига мансуб кишида, у дўппининг миллий бош кийим экани ҳақида бирор билимга эга бўлсагина, *ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, тожик* сўзларидан бирини ёки ҳаммасини ёдга туширади. Бу ҳолат айрим лексемаларнинг миллий-маданийлик белгиси асосида турли ассоциацияларни ҳосил қилишини кўрсатади.

Баъзи лексемалар бир қарашда миллий-маданийлик белгисига эга бўлмаса-да, айрим кишилар онгида миллий-маданий ассоциациялар сифатида гавдаланади. Д.Худойберганованинг қайд этишича, «...айрим ҳолларда предметнинг онгдаги образи миллий ассоциацияларни ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, *пахта* сўзини бошқа тилларга таржима қилиш мумкин. Бу сўзнинг муқобили бўлмаган тилда эса мазкур тушунчани сўз бирикмаси орқали ифодалаш мумкин. Лекин пахта ҳақида бошқа миллат вакили онгида пайдо бўлган ассоциациялар билан ўзбек миллатига мансуб кишининг онгидаги ассоциациялар ўртасида муайян фарқлар бўлиши табиий»<sup>1</sup>.

**Лексемаларнинг ижтимоий белгисига асосланган ассоциация.** Маълумки, тилдаги ўзига хос диалектал қўлланишлар, муайян социал гуруҳларга хос лексик бирликлар тил эгаларининг ижтимоий мавқеи, касб-кори, машғулоти кабилар ҳақида маълумот ташийди. Бундай лексемаларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширишига ижтимоий белгисига кўра бир-бирига яқинлиги сабаб бўлади. Масалан, *фермер* лексемаси *деҳқон* лексемасини, *врач* *ҳамшира* лексемасини ёдга туширади. Бу турдаги ассоциатив жуфтликлар лексемаларнинг бир-бири билан доимий алоқамуносабатда бўлувчи касб-кор, машғулот эгаларини англатиши асосида ҳосил бўлади. *Устоз – шогирд, бошлиқ – котиба* лексемалари эса шахсларнинг социал муҳитдаги мавқеини ифода этиши асосида ассоциатив жуфтликларга бирлашади.

**Лексемаларнинг гендер хусусиятларига асосланган ассоциация.** Гендер маркерли лексик бирликлар инсон хотирасида шундай белгига эга лексик бирликларни ёдга туширади. Масалан, *йигит* лексемаси тил эгалари хотирасида *қиз* лексемасини ёдга солади ёки *эр* лексемаси бир вақтда *хотин* лексемасини ҳам эслатади. Бу ҳолат лексик бирликларнинг семантик белгиси билан бирга гендер хусусияти асосида ҳам инсон тафаккурида гуруҳларга

<sup>1</sup> Д.Худойберганова. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б. 36.

бирлашувини кўрсатади. Нутқимизда тез-тез учраб турувчи «Эр – оила бошлиғи», «Аёл – уй бекаси» нутқий тузилмаларини лексемаларнинг ассоциатив алоқаси асосида ҳосил бўлган дейиш мумкин.

Маълум бўладики, лексик ассоциацияли боғланишларда ассоциатлар вазифасини кўпинча синонимлар, антонимлар, паронимлар, уядош сўзлар, бир асосдан ясалган лексемалар, талаффузда акустик жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган лексик бирликлар, маданийлик, ижтимоийлик белгисига кўра умумий бўлган лексемалар бажаради. Бироқ ассоциатлар вазифасида паремиялар, иборалар, ўхшатишли бирикмалар ҳам келишини кузатиш мумкин. Масалан, кўз сўзи тил эгаси хотирасида *кўзи тушмоқ* иборасини ҳам ёдга солади.

Вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида экстралингвистик омиллар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Тилшуносликда экстралингвистик омиллар таъсирида ассоциатив жуфтликларнинг ҳосил бўлиши муаммоси бўйича турли қарашлар мавжуд. М.М.Покровский вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига экстралингвистик омиллар (ташқи оламдаги предметлар, инсон руҳияти, халқ тарихи, маданияти кабилар)нинг таъсир кўрсатиши ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, “бу предметларни англатувчи сўзлар тилда бир-бири билан ассоциацияланади ва, албатта, уларни ифода этувчи предметлар ҳам инсон онгида ассоциатив муносабатда бўлади”.<sup>1</sup>

Пароним жуфтликларнинг ҳосил бўлиши муаммосини ассоциатив тажрибалар асосида тадқиқ этган олима Е.А.Конева ҳам паронимизация жараёнига экстралингвистик омиллар сифатида «инсон – жамият – маданият» ва касбий йўналганлик омилнинг таъсир кўрсатишини қайд этади.<sup>2</sup> Айтиш мумкинки, вербал ассоциацияларда бир-бири билан ассоциатив боғланган ташқи олам объектларининг онгда акс этган образлари ҳам лисоний қиёфасига эга бўлади.

Хуллас, инсон тафаккурида лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда турли вербал ассоциациялар юзага келади. Вербал ассоциациялар тилнинг лексик-семантик таркиби, лексик бирликлар алоқаси, миллий-маданий, ижтимоий, гендерологик хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

#### **4.2. Ассоциатив тажриба методининг моҳияти**

Маълумки, ассоциатив тажриба методини илк марта инглиз психологи Френсис Гальтон 1879 йилда «ғоялар ассоциацияси»ни ўрганиш муносабати билан ўз тажрибаларида қўллади. Ф.Гальтондан сўнг дунёда биринчи экспериментал психология лабораториясини тузган немис психологи, физиолог ва философ В.Вунт 1892 йилда вербал ассоциациялар тезлигини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив тажриба методидан фойдаланди.<sup>3</sup> Ассоциатив тажриба методи В.Вунтнинг ўқувчиси М.Траутшольдт томонидан ҳам ривожлантирилди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Покровский. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.28.

<sup>2</sup> Е.А.Конева. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. - Курск, 2010. – С.12.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.102

<sup>4</sup> А.Н.Ждан. История психологии. От Античности до наших дней // [http:// www.psychol -ok.ru](http://www.psychol-ok.ru)

Ўз вақтида машҳур психолог ва психиатрлар Ж.Локк, Д.Юм, Т.Браун, К.Г.Юнг, К.Марблар ҳам инсоннинг воқеликни идрок этиши ва хотирасини текшириш мақсадида ассоциатив тажриба методидан унумли фойдаланишди. XX аср бошларига келиб ассоциатив тажриба методи психоаналитик амалиётларда кенг қўлланди. «Аналитик психология» йўналиши асосчиси машҳур психолог, философ, психоаналитик К.Г.Юнг (1875-1961) инсон шахсиятини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив эксперимент методидан фойдаланди. Я.В.Осиповнинг қайд этишича, XX аср бошларида психоаналитик тажрибаларда инсон психикаси қатламларига, унинг онгли ва онгсиз жиҳатларини қамраб олувчи ассоциациялар оқимига кириш воситаси сифатида эркин ассоциатив методнинг қўллана бошлаганлиги бевосита К.Юнгнинг ассоциатив тажрибаси билан боғлиқ.<sup>1</sup>

Бу даврда ассоциатив тажрибалар амалий психологияга ҳам татбиқ этилди. Амалий психологияда америкалик психологлар Х.Г.Кент ва А.Ж.Розановлар ассоциатив тажриба муаллифлари сифатида тан олинади. Улар 1910 йилда инглиз тилининг Америка вариантыга асосланган илк ассоциатив меъёрини эълон қилишди.

Ассоциатив тажриба методидан экспериментал психологияда ҳам фойдаланилди. Манбаларда қайд этиишича, экспериментал психологияда ассоциатив тажрибанинг қуйидаги турлари қўлланди: 1) жуфт ассоциациялар (парные ассоциации); 2) серияли ассоциациялар (серийные ассоциации); 3) вербал дифференциация (вербальная дифференциация); 4) эркин ассоциациялаштириш (свободное ассоцирование).<sup>2</sup>

Психологияда кўп йиллар давомида инсон онги ва тафаккури фаолиятини ўрганишда қўлланиб келинган ассоциатив тажриба методи кейинчалик «тилнинг функциялашув хусусиятларини психик феномен сифатида индивидга ижтимоий-маданий алоқаларда кўплаб ташқи ва ички омиллар таъсирининг сингишини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш ва тушунтириш мақсади»ни<sup>3</sup> амалга оширувчи психолингвистикага татбиқ этилди.

Психолингвистикада ассоциатив тажрибалар инсоннинг лисоний онги, тил заҳираси, тафаккурида сўзларнинг ўзаро боғланиши, тил эгаларининг нутқий тузилмаларни ҳосил қилиши, инсонда лексик заҳиранинг ҳосил бўлиши каби муаммоларни тадқиқ этишда асосий таҳлил воситаси сифатида қўлланди.<sup>4</sup> Рус олимаси А.Залевскаянинг маълумот беришича, ассоциатив

---

<sup>1</sup> Я.В.Осипов. Методологическое значение ассоциативного эксперимента К.Юнга в разработке А.Р.Лурии основ реактологической теории аффективного поведения // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2011. -№1. – С.124.

<sup>2</sup> Experimental Psychology. Vol. II. / Ed. by J.W. King and L.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.

<sup>3</sup> А.А.Залевская. Введение в психолингвистику. - М.: Российский государствен-ный гуманитарный университет, 1999. – С.26.

<sup>4</sup> А.А.Леонтьев. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах. - Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ. 1977; А.П. Клименко, А.Е. Супрун. Ассоциативный эксперимент в ряду других методов семантических исследований // Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ, 1977; А.А. Залевская. Психолингвистическое исследование принципов организации лексикона человека (на материале межъязыкового сопоставления результатов ассоциативных экспериментов): Автореферат дисс. ...

тажрибалар сўз билан боғлиқ қуйидаги масалалар ечимида ўзини оқлади: сўзнинг психологик маъноси (Доценко, 1998), сўзнинг категориал ва предметлик маъноси (Маскадыня, 1989; Соловьева, 1989), болаларда сўз маънолари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Рогожникова, 1986; 1988; Соколова, 1996; 1997), алоҳида категориядаги сўзларнинг маъно хусусиятлари (масалан, ҳиссиётлар номлари (Перфильева, 1997); қиёс конструкцияларда тиргак сўзлар (Пашковская, 1997; Шмелева, 1988), сўзлар орасидаги алоқалар (Лебедева, 1991; Медведева, 1989; Новичихина, 1995), инсон лексиконининг шаклланиши, унинг «ядро» қисмининг ажратилиши (Залевская, 1977; 1981; Золотова, 1989). Олиманинг фикрича, ассоциатив тажрибаларни турли тиллар ва маданиятлар тадқиқига татбиқ этиш орқали муҳим натижаларга эга бўлинди (Дмитрюк, 1985; 1998; Салихова, 1999; Этнопсихоллингвистика, 1988), ассоциатив тажрибалар турли тил эгаларининг ассоциатив портретини тузишда (Ершова, 1998; Мруэ, 1998), нутқ ҳосил бўлиши жараёнининг айрим жиҳатлари ва ассоциатив структураларнинг матн ҳосил қилишдаги ролини ўрганишда (Овчинникова, 1994; 1996а; 1996б), тилларнинг бир-бирига таъсири хусусиятларини аниқлашда (Грабска, 1996) самарали натижалар берди.<sup>1</sup>

Ассоциатив тажриба методининг имкониятларига юқори баҳо берган рус олими А.А.Леонтьевнинг фикрича, луғавий бирликларнинг «маданийлик» белгисини имкон қадар ҳаққоний очиб беришга имконият яратувчи, сўзга хос семантик алоқаларни умумлаштириш, унинг «семантик обертонлари»ни очиб бериш учун имкон берувчи метод бу – ассоциатив тажриба методи, бу йўналишдаги муҳим манба эса ассоциатив сўзлар луғатидир.<sup>2</sup> Бироқ бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ассоциатив тажриба методи лингвист учун қанчалик кенг имкониятлар эшигини очмасин, илмий хулосалар чиқаришда тажриба натижаларига таъсир кўрсатувчи айрим ташқи омиллар (сунъий тарзда нутқий фаолиятнинг ташкил этилиши, тажриба ўтказувчининг синалувчиларга таъсири, синалувчиларнинг бир-бирига таъсири, синалувчилар устида ноодатий тажриба ўтказилиши, уларнинг руҳий ҳолати, лексик бирликларнинг баъзи синалувчиларга тушунарсиз бўлиши ва ҳоказо)ни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Ассоциатив тажрибалар инсон устида ўтказилиши боис уни амалга ошириш жараёнида этик тамойилларга риоя қилиниши ҳам талаб этилади. Тажриба ўтказишнинг этик тамойиллари 1992 йилда Америка психологик ассоциацияси томонидан, 1993 йилда эса Британия психологик жамиятида қабул қилинган қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топган:

– синалувчиларнинг ўз хоҳишларига кўра тажрибада қатнашиш розилигини олиш, уларга олдиндан тажриба моҳияти ҳақида маълумот

---

д-ра филол. наук. - Л., 1980. – 48 с.; Е.И. Горошко. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. – Харьков; – Москва: Изд. группа «РА - Каравелла», 2001. – 320 с.

<sup>1</sup> А.А.Залевская. Введение в психоллингвистику. – М.: Российский государствен-ный гуманитарный университет, 1999. – С.106.

<sup>2</sup> А.А.Леонтьев. Кўрсатилган луғат. – Б.14.



бериш;

– синалувчиларни ҳар қандай ноқулайлик ва эҳтимолли зарарлардан ҳимоя қилиш;

– аниқ бўлмаган, икки хил тушунилувчи ва ҳақорат мазмунидаги саволномалардан қочиш, уларни имкон борича «юмшоқ» ифода этиш;

– синалувчида унга баҳо берилаётгандек тасаввур ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;

– тажриба давомида синалувчи ҳақидаги махфий маълумотларни эълон қилмаслик;

– тажрибадан сўнг тадқиқот моҳиятини тўлиқ асослаб бериш.<sup>1</sup>

Ассоциатив тажрибалар муайян мақсад асосида ташкил этилади ва у ўтказилгач, олинган маълумотлар ўрганилади. Тажриба натижалари ҳам сифат, ҳам миқдор (статистик) жиҳатдан таҳлил қилинади.

Статистик таҳлилда асосий эътибор ассоциатларнинг умумий миқдори, қўлланиш частотасини аниқлашга қаратилади: юқори ва паст частотали ассоциатлар аниқланади, якка ассоциатлар, бир хил ёки турли ассоциатларнинг сони белгиланади. Г.А.Мартиновичнинг қайд этишича, жавоб реакциялари миқдорий тавсифига кўра стереотип (нисбатан кўп учрайдиган, стандарт) ва якка (индивидуал, стандарт бўлмаган) турларга ажратилади. Стереотип жавоб реакциялари ёндошлик ёки ўхшашлик асосида юзага келувчи ҳамда инсон тафаккурида ўқилган ёки эшитилган сўз натижаси сифатида ўрин олувчи автоматик тарзда актуаллашадиган алоқаларга асосланади. Якка жавоб реакциялари эса тасаввур ва тушунчаларга ёндошлик ёки ўхшашликка кўра индивидуал ёндашув асосида шаклланади, бундай ёндашув натижасида янги, типик бўлмаган ассоциатив жуфтликлар ҳосил бўлади.<sup>2</sup>

Ассоциатлар сифат жиҳатидан таҳлил этилганда ассоциатив майдон структураси, майдон ядроси, ассоциатив алоқани ҳосил қилган омиллар, синтагматик ва парадигматик алоқа турлари ўрганилади<sup>3</sup>.

Тажриба маълумотларининг сифат ва миқдорий таҳлили асосида нафақат тил эгаларининг лисоний онги, хотираси, тил заҳираси, миллий-маданий қадриятлари, руҳияти кабилар ҳақида; тилдаги лексик бирликларнинг қўлланиш даражаси, сўзлар орасидаги семантик алоқа тури, алоқа кучи бўйича лингвистик маълумотларга ҳам эга бўлиш мумкин бўлади. Албатта, бу масалалар юзасидан якуний хулосалар тажриба материаллари таҳлиliga қай тарзда, қандай мақсадда ёндашув асосида чиқарилишига боғлиқ. Ассоциатив лингвистиканинг машҳур вакилларида бири А.Залевскаянинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 50-60-йилларида машҳур бўлган тажриба материалларининг таҳлил усули эскирган бўлиб, фақат юқори частотали ассоциатив реакцияларни эътиборга олишни назарда

<sup>1</sup> Л.А.Городецкая. Ассоциативный эксперимент в коммуникативных исследованиях // Вестник Российской коммуникативной ассоциации. Вып. 1. - Ростов н/Д: ИУБиП, 2002. - С. 28-37.

<sup>2</sup> Г.А. Мартинович. Опыт комплексного исследования данных ассоциативного эксперимента // Вопросы психологии. - 1993. - № 2. - С. 93-99.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.107

тутган, бироқ якка жавоб-реакцияларнинг стимул сўз билан муносабати масаласининг таҳлили белгиланган қонуниятлар ҳақидаги умумий тасаввурни маълум даражада ўзгартириши аллақачон асослаб берилди.<sup>1</sup> Демак, олинган материалларнинг тажрибадан кўзланган мақсад асосида ўрганилиши жуда муҳим. Жумладан, тадқиқотчининг мақсади индивидуал ёки жамоавий, юқори ёки паст частотали ассоциатларни ўрганиш бўлса, асосий эътибор шу мақсадга йўналтирилиши ва умумий хулосалар шу доирада чиқарилиши лозим.

Хуллас, ассоциатив тажриба методи тилдаги лексик бирликларнинг семантик алоқаси, ассоциатив боғланиши ва биргаликда нутқий тузилмалар ҳосил қилиши, уларнинг ижтимоий, маданийлик, гендереологик хусусиятлари каби муаммоларни инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи метод сифатида амалий аҳамиятга эга.

### 4.3. Ассоциатив тажриба турлари

Психолингвистикада ассоциатив тажриба методининг бир неча тури: эркин ассоциатив тажриба, йўналтирилган ҳамда боғли ассоциатив тажриба фарқланади.<sup>2</sup> Эркин ассоциатив тажриба методига кўра тажрибада синалувчилар (баъзи манбаларда улар *респондентлар*, *информантлар*, *сўралувчилар* терминлари билан берилган) ўйлаб ўтирмай хотирасига келган ягона ассоциацияни ёки чекланмаган миқдордаги ассоциацияларни ифода этадилар. Йўналтирилган тажриба методида маълум грамматик бирлик ёки семантик ифода бўйича тил эгаси хотирасига келган ассоциациялар қайд этилади. Боғли ассоциатив тажрибада эса стимул сўзга маълум миқдордаги ассоциацияларни ифода этиш талаб этилади. Ассоциатив тажриба методининг қайд этилган барча турлари инсоннинг лисоний онги ва хотираси, руҳиятининг тилга таъсири, тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабати каби масалалар бўйича қимматли хулосалар чиқариш имкониятини яратади.

Айрим тилшунослар ушбу ассоциатив тажриба турларининг ўзига хос эътиборли томонлари ва камчиликларини кўрсатишади. Ю.И.Алферованинг фикрича, йўналтирилган тажриба методи ассоциациялаштириш жараёнида эркинликни маълум даражада чеклайди, ассоциацияларни тадқиқот мақсадига “йўналтиради” салага эътибор қаратишига ундайди. Тажрибанинг “йўналтирилганлиги” ва ассоциациялаштириш жараёнига муайян чегара қўйилиши тажрибада олинган натижаларнинг ишончлилигини жиддий тарзда пасайтиради, ассоциатив жараённинг соф ҳолатда кечишини қийинлаштиради. Бу ассоциатив тажриба методининг асосий эътиборли жиҳати унинг соддалиги, қўллашнинг қулайлигидир, уни бир вақтда катта гуруҳдаги синалувчиларда ўтказиш мумкин. Синалувчилар “сўзнинг

<sup>1</sup> А.А. Залевская. Психолингвистические исследования. Слово. Текст: Избранные труды. - М.: Гнозис, 2005. - С. 40.

<sup>2</sup> Е.И.Горошко. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. - Харьков; - Москва: Изд. группа «РА - Каравелла», 2001. - С 16.; В.П.Белянин. Психолингвистика. Учебник. 6-е изд. - М.: Флинта. 2009. - С. 204-212.

қўлланиш вақтида” унинг маъноси устида ишлайдилар, бу ҳолат сўзнинг айрим ўйлаб кўрилмаган, англалмаган маъно компонентларини аниқлашга имкон беради.<sup>1</sup>

Психолингвистик тадқиқотларда кўп ҳолларда ўтказилиши анча қулай бўлган эркин ассоциатив тажриба методи кенг қўлланилади. Л.Э.Кузнецова эркин ассоциатив тажриба методи тарихини қуйидаги босқичларга ажратади:

1. Эркин ассоциатив тажрибанинг илмий билиш методи сифатида шаклланиш босқичи (1879-1910). Биринчи давр турли тил эгаларидан олинган ассоциатив тажриба материалларининг психиатрия соҳасида диагностика мақсадида фойдаланилганлиги билан характерланади.

2. Иккинчи босқич «ассоциатив меъёр» тушунчасининг пайдо бўлиши ва билиш жараёни (идрок этиш, хотира, тафаккур) муаммоларига оид тадқиқотларда қўлланган Миннесот ассоциатив меъерининг вужудга келиши билан боғлиқ (1910-1954).

3. Психолингвистик босқич (XX асрнинг 50-70-йиллари боши). Учинчи даврнинг моҳияти лингвистлар томонидан ассоциатив тажрибага қизиқишнинг кучайиши билан белгиланади: тилнинг меъерий ассоциатив луғатлари тузилади, сўзнинг семантик структурасини таҳлил қилиш учун, турли маданиятларни қиёслаш учун тажриба материаллари қўлланилади ва ҳ.к.

4. Эркин ассоциатив тажриба тарихида «фаолиятли босқич» (XX асрнинг 70-80-йиллари). Бу давр тил ва нутқий фаолият назариясига концептуал жиҳатдан фаолиятли ёндашув сифатидаги ассоциатив тадқиқотларнинг жадал ривожланиши билан характерланади.

5. Психолингвистикада ассоциатив йўналиш шаклланишининг якуний босқичи. Бу даврда инглиз тили базасида биринчи ассоциатив тезаурус ва дастлабки рус тилининг ассоциатив луғати вужудга келди. Ассоциатив маълумотларнинг миқдорий таҳлилидан сифат жиҳатдан талқинига қадам қўйилди, ассоциатив лексикография жадаллик билан ривожланди, ҳозирги рус тилининг машҳур 6 томлик ассоциатив тезауруси дунёга келди.<sup>2</sup>

Эркин ассоциатив тажриба методининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда қўлга киритиладиган асосий манба – чекланмаган миқдордаги лексик бирликлар ва сўз бирикмаларидир. Баъзан паремиялар, фразеологик бирликлар, турли оккозионал қўлланишлар ҳам ассоциатлар вазифасини ўтайди<sup>3</sup>.

Эркин ассоциатив тажрибалар бир неча босқичда олиб борилади. Дастлаб стимул сўзлар ажратилади, тажриба учун синалувчилар танланади, сўровнома (сўров анкеталари) ишлаб чиқилади. Кейинги босқичда синалувчилар устида оғзаки ёки ёзма тарзда тажриба ўтказилади. Сўнгра олинган натижалар жамланади. Сўнги босқичда олинган натижалар таҳлил

<sup>1</sup>Ю.И.Алферова. Профессионально-маркированные компоненты языкового сознания, репрезентированные единицами родного и изучаемого языков: Дис. ... канд. филол. наук. – Омск, 2005. – С.46.

<sup>2</sup> Л.Э.Кузнецова. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. ... канд. филол. нук. – Краснодар, 2005 // <http://31f.ru/dissertation/page>.

<sup>3</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.113

килинади ва муайян хулосалар чиқарилади.

Ассоциатив тажрибалар ундан кўзланган мақсад асосида оммавий ёки яқка тартибда ташкил этилади. Оммавий тарзда ўтказиладиган ассоциатив тажрибаларда камида 10-20 та синалувчи иштирок этади. Ассоциатив луғатларни тузишда оммавий тарзда ўтказиладиган тажриба материалларига таянилади. Оммавий ўтказилган тажриба материалларигина муайян тилнинг лексик таркиби, шу тил эгаларининг лисоний хотираси, лексик захираси хақида маълумот бера олади.

Эркин ассоциатив тажрибанинг оғзаки турида тажриба ўтказувчи синалувчига стимул сўзни ўқиб эшиттириши билан унинг хотирасига келган ассоциатларни бирма-бир диктофонга ёзиб олади. Бу тажриба ҳар бир синалувчида шу тариха ўтказилади. Сўнгра тажриба натижалари компьютерга қайд этилиб, умумлаштирилади ва таҳлил этилади.

Ассоциатив луғатларни яратиш учун кўпинча ёзма тажриба методи қўлланилади. Оғзаки тажриба методини ўтказишга кўп вақт сарф этилиши сабабли тилшунослар, асосан, ёзма тажриба методидан фойдаланишни маъқул кўришади.

#### **4.4. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши, амалий аҳамияти**

Бугунги кунда ўзбек луғатчилигида давр эҳтиёжига айланган, яратилиши лозим бўлган бир қатор луғат турларини қайд этиш мумкин. Жумладан, “Ўзбек тилининг ассоциатив луғати”ни яратиш янги давр ўзбек лексикографиясининг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида жуда кўп тилларнинг, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, рус, украин, болгар, белорус, қозоқ, қирғиз, турк ва бошқа тилларнинг ассоциатив луғатлари яратилган.<sup>1</sup> Бироқ ўзбек тилида бу турдаги луғат ҳали мавжуд эмас. Ўзбек тили эгаларининг лисоний онги ва тафаккури, психологик тасавури маҳсули бўлмиш ассоциатив муносабатдаги лексик birlikлар, уларнинг инсон хотирасида бир-бирини ёдга туширишига сабаб бўлувчи ички ва ташқи омиллар, ассоциатив birlikларнинг лингвистик, психолингвистик, лингвокультурологик, социолингвистик, гендерологик каби хусусиятлари ўзбек тилида ҳам батафсил ўрганилиши ва таҳлил этилиши лозим. Бунинг учун, албатта, оммавий тарзда ўтказиладиган ассоциатив тажриба методи асосида ўзбек тилида бир-бири билан ассоциатив боғланувчи лексик birlikларни аниқлаш, уларни семантик майдонларга

---

<sup>1</sup> The Associative Thesaurus of English (ATHAЯ) (Ed.: Kiss, G., Armstrong C., Milroy, R.) Univ. Of Edinb., 1972; English Associative Thesaurus [Электронный ресурс]. URL: <http://www.thesaurus.ru/dict/dict.php>; Л.Н.Титова. Киргизско-русский ассоциативный словарь, Фрунзе: Мектеп, 1975; Н.П. Бутенко. Словник асоціативних норм української мови. – Львів, 1979; .А.І. Цітова. Асацыятыўны слоўнік беларускай мовы. – Мінск, 1981; Български норми на словесни асоциации. Под общата редакция на Е.Герганов. – София, 1984; Ю.Е. Улянов. Латышско-русский ассоциативный словарь. - Рига: Зинантне, 1988. – 187 с; Русский ассоциативный словарь (АТРЯ) / Ю.Н. Караулов, Ю.А. Сорокин, Е.Ф. Тарасов. Кн. 1-6. -М.: Помовский и партнеры, 1994-1999; О.В.Иванова. Ассоциативный словарь терминов. – Н.Новгород, Нижегородский лингвистический унив., 1998; Н.В. Дмитрюк. Казахско-русский ассоциативный словарь. Шымкент - М., 1998. - 245 с.; Русский ассоциативный словарь. В 2 т. Т. I. От стимула к реакции: Ок. 7000 стимулов / Ю.Н. Караулов и др. - М.: АСТ-Астрель, 2002. -784 с. Т. II. От стимула к реакции: Более 100 000 реакций / Ю.Н. Караулов и др. - М.: АСТ-Астрель, 2002. - 992 с.

бирлаштириш, ҳам сифат (лингвистик), ҳам миқдорий белгиси (лингвостатистик) асосида таҳлил қилиш ва шу асосда “Ўзбек тилининг ассоциатив луғати”ни яратиш лозим. Бу турдаги луғатнинг яратилиши хориж тилшуносликларида мустақил илмий парадигма сифатида шаклланиб улгурган, бироқ ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келган ассоциатив тилшунослик ғояларининг чуқурроқ илдиз ёйишига туртки бериши шубҳасиз.

Сир эмаски, ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиёт босқичида тил тизими ва инсон лисоний фаолияти механизмини тил эгаси бўлган шахс, унинг лисоний онги ва тафаккури, руҳияти; нутқий вазият, ижтимоий муҳит, халқ маданияти каби омиллар билан боғлиқликда ўрганишга янада эътибор кучаймоқда. Атоқли тилшунос олим А.Нурмоновнинг таъбирича, XXI асрга келиб тилшунослик илмий парадигмасига «тил шахси» категориясининг киритилиши илгари тилшунослик назаридан четда қолган, лекин тилшуносликка яқин бўлган фанларда кенг қўлланилган *шахс, онг, тафаккур, фаолият, хулқ, вазият* сингари тушунчаларнинг ўзлаштирилишига олиб келди, «сўзловчи шахс» тушунчаси бугунги кунда психоллингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика, когниталингвистика, прагмаллингвистика, онтолингвистика каби лингвистик йўналишларни туташтириб турган бирлаштирувчи тушунчага айланди.<sup>1</sup> Тилни ўрганишга бу жиҳатдан ёндашув антропоцентрик тилшуносликнинг қайд этилган йўналишлари қаторида ассоциатив тилшуносликнинг ҳам ривожланишига йўл очади.

Тилни ўрганишга ассоциатив ёндашув, ассоциатив таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Ассоциатив таҳлил асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар заҳираси ўрганилади. Тилга бу жиҳатдан ёндашув ўтган асрларда қатор тилшуносликларда лексик бирликларнинг ассоциатив алоқаларини акс эттирувчи янги типдаги луғат – ассоциатив луғатларнинг яратилишига олиб келди<sup>2</sup>.

Ассоциатив луғатлар қандай типдаги луғат, бу турдаги луғатларни яратишда қандай мақсад кўзда тутилади?

Ассоциатив луғатлар инсоннинг психологик тасаввурига асосланган ҳолда яратилувчи луғатлар бўлиб, унда тилнинг ассоциатив боғланган лексик бирликлари акс этади. Ассоциатив луғатлар тилнинг луғат таркиби, лексик бирликларнинг семантик алоқаси, ассоциатив боғланиши асосида нутқда бирга қўлланиши, уларнинг маданийлик, ижтимоийлик, гендерологик белгилари ҳақида маълумот берувчи луғат туридир. Бу жиҳатдан ассоциатив луғатлар лексикологик, лингвокультурологик, лингвокогнитив, социоллингвистик, гендерологик, лингвопрагматик тадқиқотлар учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Бироқ бу турдаги луғатлар тил эгаларининг

<sup>1</sup> А.Нурмонов. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, – Б. 93.

<sup>2</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.113

лисоний онги, олам ҳақидаги когнитив билими, руҳияти, дунёқараши, қизиқишлари, маданий савияси, воқеликка муносабати, ҳаётӣ, касбий тажрибалари, ҳатто ташвиш ва муаммолари ҳақида билим бериши ҳамда кўлланишга осон ва тушунарли бўлиши жиҳатидан кенг омма учун ҳам муҳим билим ва маълумотлар базаси ҳисобланади.

Ю.Н.Караулов рус тили ассоциатив-вербал тармоғида жамланган билимларни шартли равишда уч қисмга ажратади. Булар: А. Тил эгалари хотирасига олам манзараси тасвирини келтирувчи тилдан ташқаридаги ёки экстралингвистик билимлар. Б. Ассоциатив-вербал тармоқда лисоний онгининг намоён бўлиши. В. Тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби.<sup>1</sup>

Олимнинг фикрича, биринчи типдаги билим (А)лар экстралингвистик маълумот ташиди, ассоциатив сўз, сўз бирикмалари, гаплар, йирик жумлаларда тил эгалари ўз ҳаёти давомида доимий муносабатда бўлувчи, уларни ўраб турган воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни номловчи ва уларга тавсиф берувчи экстралингвистик маълумотлар акс этади. Улар орасида сиёсий, ижтимоий ҳаёт, санъат, мода ва рус ҳаётининг мамлакатшунослик хусусиятлари, миллий характер белгилари, халқ ва дунё тарихи билан боғлиқ нисбатан давомли, доимий феноменлар мавжуд.

Ю.Н.Караулов иккинчи турдаги билим (Б)ларни мулоқот билими деб номлайди. Унинг фикрича, бундай билимлар тил эгаларининг лисоний онгини акс эттиришга хизмат қилади, негаки бундай билимлар тил, миллий маданият бўйича мулоҳаза юритиш элементларини қамраб олади, жавоб реакциялари орқали рус воқелигидаги ҳодисалар, типик вазиятлар, тушунчаларга баҳо берилади.

Ниҳоят, ассоциатив-вербал тармоқнинг учинчи энг кенг билимлар қисми (В) кўпчилик тил эгалари учун онгсиз, ўйланмаган ҳолатдаги билимлар бўлиб, улар тил қурилиши, унинг барча сатҳлари – фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, кенг маънодаги грамматикаси ва мураккаб тобелик тизими, турли услубларга эга лексикасига оид билимлардир.<sup>2</sup>

Англашиладики, ассоциатив луғатлар нафақат тилшуносликка оид билимлар, балки инсон, жамият ҳаёти билан боғлиқ билимлар захираси ҳамдир.

Ассоциатив луғатлар бошқа турдаги лингвистик луғатлардан қайси жиҳатдан фарқланади?

Ассоциатив луғатлар моҳиятан кенг қамровли эканлиги, унда нафақат лингвистик маълумотлар, юқорида айтиб ўтилганидек, турли соҳаларга оид билимлар жамланиши жиҳатидан бошқа турдаги лингвистик луғатлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқ, асосан, қуйидагиларда кузатилади:

1. Ассоциатив луғатлар, аввало, луғатдан кўзланган мақсад ва унда амалга ошириладиган вазифаларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан фарқ қилади. Бу турдаги луғатларни яратишдан мақсад тилнинг луғат таркибини назорат қилиш, тил эгаларининг лисоний онги фаолиятини

<sup>1</sup> Ю.Н. Караулов. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 56.

<sup>2</sup> Шу манба.

таҳлил қилиш, уларнинг луғат бойлигини текшириш, нутқда қандай лексик бирликлардан фойдаланишини ўрганишдир. Шу сабабли бу турдаги луғатлар учун лексик бирликлар луғат материали вазифасини ўтайди. Бундай лексик бирликларнинг ҳажми луғатдан кўзланган мақсад ва унинг кимлар учун мўлжалланганлигига боғлиқ.

2. Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги когнитив билими, психологик тасаввури, воқеликка муносабатини намоиш этувчи лингвистик манбадир.

3. Ассоциатив луғатлар ўқувчида маълум даврдаги муайян тилнинг лексик тизими, унинг луғат таркиби ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Бу турдаги луғатлар тилни тасвирловчи шунчаки “иллюстратив материал” бўлмай, тил ва инсон, тил ва жамият, тил ва руҳият, тил ва маданият, тил ва илм-фан, техника муносабати кабилар ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилувчи лингвистик манба саналади.

4. Ассоциатив луғатлар, аввало, тил эгалари лисоний тафаккурида бир-бири билан жуфт ҳолда ассоциатив боғланган, гап қурилиши учун материал вазифасини ўтовчи тайёр ҳолдаги лексик бирликлар гуруҳи ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, ўзаро ассоциатив боғланган лексик бирликлар орасидаги семантик, грамматик алоқалар ҳақида лингвистик билим беради.

5. Ассоциатив луғатлар лексик бирликларнинг семантик, грамматик, услубий, деривацион хусусиятлари, прагматик томони, миллий-маданийлик белгиси, гендер хусусияти, қўлланиш частотаси ҳақида лингвистик маълумот ташийд.

6. Ассоциатив луғатлар тузилиши жиҳатдан ҳам бошқа турдаги лингвистик луғатлардан фарқ қилади. Бундай луғатларда лексемалар изоҳи берилмайди, уларда бир-бирини ёдга туширувчи лексик бирликлар ёки лексемалар гуруҳи қайд этилади. Бундай бирликлар вазифасини кўпинча синоним, антоним, уядош сўзлар, паремиялар, иборалар, ўхшатишли бирикмалар бажаради. Рус тилининг қатор ассоциатив луғатлари муаллифларидан бири, «Ассоциатив грамматика» асосчиси Ю.Н.Карауловнинг фикрича, «ассоциатив луғат тилни биз учун бирмунча ўзгача шаклда – роман ёки газета мақоласидаги каби тўлиқ матн кўринишида эмас, грамматика ёки изоҳли луғатлардаги каби системали тавсилот ҳолида ҳам эмас, балки ёйиқ жумлалар, гап тузиш учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилувчи ўзаро жуфт ҳолда боғланган сўзлар ёки сўзлар гуруҳи кўринишида намоиш этади».<sup>1</sup>

7. Ассоциатив луғатлар икки хил тартибда тузилади. Биринчи турдаги луғатларда муайян лексик бирлик (илмий манбаларда бундай лексик бирлик *стимул* термини билан номланган) эшитилиши ёки ўқилиши билан инсон хотирасига келган бирликлар (сўз, сўз бирикмалари, ибора, паремия, гап кабилар) қайд этилади. Манбаларда бундай тил бирликлари *жавоб*

---

<sup>1</sup> Ю.Н. Караулов. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.

*реакцияси, ассоциат* терминлари билан ифода этилади. Иккинчи тур луғатлар, аксинча, ассоциат орқали стимул сўзни тиклашга қаратилган луғатлардир. Ассоциатив луғатларнинг бу тарзда тузилиши лексик бирликлар ўртасидаги семантик алоқани аниқлашга имкон беради.

Ассоциатив луғатларда стимул сўзлар рўйхати жадвал кўринишида берилади. Луғатда лексик ассоциациялар стимул сўз қаршисига қўлланиш частотасининг камайиб бориши асосида кетма-кет қайд этилади. Ассоциатларнинг қўлланиш частотаси қавс ичида кўрсатилади. Жами ассоциатлар учун қуйидаги статистик маълумот келтирилади: 1) ассоциатларнинг умумий миқдори; 2) турли ассоциатлар миқдори; 3) жавоб ёзилмаган ассоциатлар; 4) ягона ассоциатлар миқдори<sup>1</sup>.

Луғатда синтагматик ва парадигматик муносабатдаги ассоциациялар алоҳида ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Ассоциатив луғатларда библиографик тавсифлар, шартли қисқартмалар, изоҳлар ишлатилмайди. Луғатнинг сўзбоши қисмида луғатнинг тузилиши, мақсади, амалга оширилган вазифалар, тажриба-сўров натижалари ҳақида маълумот берилади.

Ассоциатив луғатларнинг нафақат полиграфик маҳсулот шаклида, электрон лингвистик маълумотлар базаси шаклида ҳам берилиши ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

8. Ассоциатив луғатлар психолингвистикада кенг тарқалган ассоциатив тажриба ўтказиш методи асосида яратилади. Бу турдаги луғатларнинг оммавий тарзда ўтказилувчи тажриба материаллари асосида яратилиши уларнинг ўзига хос жиҳатидир.

9. Ассоциатив луғатларнинг яратилиши ассоциатив лингвистиканинг назарий шаклланишига йўл очади. Бу турдаги луғатлар асосида айрим тилшуносликларда ассоциатив-вербал тармоқ назарияси ҳамда ассоциатив грамматика юзага келди.<sup>2</sup> Ассоциатив грамматика тил бирликларининг ассоциатив муносабати, ассоциатив боғланишларни юзага келтирувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар, инсоннинг ассоциатив тафаккури фаолияти, лисоний захираси каби муаммоларни ўрганади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тилда вербал ассоциациялар қандай ҳосил бўлади?
2. Тилдаги ассоциатив алоқалар қайси тилшунослар томонидан ўрганилди?
3. Ўзбек тилшунослигида ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши масаласи қай даражада ўрганилган?
4. Тилда вербал ассоциациялар қай тарзда шаклланади?
5. Тилшуносликда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши қандай омиллар билан боғланади?

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.117

<sup>2</sup> Ю.Н. Караулов. Активная грамматика и ассоциативно-вербальная сеть. – М.: ИРЯ РАН, 1999; Ю.Н. Караулов. Ассоциативная грамматика русского языка. – М.: УРСС, 2010. – 328 с.



6. Ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида қандай омиллар иштирок этади?
7. Лексемалар семантикасига асосланган ассоциациялар қандай хусусиятларга эга бўлади?
8. *Адресант – адресат, дипломант – дипломат* ассоциациялари қандай ҳосил бўлади?
9. «*Эр – оила бошлиғи*», «*Аёл – уй бекаси*» нуткий тузилмаларида қандай ассоциатив бирликлар иштирок этган?
10. Фанда ассоциатив тажриба методини илк марта ким қўллаган?
11. Психоллингвистикада ассоциатив тажрибалар нима мақсадда қўлланган?
12. Психоллингвистикада ассоциатив тажриба методининг қандай турлари фарқланади?
13. Ассоциатив луғатлар қандай типдаги луғат?
14. Ассоциатив луғатларни яратишда қандай мақсад кўзда тутилади?
15. Ассоциатив луғатлар бошқа турдаги лингвистик луғатлардан қайси жиҳатдан фарқланади?

### Адабиётлар

1. English Associative Thesaurus [Электронный ресурс]. URL: <http://www.thesaurus.ru/dict/dict.php>.
2. Experimental Psychology. Vol. II. / Ed. by J.W. King and L.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.
3. The Associative Thesaurus of English (ATHAЯ) (Ed.: Kiss, G., Armstrong C., Milroy, R.) Univ. Of Edinb., 1972.
4. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. –Б.64.
5. Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындағы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. -№1. -С. 19.
6. Мустайоки А. О лингвистических экспериментах // Язык – система. Язык – текст. Язык – способность. (К 60-летию члена-корреспондента Российской академии наук Ю.Н.Караулова). Российская академия наук. инс.рус. языка им. В.В.Виноградова. – М.: Наука, 1995. - С.157.
7. Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademyashr, – Б. 98.
8. Русский ассоциативный словарь. В 2 т. Т. I. От стимула к реакции: Ок. 7000 стимулов / Ю.Н. Караулов и др. - М.: АСТ-Астрель, 2002. -784 с.
9. Слобин Д., Грин Дж.. Психоллингвистика. – М., 1976. – С.141.
10. Худойберганаева Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.

## 5-Мавзу: Лингвистик прагматиканинг назарий масалалари

### РЕЖА:

1. Лингвопрагматиканинг шаклланиши, тадқиқ доираси.
2. Дейксис назарияси ва ўзбек тилининг дейктик birlikлари.
3. Прагматик пресуппозиция ҳодисаси.
4. Хулоса.

**Таянч иборалар:** лингвопрагматика, семантика, нутқ вазияти, нутқ эгалари, прагматик мақсад, нутқий акт назарияси, дейксис назарияси, дискурс, пресуппозиция, тагмаъно.

### 5.1. Лингвопрагматиканинг шаклланиши, тадқиқ доираси

Систем-структур тилшунослик ўтган аср бошларидан тил birlikларининг нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг тил ҳақидаги умумий билимлари, инсоннинг ички субъектив руҳияти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқига жиддий эътибор қаратди. Бу масалалар ҳозирги кунда ҳам лингвистик прагматиканинг ўрганиш объекти сифатида тилшунос олимлар диққат-эътиборида бўлиб қелмоқда.

Тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи сифатида лингвистик прагматика кенг миқёсдаги семантик тадқиқотлар замирида амалий эҳтиёж оқиба-тида майдонга келди ва асосий эътиборини тил белгиларининг нутқдаги функционал қўлланишлари тадқиқи муаммосига қаратди. Прагматика муаммоси дастлаб XIX аср охири XX аср бошларида Ч.Пирс, У.У.Джемс, Д.Дьон, Ч.Моррис асарларида ўртага ташланди<sup>1</sup> ва кенг миқёсда ўрганилди.

Лингвистик прагматиканинг тадқиқ доираси кенг бўлиб, бу йўналишда тил birlikларининг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ жиҳатлари, кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикетлар, нутқнинг ижтимоий хосланиши, ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифода этувчи дискурс ҳамда пресуппозиция ҳодисасини ўрганиш мақсад қилиб белгиланди.<sup>2</sup>

Кейинги йилларда лингвистик прагматика тилнинг барча сатҳ birlikлари доирасида ўрганила бошланди. Бунинг натижасида тилшунос-ликда прагматиканинг фонопрагматика, морфопрагматика, лексопрагматика, синтактик прагматика каби йўналишлари майдонга келди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XV1. - М., 1985. - Б.471.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - Б. 15-17.

<sup>3</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган тадқиқот иши. - Б. 17.

Лингвистик прагматиканинг тил сатҳи бирликлари, айниқса, синтактик сатҳда гапга татбиқ этилиши бу бирликнинг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ, фақат нутқда реаллашувчи яширин хусусиятларини аниқлаш имконини яратди. Гап прагматикасини ўрганиш асосида тилшуносликда бу синтактик бирликка хос алоҳида хусусият – гапнинг пресуппозицион аспекти юзасидан илмий-назарий хулосалар юзага келди.<sup>1</sup>

Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг сўнгги йилларида лингвопрагматик ва когнитив тадқиқотларга кенг йўл очилди. Бунинг натижасида тил бирликларининг нутқ иштирокчилари, уларнинг тил кўникмалари ҳамда нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нутқий вазият, контекст билан боғлиқ хусусиятлари юзасидан қимматли назарий қарашлар юзага келди. Ушбу соҳада юзага келган айрим тадқиқот ишларини эътиборга олмаганда, бу йўналишда ҳали илмий изоҳини топмаган муаммолар талайгина. Тилшунос олим Ш.Сафаров қайд этганидек, «... прагмалингвистика ҳамон «навқиронлик» даврида. Навқиронлик эса – истиқболли режаларга тўлиқликдир, ҳозирча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан тап тортмасликдир. Дарҳақиқат, баркамоликка интилаётган прагматика фани лисоннинг инсон, жамият хизматида бўлишидаги вазифасининг қандай амалга оширилиши борасида изланишларни давом эттиришга мажбур»<sup>2</sup>.

Бугунги ўзбек тилшунослигининг мана шундай изланишлар олиб борилиши лозим бўлган долзарб масалаларидан бири ўзбек тилининг морфопрагматик воситаларини аниқлаш ва уларни контекст, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг нутқ объектига муносабати, нутқ эгаларининг дунёқараши, руҳияти билан боғлиқ лингвопрагматик хусусиятларини текшириш муаммосидир. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда ушбу мақола доирасида ўзбек тилидаги ундов сўзларнинг айрим лингвопрагматик хусусиятлари юзасидан мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Маълумки, лингвистик прагматика тил бирлигининг нутқий вазият, контекст ҳамда нутқ эгаларининг тил кўникмалари билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи хусусиятларини ўрганувчи тилшунослик бўлидир. Шунингдек, прагматикада кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикетлар, нутқнинг ижтимоий хосланиши, ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи бирликлар, инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифода этувчи дискурс ҳамда пресуппозиция ходисаси ҳам ўрганилади.<sup>3</sup>

## 5.2. Дейксис назарияси ва ўзбек тилининг дейктик бирликлари

Ўзбек тилида дейксис (*дейксис* грекча **deixis** сўзидан олинган бўлиб, кўрсатиш, ишора маъносини англатади)ни ифодаловчи бирликлар мавжуд

<sup>1</sup> Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С. Солихўжаева. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. - Б. 113-120.

<sup>2</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. - Б. 6.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - Б. 15-17.

бўлиб, уларнинг ишоравий вазифасини прагматик аспектда ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дейктик бирликларнинг ишора объекти гапда бевосита акс этмайди, унга контекст орқали аниқлик киритилади. Шу сабабли айрим ишларда дейктик бирликларнинг нутқ субъектининг яширин мақсадлари ҳақида хабар бериши хусусида фикр юритилади.<sup>1</sup>

Кейинги йилларда тилшуносликда дейктик бирликларнинг ишора объектини кўрсатиш белгиси асосида дейкисининг шахс дейкисиси, замон ва макон дейкисиси турлари ажратилиб, уни ҳосил қилувчи марказий воситаларга шахсларга ишора қилувчи олмошлар (ўзбек тилида *мен, сен*; рус тилда *мы, вы*), ўрин (ўзбек тилида *нарида, узоқда*; рус тилида *здесь, в этом лесу*) ва пайт равишлари (ўзбек тилида *ҳозир, бугун, эрталаб*; рус тилида *сегодня, сейчас* кабилар) киритилди.<sup>2</sup> Айрим ишларда шахс, замон ва макон дейкисидан ташқари эмоционал ва дискурс дейкисининг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилди.<sup>3</sup>

Қуйида ўзбек тилида айрим сон туркумига оид бирликларнинг дейктик вазифа бажариши хусусидаги мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Илмий манбаларда сон туркумидаги мустақил сўзларнинг предметнинг сон-саноғи, тартибини англатиши қайд этилади. Аммо уларнинг нутқда шахс, нарса-предмет, пайт, ўрин кабиларга, шунингдек, муайян воқелик ифодасига ишора қилиши, уларни кўрсатиши хусусида фикр билдирилмайди.

Сон туркумидаги сўзларнинг ишора объектини кўрсатиши (дейктик вазифаси) нутқий қўлланишда контекст орқали юзага чиқади. Нутқий қўлланишда сон ишора қилган объектнинг тушунарли бўлишида контекст, нутқ вазияти ва тил эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари муҳим ўрин тутди<sup>4</sup>.

Ўзбек тилида сон туркумига оид бирликларни дейктик вазифаси асосида қуйидаги функционал турларга ажратиш мумкин:

1. Шахсга ишора қилувчи сонлар.
2. Нарса-предметларга ишора қилувчи сонлар.
3. Пайтга ишора қилувчи сонлар.
4. Ўринга ишора қилувчи сонлар.
5. Воқеа-ҳодисага ишора қилувчи сонлар.

Сонлар гапда шахс семаси асосида бирлашувчи *киши, одам, кимса* каби лексемалар билан боғланиб келганда шахс дейкисига ишора қилади. Масалан, «*Экскаватор олдида уч киши турарди*» (Т.Малик.) жумласида қўлланган *уч киши* бирикмаси орқали шахсларга ишора ифодаланади. Аммо айни гапда ишора қилинган шахсларнинг кимлар эканлиги мавҳум бўлиб, унга макроматн орқали аниқлик киритилади.

<sup>1</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - Б. 15.

<sup>2</sup> [http://www.mirrabort.com/work/work\\_37262.html](http://www.mirrabort.com/work/work_37262.html); Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейкисининг ифодаланиши: Филол.фан.ном. ... дис.автореф. - Тошкент, 2008.

<sup>3</sup> Қаранг: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008. - Б. 178.

<sup>4</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.127

Сонларнинг отлашиб қўлланишида ҳам шахсларга ишора қилиш белгиси кузатилади. Қуйидаги матн парчасида отлашган сон шахс дейкисини ифода этади: – *Булар элаб қочишни ҳам билишмайди. Ялпайиб ётишни қара, – деди Қизил командирни имлаб кўрсатиб. – Яна битталаринг қани?* (Т.Малик.)

Англашиладики, сонларнинг ишоравий вазифаси матн семантик таҳлили орқали аниқланади. Матндан узиб олинган гапда соннинг ишора объекти мавҳум бўлиб қолади. Ушбу матн кўринишида ҳам сон ишора қилган шахснинг ким эканлиги мавҳум.

Сонларнинг пайтга ишораси вақт семасини англатувчи лексемалар билан боғланишида кузатилади. Пайтга ишора қилувчи сонлар замон дейкисини (темпорал дейкисини) шакллантиради. Масалан, «*Ўн беш йил берган бўлса, ўн беш йил ўтирмайди*» (Т.Малик.) гапида қўлланган сон йил лексемасига боғланиб пайтга ишорани ҳосил қилган.

Ўринга ишора қилувчи сонлар макон дейкисини шакллантиради. Қуйидаги нутқий қўланишда сон отлашиб ўринга ишора қилган: *Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий чегарасини ўша аҳмоқ белгилаган. Нега аҳмоқ деяпсанми? Шунинг учунки, яна бир зарб берилса, Афғонистон тўлалигича бизники эди. Ҳеч бўлмаса, ярми бизники бўларди.* (Т.Малик.)

Берилган матн кўринишида *ярми* лексемаси Афғонистонга ишорани шакллантирган.

Нутқда сонларнинг матннинг муайян воқеа-ҳодиса акс этган бирор қисмига ишора қилиши ҳам кузатилади. Баъзан ишора объектини таъкидлаш мақсадида сон олдидан кўрсатиш олмоши қўланади. Масалан: – ... *Эшикни биринчи бўлиб сиз очиб киргансиз, хабарни ҳам сиз бергансиз. Менинг одатим шунақа, ишни шу биринчидан бошлайман.* (Т.Малик.)

Ушбу матн парчасида қўлланган *шу биринчидан* бирикмаси матннинг ўзидан олдинги қисмига, унда акс этган воқеликка ишорани ҳосил қилган. Бирикма англатган денотатив маънога макроматн орқали аниқлик киритилиши унинг дейктик бирлик эканидан далолат беради.

Тартиб сонлар (*биринчидан, иккинчидан* кабилар) гапда кириш сўз вазифасида келган ҳолатларда ҳам матннинг ўзидан олдинги таркибий қисмига ишора қилиши кузатилади. Бундай ҳолатда матннинг мантиқий боғланиши ҳам таъминланади.

Шуни қайд этиш жоизки, соннинг ишоравий вазифаси айрим ҳолларда гап семантик тузилишига жиддий таъсир кўрсатади, сон иштирокида тузилган гап семантик жиҳатдан мураккаблашиб, полипропозитив гапга айланади. Бунинг натижасида гапда шакл ва мазмун номувофиқлиги юзага келади. Масалан, «*Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик*» (Ў.Ҳошимов.) гапида сон ишора қилган шахс дейкисига қуйидаги макроматн орқали ойдинлик киритилади:

- *Ростини айт, бола! Қачон сув обкелувдинг?*
- *Ой чиққанда! – Олимжон гоҳ менга, гоҳ Башар опага олазарақ қаради.*
- *Худо урсин, кеннойимга сув обкеганим рост!*
- *Соат нечайди ўшанда?*

– Қаёқдан билай! – Олимжон бурнини тортиб, елкасини қисди. – Ой энди чиққанди.

*Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик.*

Ушбу матн таҳлилидан маълум бўладики, *учовимиз* жамловчи сони **Олимжон, Башор опа ва сўзловчи шахс**, уларнинг ҳатти-ҳаракатига ишорани ҳосил қилган. Шу сабабли ушбу гапда «*Мен талмовсираб қолгандим*», «*Олимжон талмовсираб қолганди*», «*Башор опа талмовсираб қолганди*» пропозициялари англашилади.

Сонларнинг ишоравий вазифаси айрим ҳолларда гапни семантик жиҳатдан мураккаблаштирамайди. Қуйидаги гапни қиёсланг: **Бири** юк ортиб омборга кетса, **иккинчиси** келиб туради. (Ў.Ҳошимов.)

Берилган гап сон туркумидаги бирликлар ҳисобига семантик жиҳатдан мураккаблашмаган. Гапда қўлланган *бири, иккинчиси* сонлари иш қуролига (арава) ишора қилади. Буни қуйидаги матн кўриниши орқали аниқлаймиз:

*Иккита аравамиз бор. Биттаси колхознинг ризвон араваси, биттаси бобомнинг эшак араваси. Бири юк ортиб омборга кетса, иккинчиси келиб туради.*

Сон туркумидаги сўзларнинг гапни семантик жиҳатдан мураккаблаштириши уларнинг ишора вазифасидан бошқа вазифаларида ҳам қайд этилади. Жумладан, сон гапда иккиламчи предикат мавқеида келган ҳолатларда ҳамда атрибутив муносабатни ҳосил қилганда гапнинг семантик мураккаблашуви кузатилади<sup>1</sup>.

Хуллас, ўзбек тилида айрим сон туркумидаги бирликлар нутқий қўлланишда ишора объектини кўрсатиб, дейктик вазифа бажаради. Сонларнинг дейктик вазифаси матн семантик таҳлили орқали аниқланади.

### 5.3. Прагматик пресуппозиция ҳодисаси

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб тил сатҳи бирликларининг прагматик хусусиятларини ўрганишга қизиқиш бошланди. Айниқса, гап тадқиқи юзасидан олиб борилган ишларда пресуппозиция ҳодисасига алоҳида эътибор қаратилди.<sup>2</sup>

Маълумки, пресуппозиция прагматик ҳодиса сифатида тил белгисининг нутқ билан боғлиқ жиҳатларини намоиш қилади. Айрим муаллифларнинг фикрича, пресуппозицияга прагматик ҳодиса сифатида қаралиши шу

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.131

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - №6. - Б. 42-45; Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - №6. - Б. 42-45; Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. - Б.113-120; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд, 1994. - Б. 11-14; Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48; Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция // А.Фулум ва ўзбек тилшунослиги: Илмий ишлар тўплами. - Тошкент. 2004. - Б. 57-60; ва бошқалар.

маънодаки, у сўзловчининг гапда хабар берилаётган ёки сўралаётган воқеликка нисбатан муайян нуқтаи назарини акс эттиради.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, пресуппозиция<sup>2</sup> тил бирлигининг нутқий вазият ҳамда нутқ эгаларининг тил кўникмалари билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи прагматик хусусияти бўлиб, моҳиятан гап қурилиши асосида ётувчи яширин ҳукмнинг ташқи ишорага асосланувчи кўринишини англатади. Бундай ташқи ишора тилда моддий ифодачисига эга бўлганда, пресуппозиция лингвистик хусусият касб этади. Бу жиҳатдан, лингвистик пресуппозициянинг гапда лисоний воситалар ишораси асосида яширин ифодаланувчи ахборот тарзида баҳоланиши асосли.

Маълумки, шу кунга қадар тилшуносликда бу ҳодисага нисбатан **пресуппозиция, презумпция, тағбилим, ички маъно, монема, прагматик маъно, сигматик маъно** терминлари қўлланди<sup>3</sup> ва «ҳукмнинг табиий асоси»<sup>4</sup>, «сўзловчиларнинг умумий билиш фонди, уларнинг олдиндан келишуви»<sup>5</sup>, «олдиндан маълум билимлар жами»<sup>6</sup> сифатида талқин этилди. Илмий манбаларда пресуппозиция бу тарзда турлича номланган бўлса-да, тил бирлигининг ишораси асосида гапда яширин ифодаланувчи ахборот тарзида баҳоланди.

Пресуппозиция асосий ҳолларда гапда муайян тил бирлигининг ишораси асосида яширин тарзда юзага чиқади. Сўзловчи объектив воқелик ҳақидаги муайян ахборотни гапда очик ифода этишни хоҳламаганда, пресуппозицияга йўл очилади. Пресуппозициянинг гапда ифодаланиши муайян нутқий вазиятни, нутқ эгаларининг тил кўникмаларини тақозо этади. Нутқ эгаларининг тил кўникмалари, уларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари пресуппозициянинг тушунарли бўлишига имкон беради.

Пресуппозициянинг яширин ифодаланиш хусусияти унинг гап ташқи структураси орқали очик ифодаланувчи пропозиция билан қоришиб кетмас-

---

<sup>1</sup> Иванова, Бурлакова, Почепцов. Теоретическая грамматика современного английского языка: [http://www.classes.ru/grammar/42.Teoreticheskaya\\_grammatika\\_sovremennogo\\_angliyskogo\\_yazyka/3-3-10--presuppozicija.htm](http://www.classes.ru/grammar/42.Teoreticheskaya_grammatika_sovremennogo_angliyskogo_yazyka/3-3-10--presuppozicija.htm)

<sup>2</sup> Пресуппозиция термини лотинча *sub – osti, taqi* ва *ronere – жойлаштирмақ, жойлашмоқ* сўзларидан олинган бўлиб, *асосга, ўзакка жойлаштирмақ* маъноларини англатади. Қаранг: Раҳимов У. Тағмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2005. - № 5. - Б. 29-33.

<sup>3</sup> Қаранг: Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. - 1973. Т.32. Вып. №1. - Б. 85; Падучева Е.В. О понятие презумпции в лингвистической семантике / Семиотика и информатика. - М., 1977; Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. - М., 1978. - Б. 367; Демьянков В. Прагматические основы интерпретации высказывания // Известие АН СССР. Серия лит. и яз., 1981. Т.40. - №4. - Б. 368 - 377. / [http://www.infolex.ru/IZV4\\_81.html](http://www.infolex.ru/IZV4_81.html); Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - №6. - Б. 42-45; Нурмонов А. Кўмакчи конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - №6. - Б. 42-45; Махмудов Н. Ўзбек тили стилистикасининг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1990. - №2. - Б. 95; Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. - Б.113-120; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд, 1994. - Б. 11-14; Шу муаллиф. Ҳам юкламасининг пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1994. - №3. - Б. 58-62; Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчи конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48; ва бошқалар.

<sup>4</sup> Семиотика ва информатика. Вып.8. - М., 1977. - Б. 40-46.

<sup>5</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. - 1973. Т. 32. Вып. №1. - Б. 85.

<sup>6</sup> Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. - М., 1981. - Б.14.

лигига имконият яратади. Тагмаъно ва тагбилим (пресуппозиция) ходисаларини қиёслаб ўрганган олим М.Ҳақимов ҳам пресуппозициянинг матн семантик имплицатураси бирлиги эканини қайд этади.<sup>1</sup>

Айрим тилшунослар пресуппозициянинг эксплицит ифодаси мавжудлиги ҳақида ҳам фикр юритишади. Г.Д.Архипкинанинг фикрича, гап структураси, унинг шаклига бутунлай мувофиқ келмайдиган пресуппозициянинг ўзи йўқ... Пресуппозиция гапнинг ташқи структурасида имплицит ва эксплицит ифодасига эга бўлади.<sup>2</sup> И.В.Самойлова ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Унинг таъкидлашича, нутқий гапда пресуппозиция нафақат имплицит тарзда ифодаланади, балки пропозицияга ишора қилишда ҳамда гапнинг шаклланишида қўшимча семантик ишораларни қўллашда эксплицит ифодасига ҳам эга бўлади.<sup>3</sup> Тилшунос олим Хоанг Фе эса пресуппозицияни ифоданинг имплицит мазмунига тенглаштириб бўлмаслигини таъкидлайди.<sup>4</sup> Англашиладики, тилшунослар бу масалада ҳар доим ҳам ҳамфикр эмаслар.

Пресуппозиция барча тилларда кузатилади. У ҳар бир тилда шу тилнинг ички имконияти, ифода воситаларининг ўзига хос хусусияти асосида белгиланади. Бу ҳолат пресуппозициянинг ифодаланиши масаласига турли ёндашувни юзага келтириши табиий. Бироқ тан олиш жоизки, пресуппозиция гап ташқи структурасида моддий кўринишини тўлиқ намойиш қилмайди. Аммо унинг ташқи сигналлари – **ишора воситалари**, табиийки, синтактик структурадан ўрин олади<sup>5</sup>. Бу жиҳатдан қараганда, пресуппозициянинг эмас, унга ишора қилувчи тил бирлигининг эксплицит ифодаси хусусида фикр юритиш ўринли бўлади. Бу тил бирлиги пресуппозицияга ишора қилса-да, унинг синтактик структурасини акс эттирмайди.

Яна бир жиҳат шундаки, пресуппозиция нутқда турли синтактик қурилмалар орқали юзага чиқади. Бундай синтактик қурилмалар бевосита пропозицияни ҳам акс эттиради. Пресуппозиция орқали англашилувчи ахборот эса синтактик қурилмадан англашилиб турса-да, унинг ташқи структурасига тўла мос келмайди. Бу ҳолат пресуппозициянинг яширин ифодаланиши хусусида фикр юритишга асос бўлади.

Бугунги кунда тилшуносликда пресуппозиция хусусида жуда кўп маълумотлар тўпланган. Шу кунга қадар пресуппозиция **семантик, прагматик**<sup>6</sup>, **кенг, тор, лингвистик пресуппозиция**<sup>7</sup>, **экзистенционал, синтагма-**

<sup>1</sup> Ҳақимов М. Тагмаъно ва тагбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2001. - №1. - Б. 33.

<sup>2</sup> Архипкина Г.Д. К вопросу об использовании пресуппозиций в семасиологическом анализе / Грамматика и семантика предложения: Лингвистическая исследования. - М., 1984. - Б. 4-5.

<sup>3</sup> Самойлова И.В. Смысл высказывания как совокупность пропозиционального и пресуппозиционального значений / Формальный и содержательный аспекты предложения в германских языках: Межвуз. сб. науч. тр. - Горький. 1988. - Б. 49.

<sup>4</sup> Хоанг Фе. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XV1. - М., 1985. - Б.310.

<sup>5</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.135

<sup>6</sup> Падучева Е.В. Понятие презумпции в лингвистической семантике / Семиотика и информатика. №8. - М., 1977. - Б. 91-101.

<sup>7</sup> Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. - М.,1981. - Б.14-15.



**тик, коннотатив, коммуникатив, логик<sup>1</sup>, лексик, лексик бўлмаган, ноэкзистенционал, якка, умумий, универсал<sup>2</sup>** каби турларга бўлиб ўрганилди. Бу ҳодисани ўрганиш билан боғлиқ мавжуд илмий манбалар таҳлили асосида лингвистик пресуппозицияга хос қуйидаги энг умумий белгиларни ажратиш мумкин:

1. Лингвистик пресуппозиция тил бирлигининг контекст, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг воқелик ҳақидаги умумий билимлари ҳамда тил кўникмалари билан боғлиқ жиҳатларини акс эттиради.

2. Лингвистик пресуппозиция синтактик структурада яширин ифодасига эга бўлган вазият ифодаси ҳисобланади.

3. Лингвистик пресуппозиция гап ташқи структурасида бевосита акс этмайди, аммо гапнинг семантик структураси орқали яширин ифодасига эга бўлади.

4. Лингвистик пресуппозиция синтактик структурада муайян ташқи сигналлари – ишора воситаларига эга бўлади.

5. Лингвистик пресуппозицияда нутқ иштирокчиларига олдиндан маълум воқелик ифодаси ўз аксини топади.

6. Лингвистик пресуппозиция асосий ҳолларда тилда амал қилувчи тежаш тамойили асосида юзага чиқади. Тежаш тамойилига кўра синтактик қурилма таркибидан тушириб қолдирилган гап узвининг вазифасини шу қурилмадаги бошқа бирлик зиммасига юклатиш асосида шаклий ихчамликка эришиш лингвистик пресуппозиция ёрдамида амалга оширилади.

7. Лингвистик пресуппозиция пропозиция билан бир қаторда гапнинг семантик тузилишида иштирок этади ва ҳар қандай гапни мазмунан мураккаблаштиради. Бунинг натижасида гапда шакл ва мазмун бирлиги бузилади.

8. Лингвистик пресуппозиция гапда бевосита ифодаланган пропозицияга семантик жиҳатдан алоқадор бўлган ахборотни акс эттиради ва асосий ҳолларда айни пропозицияга семантик жиҳатдан зидланади.

Қайд этилган белгилар лингвистик пресуппозициянинг моҳиятини тўла камраб олади. «Теоретическая грамматика современного английского языка» китобининг муаллифлари пресуппозицияга тил ҳодисаси сифатида қараб, унга хос қуйидаги белгиларни ҳам қайд этдилар: бевосита ифодаланмаслик (неявность), гап қурилишидан англашилиш (выводимость из предложения), инкорга ва мазмуннинг прагматик жиҳатига бефарқлик (нечувствительность к отрицанию и прагматичность содержания)<sup>3</sup>. Маълум бўладики, пресуппозиция гап қурилишида унинг мазмуний тузилиш узви сифатида яширин ифодасига эга бўлади. Бу хусусият қадимги шарқ халқларида

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известия АН СССР. Серия лит. и яз. - 1973. Т. 32. Вып. №1. - Б. 85.

<sup>2</sup> Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. - М., 1978. - Б. 367.

<sup>3</sup> Иванова, Бурлакова, Почепцов. Теоретическая грамматика современного английского языка: [http://www.classes.ru/grammar/42.Teoreticheskaya\\_grammatika\\_sovremennogo\\_angliyskogo\\_yazyka/3-3-10--presuppozicija.htm](http://www.classes.ru/grammar/42.Teoreticheskaya_grammatika_sovremennogo_angliyskogo_yazyka/3-3-10--presuppozicija.htm)

пресуппозициянинг «Лутф», «Турли ишоратларга бурканган нутқ» тарзида талқин этилгани бежиз эмаслигини англатади.<sup>1</sup>

Маълумки, лингвистик пресуппозицияни ўрганишда тилшуносларнинг асосий эътибори унга ишора қилувчи тил воситаларига қаратилди. Негаки пресуппозицияга ишора қилувчи тил бирликларининг лисоний тадқиқи гап мазмуний тузилишидаги ўзига хос ўзгаришларни аниқлашда алоҳида ўрин тутди.<sup>2</sup>

Ҳар бир тилнинг лингвистик пресуппозицияга ишора қилувчи ўз ташқи сигналлари мавжуд. У.Раҳимов лингвистик пресуппозициянинг ўзбек тилидаги ташқи сигналларини қуйидагича таснифлайди:

1. Лексик воситалар.
2. Морфологик воситалар.
3. Синтактик воситалар.<sup>3</sup>

У. Раҳимов пресуппозицияга йўл очувчи лексик воситаларга **омоним, синоним ва антоним сўзларни**, морфологик воситаларга маълум сўз туркумларидаги **категорияларни** ҳамда **кўмакчи ва юкламаларни** киритади. Синтактик воситалар сифатида **сўроқ гаплар, ўхшатишли қурилмалар** ҳамда **сўз тартибини** кўрсатади. Унинг бошқа ишида «пресуппозициянинг лисоний кўрсаткичлари – **фонема, морфема, лексема, сўзшакл, сўз бирикмаси, гаплар ишораси**» тарзида белгиланади.<sup>4</sup>

Д.Лутфуллаева эса тасдиқ гаплар таркибида инкор пресуппозицияга ишора қилувчи лисоний воситаларнинг қуйидаги кўринишларини фарқлайди:

1. Лексик-грамматик воситалар.
2. Синтактик воситалар.<sup>5</sup>

Д.Лутфуллаева тасдиқ гапда инкор пресуппозицияга ишора қилувчи лексик-грамматик воситаларга **кўмакчи, юклама** ва **айрим боғловчиларни**, синтактик воситаларга **истакни ифодаловчи** уч турдаги **синтактик қолипларни** киритади.

Кўринадики, ўзбек тилида содда синтактик шакл орқали мураккаб мазмунни ифодалашда ёрдамга келувчи пресуппозиция сигналлари хилма-хил. Бундай лисоний воситалар муайян нутқ вазиятида пресуппозицияга ишора қилиб, содда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Ҳар бир лисоний восита ўзига хос шаклий тузилишдаги гапларни ҳосил қилишда иштирок этса-да, яширин тарзда қўшимча ахборотни ифодалаш жихатидан умумийликка эга бўлади. Бу лисоний воситаларга хос яна бир умумий белги шундаки, улар асосий ҳолларда гап мазмунига зид бўлган яширин ахборотни юзага келтириб, зидлик муносабатини ҳосил қилади.

<sup>1</sup> Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция // Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги. - Тошкент. 2004. - Б. 58.

<sup>2</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд, 1994. - Б. 8.

<sup>3</sup> Раҳимов У. Кўрсатилган тадқиқот иши. - Б. 9.

<sup>4</sup> Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция / Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги: Илмий мақолалар тўп. - Тошкент. 2004. - Б.58.

<sup>5</sup> Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиқлик. - Тошкент: Фан, 1997. - Б. 11-27.

Шуниси характерлики, баъзан гапда лингвистик пресуппозиция билан бир вақтда экстралингвистик пресуппозиция ҳам ёнма-ён акс этади. Бундай ҳолатда тилнинг махсус ишора воситалари орқали юзага чиқувчи лингвистик пресуппозицияни турли экстралингвистик омиллар – нутқ вазияти, нутқ эгаларининг воқеликка муносабати, нутқ объекти ҳақидаги олдиндан маълум билимлар асосида юзага келадиган пресуппозициялардан фарқлаш лозим бўлади. У.Раҳимов ҳам «*Аҳмаднинг катта ўғли келди*» гапини таҳлил қилар экан, бу гапда лексик антонимия асосида шаклланган пресуппозициядан (*Аҳмаднинг кичик ўғли ҳам бор.*) ташқари, экстралингвистик омиллар – нутқий вазият, олдиндан маълум бўлган хабар, нутқ моменти асосида «*Аҳмаднинг кичик ўғли келиши керак эди*», «*Аҳмаднинг кичик ўғли келмаган*», «*Аҳмаднинг катта ўғли келмаслиги керак эди*» мантиқий пресуппозицияларининг шаклланишини ҳам қайд этади.<sup>1</sup>

Лингвистик пресуппозициянинг шаклланишида унга ишора қилувчи тил воситаларининг лисоний-белги хусусиятлари муҳим ўрин тутади. Масалан, *фақат* айирув-чегаралов юкламаси гапда ўз қуршовидаги бўлақларни ажратиб кўрсатиш билан бирга, уларнинг маъносига зид характердаги пресуппозицияни шакллантиради.<sup>2</sup> Шу сабабли нутқда *фақат* юкламали синтактик ўрамлардан доимо зид мазмундаги ахборотлар англашилади. Масалан, «*Фақат битта айби бор...*» (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси») гапида пресуппозиция орқали «*Бошқа айби йўқ*» ахбороти ифодаланган. Бу ахборот гапнинг синтактик қурилишига зид ҳолда яширин ифодаланган. Демак, пресуппозиция гап семантикасининг яширин узви сифатида бавосита ифодаланади.

Лингвистик пресуппозиция асосий ҳолларда тилда амал қилувчи тежаш тамойили (тежамлилик<sup>3</sup>) асосида юзага чиқади. Н.Маҳкамовнинг қайд этишича, тежамлилик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда лексик ёки грамматик маъно бажараётган бирлик вазифаси шу бирликлар мажмуасидаги бошқа бирликка юклатилади. Натижада вазифа бажармаётган бирлик мажмуа (сўз, бирикма, гап) таркибидан чиқарилади ва нисбатан шаклий ихчамлик вужудга келади.<sup>4</sup> Нутқда бу тарзда, яъни синтактик қурилма таркибидан тушириб қолдирилган гап узвининг вазифасини шу қурилмадаги бошқа бирлик зиммасига юклатиш асосида шаклий ихчамликка эришиш лингвистик пресуппозиция ёрдамида ҳам амалга оширилади. Лингвистик пресуппозиция ҳисобига муайян мазмунни ифодалашга хосланмаган синтактик шакл унинг ифодачисига – **ташқи сигналига** айланади. Бироқ пресуппозиция орқали ифодаланган ахборот, юқорида қайд этилганидек, нутқий гапда бевосита акс

<sup>1</sup> Раҳимов У. Тагмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тил ва адабиёти. - Тошкент. 2005. - №5. - Б.32.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд, 1994. - Б. 11-14.

<sup>3</sup> Тилда амал қилувчи тежамлилик ҳақида қаранг: Махмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент. 1978. - 20 б; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. - Тошкент: 1988; Шу муаллиф. Лисоний ориқчалик ва тежамлилик натижасида вужудга келган десемантизация // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - 2002. - №2. - Б. 25-28.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Маҳкамов Н. Лисоний ориқчалик ва тежамлилик натижасида вужудга келган десемантизация // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2002. - №2. - Б. 25.

этмайди, балки муайян лисоний бирликнинг ишораси асосида яширин тарзда ифодаланади ҳамда нутқ эгалари томонидан ҳеч қандай қийинчиликсиз қабул қилинади<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, пресуппозиция гапда нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда яширин тарзда реаллашувчи ҳодиса, унинг тўғри тушунилишида нолисоний омиллар – нутқий вазият, контекст, сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган умумий билимлар ҳамда нутқ эгаларининг тил кўникмалари ёрдамга келади. Бу нолисоний омиллар гап синтактик структурасида акс этмаган, яширин ифодаланувчи пресуппозициянинг осон тушунилишига ёрдам беради. Жумладан, тадқиқотимиз объекти ҳисобланган кўмакчили қурилмалар ва уларга вазифадош келишикли сўзшакллари ишора қилган пресуппозициянинг тўғри тушунилишида ҳам ушбу нолисоний омиллар муҳим ўрин тутаяди. Агар суҳбат эгалари нутқ вазиятидан беҳабар бўлсалар, нутқ объекти ҳақида тасаввурга эга бўлмасалар ёки қўлланишдаги тилни мукамал билмасалар, у ҳолда пресуппозицияни тўлиқ англаб етмасликлари мумкин.

Англашиладики, пресуппозиция тилнинг прагматик аспектига намоён этувчи ҳодиса сифатида контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари тушунчалари билан зич боғланади ва гапнинг семантик тузилиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида махсус тадқиқотларни талаб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи сифатида лингвистик прагматика қандай амалий эҳтиёж оқибатида майдонга келди?
2. Лингвистик прагматиканинг тадқиқ доирасига қандай муаммолар киради?
3. Ўзбек тилшунослигида қайси даврдан бошлаб тил сатҳи бирликларининг прагматик хусусиятларини ўрганишга қизиқиш бошланди?
4. Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистикага доир қандай тадқиқот ишлари яратилди?
5. Дейктик бирликлар қандай вазифа бажаради?
6. Дейктик бирликлар ишора объектини кўрсатиш белгиси асосида қандай турларга ажратилади?
7. Ўзбек тилида сон туркумидаги мустақил сўзлар қандай вазиятда дейктик вазифа бажаради?
8. Ўзбек тилида сон туркумига оид бирликларни дейктик вазифаси асосида қандай функционал турларга ажратиш мумкин?
9. *Презумпция, тағбилим, ички маъно, монема, прагматик маъно, сигматик маъно* терминлари нимани англатади?
10. Пресуппозициянинг ташқи сигналлари – ишора воситаларига қайси тил бирликлари киради?

---

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.136

11. Жаҳон тилшунослигида пресуппозиция қандай турларга бўлиб ўрганилади?
12. У.Раҳимов лингвистик пресуппозициянинг ўзбек тилидаги ташқи сигналларини қай тарзда таснифлайди?
13. Д.Лутфуллаева тасдиқ гаплар таркибида инкор пресуппозицияга ишора қилувчи қандай лисоний воситаларни ажратади?

### Адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008.
5. Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. - М.: Высшая школа, 1981. - 208 с.
6. Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. - М.:Прогресс, 1978. - С. 337-369.
7. Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48.
8. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 28-31.
9. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 42-45.
10. Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 2001. - №4. - Б. 56-57.
11. Раҳимов У. Тағмаёно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2005. - № 5. - Б. 29-33.
12. Раҳимов У. Ўзбек тилида юқламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд. - 1994. - 23 б.
13. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент. 1994.
14. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: Прогресс, 1988. Вып. XX111. - С. 52-92.
15. Хоанг Фе. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. ХУ1. - М., 1985. - С.310.
16. Ҳақимов М. Тағмаёно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2001. - № 1. - Б. 30-34.
17. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - 49 б.

## 6-Мавзу: Тил бирликларининг лингвопрагматик моҳияти

### РЕЖА:

1. Лексик ва морфологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.
2. Синтактик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.
3. Тилда баҳо муносабатининг ифодаланиши.
4. Хулоса.

**Таянч иборалар:** *лингвопрагматика, лексик бирликлар прагматикаси, морфологик бирликлар прагматикаси, синтактик бирликлар прагматикаси, дейктик бирликлар, пресуппозиция, баҳо муносабати.*

### 6.1. Лексик ва морфологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари (фёъл, ундов ва таклид сўзлар прагматикаси)

Маълумки, тил бирликлари нутқда ахборот ифодалаш, сўзловчининг воқеликка муносабатини акс эттириш ёки унинг ҳис-туйғусини баён этиш каби турли вазифаларни бажаради. Тил бирликларига хос яна шундай жиҳатлардан бири уларнинг нутқда прагматик вазифа бажара олиш хусусиятига ҳам эга бўлишидир. Тил бирликларининг прагматик вазифаси контекст, нутқий вазият, сўзлашувчиларнинг тил кўникмалари ва нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари билан боғлиқ тарзда юзага чиқади.

Ўзбек тилшунослигида фёъл сўз туркуми ҳар жиҳатдан жиддий ўрганилган. Бироқ фёъллар шу кунга қадар прагматик аспектда текшириш объекти бўлган эмас. Фёълларнинг прагматик имконияти муайян контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда текшириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилида фёълларнинг муайян контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда прагматик вазифа бажариши гарчи шу ном остида ўрганилмаган бўлса-да, бу ҳақда ҳам қисман маълумот берилган. Хусусан, «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» китоби муаллифлари «*Мен Тошкентдан Москвага учдим*» гапида қўлланган *учмоқ* фёъли мисолида айрим фёълларнинг пресуппозицияга ишора қилиши, яъни прагматик вазифа бажариши масаласига эътибор қаратишган.<sup>1</sup>

Фёъл сўз туркумлари ичида гапни уюштира олиш хусусияти жиҳатидан алоҳида мавқега эга. Шу сабабли ўзбек тилида фёъл асосли гапларни фёълларнинг грамматик табиати, семантикаси, прагматик имконияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ф.Жумаевнинг қайд этишича, «Тил бирликларини, хусусан, фёъл туркумидаги сўзларни прагматик йўналишда

<sup>1</sup> Қаранг: Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. - Б. 115.

тадқиқ этиш бу сўз туркумининг тилшуносликда шу кунга қадар эътиборга олинмаган нутқ вазияти, контекст, сўзловчи ва тингловчиларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, уларнинг тил кўникмалари билан боғлиқ жиҳатларига аниқлик киритиши шубҳасиз. Феълларни прагматик йўналишда тадқиқ этиш гапда феъл орқали юзага чиқувчи пресуппозиция ҳодисасини ўрганиш заруриятини юзага келтиради».<sup>1</sup> Дарҳақиқат, феълларнинг нутқда реаллашувчи кўшимча маъно компонентлари турли мазмундаги пресуппозицияларни ифодалаганда кўзга ташланади. Бироқ феълларнинг прагматик хусусияти бунинг ўзи билан чегараланмайди. Феъллар сўзловчининг воқеликка баҳо муносабатини акс эттириш вазифасини бажарганда лексик маъносига кўшимча тарзда турли нутқий маъноларни ифодалайди. Феъллар орқали баҳо муносабатининг ифодаланиши масаласи ҳам прагматик таҳлилни талаб қилади.

Феълларнинг нутқий вазият талаби билан пресуппозицияни ифодалаши уларнинг семантик имконияти билан боғлиқ ҳолда юз беради. Ҳар қандай феъл ҳар қандай нутқ кўринишида пресуппозицияга ишора қилавермайди.

Ф.Жумаев ўзбек тилидаги феълларнинг муайян ташқи ва ички омиллар билан боғлиқ ҳолда пресуппозицияни ифодалаши ҳақида фикр юритади. Унинг таъкидлашича, «феълларнинг гапда пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ички омилларга айна феълларнинг семантик имконияти, факультатив маъно компоненти билан боғлиқ жиҳатлар киради. Феълларнинг гапда пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ташқи омилларга контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари, феъл англатган ҳаракатнинг воқе бўлиши билан боғлиқ объектив шарт-шароит кабилар киради. Феълларнинг бевосита кузатишда берилмаган прагматик вазифаси бу икки жиҳатнинг бир вақтда амал қилиши асосида юзага чиқади».<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги айрим феъллар семантик табиати асосида гапда пресуппозицияга ишора қилади. Бу феълларнинг пресуппозицияга ишора қилиши учун, албатта, муайян контекст ва нутқий вазият талаб этилади. Бироқ контекст ва нутқий вазият шаклланмаса, феълга хос прагматик вазифа нутқ эгалари томонидан англаб етилмайди. Феълга хос прагматик вазифа нутқда реаллашади, бироқ мулоқот нутқи ва тил эгаларининг феъл семантикаси ҳақидаги билимларисиз ҳам унинг бу вазифаси имконият тарзида ўзида мавжуд бўла олади.

Ўзбек тилида шундай феъллар мавжудки, улар ҳаракат-ҳолат (*ҳаракат-ҳолат* – кенг маънода) тушунчасини англатиш билан бирга, бу ҳаракат-ҳолатга асос бўлган воқеликка, унинг табиий асосига ишора қилиш имкониятига эга бўлади. Бундай феъллар контекст, нутқий вазият, сўзлашувчиларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари билан боғлиқ тарзда прагматик хусусиятини намоён қилади, яъни гапда очиқ акс этган

<sup>1</sup> Қаранг: Жумаев Ф. Феълларни прагматик йўналишда тадқиқ этиш масалалари // Фан ва таълим, - Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 87-89.

<sup>2</sup> Жумаев Ф. Кўрсатилган мақола. - Б. 87-89.

ахборотга қўшимча тарзда яширин ахборотни – пресуппозицияни шакллантира олади.

Феълларнинг гап таркибида яширин ахборотни ифодалаши кўпинча уларнинг антонимик муносабати асосида гапда семантик жихатдан ўз зиддига ишора қилиши орқали амалга ошади. Қуйида бу ҳақдаги мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Феълларнинг антонимик хусусияти асосида гапда ўз зиддига ишора қилиши уларнинг семантик табиати асосида ҳамда контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Буни феъллар иштирокида тузилган қуйидаги гаплар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин:

1. *Хафа бўлма, жонгинам, соғайиб кетаман.* (Ҳ.Назир.)

2. *Оғриқ анча камайди.* (Сўзл.)

Биринчи гапнинг феъл кесими «*Мен касалландим*» пресуппозициясига йўл очади. Айти пресуппозиция *соғаймоқ* феълнинг антонимик хусусияти асосида яширин тарзда юзага чиқади.

Маълумки, *соғаймоқ* феъли «дарди, касали ариб, сонпа-соғ бўлиб кетмоқ, саломатлиги яхшиланмоқ»<sup>1</sup> маъносини англатади ва *касалланмоқ* феъли билан антонимик муносабатга киришади. Берилган гапда *соғайиб кетмоқ* феълнинг «*Мен касалландим*» пресуппозициясига ишора қилиши антонимик табиати асосида нутқ вазияти, сўзлашувчиларнинг умумий билимлари билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Сир эмаски, соғайиш ҳаракатидан аввал касалланиш ҳаракатининг амалга ошиши тақозо этилади. Айти боғлиқлик нутқда *соғаймоқ* феъли орқали касалланиш ҳаракатининг яширин ифодасига йўл очади. Ҳаммага маълум бу ҳақиқатни очик ифода этиш шарт бўлмагани учун нутқ жараёнида унга ишора қилиш *соғаймоқ* феъли ва унинг грамматик шакллари зиммасига юклатилади. Натижада бу феъл гапда ўз семантик зиддига ишора қилиш имконига эга бўлади.

Иккинчи гапда қўлланган *камаймоқ* феъли «*миқдор ёки ҳажм жиҳатдан оз, кам бўлмоқ, озаймоқ*»<sup>2</sup> маъносини англатади. Бу феъл мана шу маъноси асосида гапда «*Оғриқ кучайган эди*» пресуппозициясига ишора қилади. Маълумки, *камайиш* ҳаракатининг амалга ошиши муайян нарса-предметнинг даража-миқдор жиҳатдан меъерий ҳолатда, кўпайган (ёки кучайган) ҳолатда бўлишини тақозо этади. Бошқача айтганда, нарса-предмет даража-миқдор жиҳатдан меъерий, кўпайган (ёки кучайган) ҳолатда бўлсагина камайиш (озайиш) ҳаракати таъсирига учраши кузатилади. Бир-бирини тақозо этувчи бу объектив воқелик нутқда *камаймоқ* феъли орқали кўпайиш (нутқ вазияти асосида кучайиш ҳаракатининг), ва аксинча, *кўпаймоқ* (*кучаймоқ*) феъли орқали камайиш ҳаракатининг яширин ифодасига йўл очади. Албатта, ўзаро антонимик муносабатдаги бу феълларнинг нутқда бир-бирига ишора қилиб туришида контекст, нутқий вазият ҳамда сўзлашувчиларнинг бу феъллар семантикасига оид умумий билимлари муҳим ўрин тутади. Агар нутқий вазият *камаймоқ* феъли орқали

<sup>1</sup> Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 105.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 60000 сўз бирикмаси / Ақобиров Б.Ф., ва бошқалар. - Москва: Рус тили, - 1981. Т.1. / А-Р. -Б.363.



кўпайиш (ёки кучайиш) ҳаракатининг, ва аксинча, *кўпаймоқ* феъли орқали камайиш (озайиш) ҳаракатининг **бевосита очик ифодасини** тақозо этса, гапда бу феъллар орқали уларнинг семантик зиддига ишора шаклланмайди. Буни қуйидаги мисол таҳлилида ҳам кузатиш мумкин: *Озриқ кучайган эди, анча камайди.*

Ушбу гапда ўзаро антонимик муносабатдаги *кучаймоқ* ва *камаймоқ* феъллари иштирок этган. Шу сабабли бу феъллар зиммасига ўз зиддига ишора қилиш вазифаси юклатилмаган.

Шуниси характерлики, феълларнинг бўлишли-бўлишсизликка муносабати уларнинг прагматик вазифасига таъсир кўрсатмайди. Бундай феъллар бўлишли ёки бўлишсиз шаклга эга бўлишидан қатъий назар, прагматик вазифа бажара олиш хусусиятига эга бўлса, муайян нутқий вазият талаби билан бу вазифасини намоён қила олади<sup>1</sup>. Қиёсланг: *Ёмғир пешиндан кейин тинди.* (А.Қаҳҳор.) – *Ёмғир пешиндан кейин тинмади.*

«*Ёмғир пешиндан кейин тинди*» гапида «*Пешинга қадар ёмғир ёғди*» ахбороти яширин ифодаланади, «*Ёмғир пешиндан кейин тинмади*» гапида эса «*Пешиндан кейин ҳам ёмғир ёғди*» ахбороти яширин ифодасига эга бўлади. Кўринадики, феъллар бўлишли-бўлишсиз шаклда қўлланишидан қатъий назар прагматик вазифа бажара олади. Албатта, бу ўринда чиқиш келишиги + *кейин* кўмакчили қурилманинг прагматик вазифаси ҳам юзага чиққанлигини қайд этиш лозим. Келишик + кўмакчили қурилманинг таъсирида гапда вақт жиҳатдан зид муносабатдаги яширин ахборот шаклланган. Аммо гапдан кўмакчили қурилма тушириб қолдирилса ҳам, *тинмоқ* феъли орқали кўшимча ахборот юзага чиқадики, бу жиҳат айни феълнинг гапда семантик зиддига ишора қила олишини кўрсатади. Қиёсланг: *Ёмғир тинди.* (*Ёмғир ёғайтган эди.*) – *Ёмғир тинмади.* (*Ёмғир ҳануз ёғяпти.*)

Антонимик муносабатга кириша олувчи феъллар турли замонни акс эттирганда ҳам прагматик вазифасини намоён қила олади, яъни нутқ вазияти тақозоси, сўзловчиларнинг воқелик ҳақидаги умумий билимлари билан боғлиқ тарзда гапда семантик зиддига ишора қилади. Қиёсланг: *Уни озод қилишди.* (*У қамалган эди*) – *Уни озод қилишяпти.* (*У қамалган эди*) – *Уни озод қилишадиган.* (*У қамалган эди*).

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, айрим феълларнинг нутқда семантик табиати асосида ўз зиддига ишора қила олишида унинг турли грамматик шаклларда қўлланиши муҳим ўрин тутмайди.

Хуллас, ўзбек тилида айрим антонимик муносабатдаги феъллар нутқий қўлланишда яширин ахборотни шакллантира олади. Феълларнинг антонимик муносабати асосида гапда кўшимча ахборотни шакллантириши прагматик вазифаси бўлиб, бу вазифа нутқ вазияти тақозоси, сўзловчиларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари асосида юзага чиқади.

Англашиладики, ҳар қандай синтактик қурилманинг семантик тузилишини белгилашда унинг таркибий қисмлари орқали шаклланувчи яширин ахборотларни ҳам назардан қочирмаслик лозим бўлади. Табиийки,

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.141

тил бирлигининг прагматик вазифасини ҳис қилмаслик жумлани нотўғри талқин этишга олиб келади.

**Ундов сўзлар прагматикаси.** Нутқий қўлланишда прагматик маъно касб этувчи ўзбек тилининг морфопрагматик воситаларидан бири ундов сўзлардир. Маълумки, ундов сўзлар предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат ҳақидаги тушунчаларни акс эттирмайди. Ундов сўзларнинг бу тушунчаларни акс эттирмаслиги, улар англатган ҳис-туйғу, буйруқ-хитоб кабиларнинг нутқ эгаларининг руҳияти, воқеликка эмоционал баҳо муносабати ҳамда коммуникатив нияти билан боғланишининг ўзиёқ бу туркумга мансуб сўзларни прагматик аспектда ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Ундов сўзлар ўзига хос коммуникатив муҳитда прагматик вазифа бажаради. Ўзбек тилидаги ҳис-ҳаяжон ундовлари нутқ субъектининг ҳис-туйғусини акс эттириш орқали унинг воқеликка эмоционал баҳо муносабатини ифода этгани сабабли бевосита прагматик хусусият касб этади. Буйруқ-хитоб, миннатдорчилик, саломлашув, хайрлашув ундовлари эса кўпинча иккиламчи вазифаларида прагматик маънога эга бўлади. Бу турдаги ундовлар нутқ субъектининг муайян коммуникатив ниятини, ички мақсадини акс эттиришга бўйсундирилганда, прагматик хусусият касб этади. Масалан, *раҳмат*, *ташаккур*, *қуллуқ* ундовлари нутқда сўзловчининг миннатдорчилик туйғусини акс эттирмай; унинг муайян коммуникатив нияти билан боғлиқ тарзда кесатиғи, кинояси кабиларни ифода этишга йўналтирилганда, прагматик вазифа бажаради.

Қуйидаги микроматнда қўлланган *раҳмат* ундов сўзи ҳам нутқ субъектининг миннатдорчилик туйғусини акс эттирмаган:

– *Сиз менинг ўрнимда, мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бўйнингизга беш юз минг сўм юклаб қўйсам худди менга ўхшаб индамай бераверардингизми?...*

– *Албатта, берардим. Биласизми, Мирвали, бу бир қимордек гардкам иш. Омад бир сизга, бир бошқага келади. Омадинг келдими, ол, омадинг кетдими, бер. Мана шунда ўгил болача иш бўлади.*

– **Раҳмат**, – *деди Мирвали. – Сиздан худди шундай жавоб кутган эдим. Мен пулни олиб келгани кетдим. Мирвали шундай деб машина томон юрди.*

*Луқмонов унинг бу сўроғига унча эътибор бермади. Сўроқ тагида қандоқ сир-саноат ётганини ўйлаб кўрмади. Хотиржам ётоққа кириб кетди. (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)*

Маълумки, ҳеч бир инсон бўйнига беш юз минг сўм юклаб қўйган шахсга нисбатан миннатдорчилик туйғусини ифода этмайди. Матнда қўлланган *раҳмат* ундов сўзи ҳам нутқ субъектининг миннатдорчилик туйғусини акс эттирмаган. Бу ундов сўз орқали сўзловчининг суҳбатдошига нисбатан қандайдир ички ғаразли мақсади мавжудлигига ишора сезилиб туради. Шу сабабли матнда қўлланган *раҳмат* ундов сўзи киши онгида «*Хали шошмай тур, мен сендан ўч оламан, бу сафар омад менга боқади*» пресуппозициясини уйғотади. Ушбу пресуппозицияни матн сўнгида берилган «*Луқмонов унинг бу сўроғига унча эътибор бермади. Сўроқ тагида қандоқ сир-саноат ётганини ўйлаб кўрмади*» тарзидаги ёзувчи изоҳи ҳам тасдиқлайди. *Раҳмат* ундов сўзининг контекст билан боғлиқ ҳолда ифода

этган бу маъноси прагматик маъно бўлиб, матн семантик структурасида бавосита акс этади.

Демак, ундов сўзларнинг нутқ субъектининг коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда прагматик мазмунни ҳосил қилишида муайян микроматн (минимал контекст) муҳим ўрин тутади. Чунки бундай контекст, ҳеч бўлмаганда, нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, мулоқот жараёни амалга оширилаётган замон ва макон, нутқ объекти, сўзловчининг воқеликка ҳамда ахборот мазмунига муносабати кабилар ҳақидаги энг кичик маълумотни ўзида жамлайди. Агар ундов сўзнинг прагматик маъноси нутқ субъектининг коммуникатив нияти асосида шаклланса, бу каби минимал контекстга эҳтиёж туғилади. Агар нутқ иштирокчилари айна контекст билан боғланмасалар, ундов сўзнинг прагматик маъносини англаб етмайдилар.

Контекстнинг аҳамияти қуйидаги матн парчасида қўлланган ундов сўзнинг прагматик маъносини аниқлашда ҳам кузатилади:

*Район матлубот жамиятининг омборчиси хўппа семиз амакининг номерини топиб, қўнғироқ қилдим.*

*– Эшитаман! – худди бурнидан чиққанга ўхшаши манқа бир овоз билан деди амаки.*

*– Ассалому алайкум! – дедим чўзиб.*

*– Гатингни айтавер, кимсан?*

*– Ана шунақа овозимизни ҳам танимай қоласиз-да, – деб ўпкаландим.*

(Х.Тўхтабоев. «Сариқ девнинг ўлими»)

Ушбу микроматнда қўлланган *ассалому алайкум* ундов сўзи нутқ субъектининг коммуникатив нияти билан боғланганлиги сабабли ҳам прагматик мазмунни ҳосил қилади. Сўзловчи ундов сўздан нафақат саломлашиш учун, тингловчига у билан олдиндан таниш эканлигини билдириш учун ҳам фойдаланган. Бу коммуникатив ният ундов сўзнинг чўзиб талаффуз қилиниши асосида янада ёрқинлашган. Шу сабабли ундов сўз орқали контекст билан боғлиқ ҳолда «*Мен сизнинг эски танишингиз бўламан*» ахборотига ҳам ишора англашилади. Демак, ундов сўзлар нутқ субъектининг коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда прагматик маъно касб этганда вербал ифода орқали юзага чиққан ахборотни семантик жиҳатдан тўлдиради, матнга сўзловчининг қўшимча ички мулоҳазасини киритади.

Баъзан нутқ эгаси коммуникатив ниятини ошқора айтмай, уни ундов сўз орқали яширин ифода этишни лозим топади. Бундай ҳолатда ҳам ундов сўз прагматик вазифа бажаради. Нутқ субъектининг ундов сўз орқали қандай ахборотга ишора қилаётгани контекстга махсус киритилган қўшимча изоҳ, шарҳ асосида ойдинлашади. Бундай вазиятда ундов сўзнинг прагматик маъноси шу шарҳ асосида белгиланади. Қуйидаги микроматнни таҳлил қиламиз:

*– У ёқдан дурустроқ бўлиб қайтишигандир. Ахир қўша-қўша гиламлар билан қайтишяпти.*

– **Бе**, – чол кулди, шу Сафарқулнинг пешонасига буюм битарканми? Подшога хазиначи бўлсаям йиртиқ чоригини судраб юраверади бу. (Т.Малик. «Сўнги ўқ»)

Матнда қўлланган *бе* ундов сўзи нутқ субъектининг эътирозини билдиришдан ташқари, «*У ёқдан дурустроқ бўлиб қайтишмаган*» тарзидаги ички мулоҳазасига ҳам ишора қилади. Ушбу ахборотга ишора микроматнга кўшимча шарҳ сифатида киритилган «*Шу Сафарқулнинг пешонасига буюм битарканми? Подшога хазиначи бўлсаям йиртиқ чоригини судраб юраверади бу*» жумлалари орқали ҳам тасдиқланади.

Ундов сўзлар нутқ субъектининг шахси, ёши, жинси ҳамда миллий кадриятлар билан боғланганда ҳам прагматик хусусиятга эга бўлади.

Маълумки, ундов сўзларнинг нутқий мулоқотдаги прагматик маъноси нутқ субъекти нуктаи назаридан тадқиқ этилганда асосий эътибор сўзловчи шахсига қаратилади. Бундай вазиятда ундов сўзнинг прагматик маъноси сўзловчи шахси, унинг ёши, жинси кабилар билан боғланади. Бундай нутқ кўринишида ундов сўз орқали нутқ субъектининг шахси, ёши, жинсига ишора кузатилади. Қуйидаги микроматнда қўлланган ундов сўз ҳам нутқ субъектининг жинси ва ёши ҳақида кўшимча маълумот ташийти:

– *Ака, акажон!* – деб оёғимдан тортқилай бошлади.

– *Уйгоқмисиз, уйгоқмисиз?*

– *Ухлоқман.*

– **Ҳо**, алдаяпсиз. Кўзингизни биттаси очиқ-ку. (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб»)

Микроматнда қўлланган *ҳо* ундов сўзи орқали нутқ субъектининг ёшлиги, унинг қиз бола эканлигига ишора қилинади. *Ҳо* ундов сўзининг асосан қизлар нутқида, уларга хос эркаланишни ифода этишда қўлланиши бу ундов сўзнинг қиз болага ишора қилаётганидан дарак беради.

Маълум бўладики, ундов сўзлар нутқда сўзловчининг эмоционал баҳо муносабатини ҳамда объектив воқелик ҳақидаги ички мулоҳазасини акс эттирганда, дейктик хусусияти асосида ишора объектини кўрсатганда прагматик вазифа бажаради. Бундай вазиятда морфопрагматик восита сифатида қаралаётган ундов сўзнинг нутқий маъноси контекстга, ундов сўз қўлланган матнга боғлиқ бўлади. Агар сўзловчи ундов сўз орқали буйруқ-хитобини ёки саломлашув, хайрлашув кабиларни ифода этиш билан чекланса, ундов сўзга прагматик вазифа юкланмайди. Агар нутқ эгаси коммуникатив ниятини ошқора айтмай, ундов сўз орқали уни яширин ифода этишни лозим топса, у ҳолда ундов сўз зиммасига прагматик вазифани бажариш юклатилади.

Айрим ҳолларда муайян шахсга хос индивидуал қўлланишларнинг нутқда ҳис-ҳаяжон ундовлари вазифасида келиб, прагматик вазифа бажариши кузатилади. Бунда ундов сўз вазифасидаги бирликнинг нутқий- прагматик хусусияти матн таҳлили асосида белгиланади. Қиёсланг:

1. *Тагин иккита қалдирғоч шиплар аро учиб юрди. Кўзим қувонди.*

**Ҳйнаб қўйай, ҳйнаб қўйай...** – дея пичирладим. (Т.Мурод. «Отандан қолган далалар»)

2. *Олдин айтинг: раисингиз олтинларни сандиққа солиб бериб эдими ё бидонга солиб бериб эдими? – Ўйнаб қўяй, гапларингиздан, ўйнаб қўяй. Бидонга олтин соладиларми? Бидонга сув соладилар!* (Т.Мурод. «Отамдан колган далалар»)

Биринчи микроматнда қўлланган *ўйнаб қўяй* ибораси ундов сўз вазифасида келиб, нутқ субъектининг шодлиги, қувончини ифода этиш асосида унинг воқеликка муносабати, баҳосини ҳам акс эттирган.

Иккинчи микроматнда қўлланган *ўйнаб қўяй* ибораси эса нутқ субъектининг эътирозини, воқеликдан норози эканлигини ифода этади. Шу билан бирга, «*Бу гапларингиз ҳақиқатга тўғри келмайди*» тарзидаги ички мулоҳазасига ишора қилади. Бундай вазиятда ҳам ундов сўз вазифасидаги бирликнинг нутқий прагматик вазифаси матн семантик таҳлили орқали аниқланади.

Юқорида айтилганлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ўзбек тилида ундов сўзлар нутқ субъектининг ҳис-туйғусини ифода этиш жараёнида унинг воқеликка эмоционал баҳо муносабатини ҳам акс эттиради. Бу унинг прагматик вазифасидир. Ундов сўзлар нутқ субъектининг муайян коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда унинг воқелик ҳақидаги ички мулоҳазасига ишора қилганда, шунингдек, дейктик хусусият касб этиб, ишора объектини кўрсатганда ҳам прагматик вазифа бажаради.

**Тақлид сўзлар прагматикаси.** Тақлид сўзлар воқеликдаги турли товушлар, образ, кўриниш (ҳолат)га тақлид асосида ҳосил бўлган сўзлардир<sup>1</sup>.

Тақлид сўзлар воқеликнинг тилдаги «нусхаси» бўлганлиги боис, тилга «кўчириш, нусхалаш» жараёнида уларга бевосита сўзловчи муносабати ҳам кўшилади. Тақлид сўзларнинг сўзловчи субъектив муносабати билан боғланишининг ўзиёқ прагматик таҳлилга эҳтиёжни туғдиради.

Тақлид сўзларнинг турли халқларда фонетик фарқланиши ҳам бу туркум сўзларнинг нутқ субъектининг менталитети, дунёқараши ҳамда воқеликка бўлган субъектив муносабати билан алоқадорлигидан далолат беради. Жумладан, ўзбекларда мушукнинг товушига тақлид асосида *миёв* сўзи, рус тилида *мяу*, хитой тилида эса *мими*<sup>2</sup> сўзи ҳосил қилинади. Ёки идишлар бири-бирига урилганда пайдо бўладиган товушни ифодаловчи тақлид сўзларда ҳам фарқ кузатилади: *чарс-чурс*, *жаранг-журунг* (ўзбекча); *лангланг*, *хуаланг-хуаланг* (хитойча)<sup>3</sup>.

Тақлид сўзлар воқеликдаги муайян объект билан боғлиқ товуш ёки образ (ҳолат, кўриниш)га тақлидни билдиргани учун шу объект билан бевосита боғланади. Мана шу мантикий боғлиқлик асосида тақлид сўзлар айна объектга бевосита ишора қилиб, кишилар онгида унинг қиёфасини гавдалантира олади. Масалан, *чиқ-чиқ* тақлид сўзи бевосита соатга ишора қилса, *чи-чи* тақлид сўзи ўзбек миллатига мансуб кишилар онгида сичқон қиёфасини гавдалантиради.

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.141

<sup>2</sup> С. Хашимова Ҳозирги хитой тилида редупликация: Филол. ф. н. ... дис-я. –Тошкент. 2009. - Б. 72.

<sup>3</sup> Шу жойда.

Ёки “*Тўп-тўп этади, ерга урсанг сакрайди*” гапида қўлланган *тўп-тўп* тақлид сўзи коптокка ишора қилади. Тақлид сўзларга хос бу жиҳат дейктик (ишоравий) хусусият бўлиб, унга прагматик таҳлил орқали аниқлик киритилади.

Баъзан нутқда тақлид сўз дейктик вазифа бажаришга махсус йўналтирилади. Қуйидаги жумлада қўлланган *апишу* тақлид сўзи аниқ шахсга ишора қилади:

– *Хей, «апишу», нега бўлмаса менинг расмимни калласиз қилиб чиздинг?* (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»)

Берилган тақлид сўзнинг шахсга ишораси қуйидаги микроматн таҳлили орқали аниқланади:

– *Нега чиздинг?*

– *Чиздим, апиш-у...*

– *Нега деяпман?*

– *Апишу, апишу...*

– *Тоза кўриб ол-чи, менинг каллам борми-йўқми? – деб бошимни Тоштемирнинг қорнига ишқаб қўйдим...*

– *Ҳозир бор, апишу.*

– *Хей, «апишу», нега бўлмаса менинг расмимни калласиз қилиб чиздинг?*

Маълум бўладики, тақлид сўзнинг ўзи ифода этган товуш ёки ҳолат билан алоқадор объект билан боғланиши натижасида дейктик вазифаси юзага чиқади.

Тақлид сўзлар товуш ёки образ (ҳолат)га тақлидни билдириш билан бирга, баъзан нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифодалайди. Бундай вақтда тақлид сўзларнинг прагматик хусусияти намоён бўлади. Масалан:

*Зиёдни онаси из-з-из-з йиғлайди. Зиёдни онаси юм-м-юм-м йиғлайди. Мен Зиёдни онасига қўшилиб йиғлайман.* (Т.Мурод. «Отамдан қолган далалар»)

Бу микроматнда қўлланган *из-з-из-з*, *юм-м-юм-м* тақлид сўзлари нутқ субъектининг воқеликка муносабатидан дарак беради. Яъни нутқ эгаси онанинг йиғлаш ҳолатини шу тарзда ифода этиш орқали Зиёд исмли дўстининг бевақт ўлимидан ўзи ҳам қаттиқ изтироб чекаётганлигини ошқора баён этади. Матнда сўзловчининг воқеликка муносабатини янада ёрқин акс эттириш учун тақлид сўз чўзиб талаффуз этилади. Бундай ҳолатда тақлид сўз ўз вазифасидан бутунлай узоклашиб кетмайди. Балки тақлид сўз ишора қилган воқелик ифодасига сўзловчининг эмоционал баҳо муносабати ҳам қўшилади.

Баъзан нутқда муайян предмет товуши билан боғлиқ ҳолда ҳосил қилинган тақлид сўз ўзга предметга нисбатан кўчма маънода қўлланиши натижасида ҳам унга нутқ субъектининг эмоционал баҳо муносабати қўшилади. Масалан:

*Мўмин-мазлум сукутда қолади. Мўмин-мазлум нафас ютади. Генерал Скобелев карр-карр этади.* (Т.Мурод. «Отамдан қолган далалар»)

Маълумки, *карр-карр* (*қарр-қарр*) тақлид сўзи қарға товушига нисбатан ҳосил қилинади. Ўзбекларда қушлар ичида қарға ва унинг овози унчалик хушланмайди. Бадиий матнда *карр-карр* тақлид сўзини инсонга нисбатан қўллаш орқали унга прагматик вазифа – сўзловчининг салбий муносабатини акс эттириш вазифаси юклатилган. Бундай ҳолатда ундов сўз коннотатив - прагматик бўёққа эга бўлади.

Айрим тақлид сўзларда нутқ субъектининг баҳо муносабати очиқ кўзга ташланмайди. Жумладан, қуйидаги мисолда қўлланган *гурр-гурр* тақлид сўзи воқеликни бевосита акс эттиришга хизмат қилган, унда сўзловчи муносабати ёрқин кузатилмайди:

*Толларда тушламиш чумчуқлар гурр-гурр учади.* (Т.Мурод. «Отамдан қолган далалар»)

Маълум бўладики, тақлид сўзлар воқеликдаги муайян объект билан боғлиқ товуш ёки образ (ҳолат, кўриниш)га тақлидни билдиришдан ташқари, нутқ жараёнида сўзловчининг коммуникатив ниятини амалга ошириш, унинг воқеликка муносабатини ифода этиш вазифасини бажариб келганда прагматик хусусият касб этади<sup>1</sup>.

Хуллас, ўзбек тилида тақлид сўзлар: а) дейктик (ишоравий) хусусияти асосида нутқда прагматик вазифа бажаради; б) нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этганда прагматик вазифа бажаради; в) нутқий мулоқат жараёнида нутқ субъектининг коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда яширин пропозицияга ишора қилиш вазифаси юклатилганда прагматик вазифа бажаради.

## **6.2. Синтактик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари (мавжудликни билдирувчи содда гаплар мисолида)**

Ўзбек тилида мавжудликни ифодаловчи ахборот лингвистик пресуппозиция орқали ҳам юзага чиқади. Мавжудликнинг лингвистик пресуппозиция орқали ифодаланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: а) тежаш тамойили асосида мавжудликни ифодаловчи лисоний бирлик синтактик структурадан тушириб қолдирилади ва унинг вазифаси синтактик қурилмадаги бошқа лисоний бирликка юклатилади, натижада мавжудликни ифодалашга хосланмаган синтактик шакл орқали унинг ифодаланиши кузатилади; б) мавжудликни билдирувчи ахборот муайян тил бирлигининг пресуппозицияси сифатида яширин ифодаланadi; в) мавжудликнинг яширин ифодаланиши гап қурилиш қолипи ва пропозитив структурасининг зиддият-ли эканини кўрсатади.

Маълумки, пресуппозицияга гап қурилишининг фонетик-фонологик, морфемик, лексик, синтактик воситалари ишора қилади.<sup>2</sup> Ўзбек тилида мавжудликни англлатувчи пресуппозицияга ишора қилиш вазифаси айрим юкламали, кўмакчи ва боғловчили синтактик ўрамлар; истак, сўроқ орқали

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.148

<sup>2</sup> Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: Прогресс, 1988. Вып. XX111. - Б. 83; Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция // А.Фуллом ва ўзбек тилшунослиги: Илм. ишлар тўп. - Тошкент, 2004. - Б. 58

мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамлар зиммасига юклатилади. Бу синтактик ўрамлар муайян нутқ вазиятида мавжудликни англатувчи пресуппозицияга ишора қилиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Шу билан бирга, гап синтактик қурилишига номувофик тарзда мавжудликни билдирувчи ахборотни шакллантириб, зидлик муносабатини ҳосил қилади. Қуйида қайд этилган синтактик ўрамли содда гапларнинг мазмуний тузилишини таҳлил қиламиз.

**Юкламали синтактик ўрамлар.** Юкламали синтактик ўрамларнинг қуйидаги турлари орқали гапда мавжудликни билдирувчи пресуппозиция ифодаланади:

**Фақат, -гина (-кина, -қина), холос, ёлғиз юкламали синтактик ўрамлар.** Ушбу юкламали синтактик ўрамлар йўқликни билдирувчи гап таркибида мавжудликни англатувчи пресуппозицияга ишора қилади.<sup>150</sup> Пресуппозиция мундарижасига контекст, нутқ вазияти асосида аниқлик киритилади. Масалан:

1. *Фақат мўйлови йўқ.* (Ў.Ҳошимов.)

2. – *Тентаклар мамлакати йўқ холос.* (Исфандиёр.)

Биринчи гапда *фақат* юкламали синтактик ўрамнинг пресуппозиция сифатида «*Бошқа нарсаси бор*» ахбороти (ёки нутқ вазияти асосида мавжудликни билдирувчи ўзга ахборот), кейинги гапда эса *холос* юкламали синтактик ўрамнинг ишораси асосида «*Бошқа мамлакатлар бор*» ахбороти ифодаланади.

Нутқда айирув-чегаралов юкламаларининг плеонастик қўлланиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолатда йўқлик қатъий тарзда чегараланиб, яширин тарзда унинг зиддига - мавжудликка ишора қилинади. Масалан: *Фақатгина тахту тож йўқ.* (Э.Воҳидов.) (*Тахту тож йўқ. Бошқа нарсалар мавжуд.*)

Кўринадики, бундай гаплар йўқликни билдирувчи ихчам тузилишдаги содда гапларнинг айирув-чегаралов юкламали синтактик ўрамлар билан кенгайишидан ҳосил бўлади.

*Фақат, -гина (-кина//қина), холос, ёлғиз юкламали синтактик ўрамлар* иштирокида тузилган мавжудликни билдирувчи гапларда деярли барча ҳолларда предмет номи қўлланиши зарур бўлган семантик узв сифатида гап қурилиш қолипидан ўрин олади. Юкламали синтактик ўрамлар иштирокида тузилган мавжудликни билдирувчи содда гапларнинг қайд этилган қурилиш қолиплари пресуппозицияни акс эттирмайди.

*Фақат, -гина (-кина, -қина), холос, ёлғиз юкламалари* иштирокида тузилган мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамли содда гапларнинг қайд этилган қурилиш қолипи ўрин номи, замон номи семантик узвлари (баъзан ҳар иккиси) билан ҳам кенгайди. Масалан: *Фақат унда ташвиш йўқ.* (*Унда ташвиш йўқ. Бошқаларда (менда) ташвиш бор.*)

<sup>150</sup> Эслатма. *Фақат, -гина (-кина, -қина), холос, ёлғиз юкламалари* гапда предмет, воқеа-ҳодисаларни чегаралаш, айириб кўрсатиш вазифасини бажариш билан чекланса, у ҳолда гапда мавжудликка ишора қилинмайди. Бундай ҳолатда айирув юкламалари ўз вазифаси билан чегараланади. Масалан: *Ҳеч нарсам йўқ. Фақат қаламим бор.*



Худди шундай, гап замон номи семантик узви билан кенгайганда ҳам, муайян замондаги йўқликни ифода этиш орқали ўзга замондаги мавжудликка ишора қилинади.

**Ҳам юкламали синтактик ўрамлар.** Ҳам юкламали синтактик ўрамлар мавжудликни ифодаловчи кесим шакли қуршовида гапда акс этган ахборотга қўшимча тарзда мавжудликни билдирувчи пресуппозицияни шакллантиради. Пресуппозиция сўзловчи ва тингловчиларга олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, контекст, нутқ вазияти асосида аниқланади. Масалан: *Зира ҳам бор.* (С.Аҳмад.)

Ушбу гапдан яширин тарзда «*Бошқа нарсалар ҳам бор*» ахбороти (ёки сўзловчининг коммуникатив мақсади ҳамда нутқ объекти асосида бошқа ахборот) англашилади.

Ҳам юкламаси кўп ҳолларда предмет номини билдирувчи семантик узвга боғланиб келади. Шу сабабли бу семантик узв гап қурилишининг муҳим узви сифатида деярли ҳар доим иштирок этади. Ҳам юкламали мавжудликни ифодаловчи бундай гапларнинг қурилиш асосини йўқликни ифодаловчи кесим шакли ҳамда *ҳам* юкламаси билан қўлланган предмет номи семантик узви ташкил этади. Баъзан гап ва у орқали воқеланган гапда предмет номи семантик узви қўлланмайди, *ҳам* юкламаси замон номи ёки ўрин номи семантик узвигга боғланиб келади. Бундай ҳолатда ҳам муайян нарса-предметнинг мавжудлигига ишора қилинади. Гапда қўлланмаган предмет номи семантик узвининг маъноси контекст асосида аниқланади. Масалан: *Унда ҳам бор.* (Сўзл.) (*Бошқаларда ҳам бор.*)

Бундай гаплар ўрин номи ёки замон номи семантик узвлари билан ҳам кенгай олади:... *Арава ҳалиям бор.* (Ў.Ҳошимов.) (*Арава олдин ҳам бор эди*)

Баъзан гапда ҳам ўрин номи, ҳам замон номи семантик узви ёки бошқа узвлар ҳам қўлланади. Масалан: *Ер юзида янги уруш очишни хаёл қилган номардлар ҳалиям бор экан.* (Ў.Ҳошимов.)

**Яна//тагин, ҳатто юкламали синтактик ўрамлар.** *Яна// тагин, ҳатто* юкламалари ҳам мавжудликни ифодаловчи кесим қуршовида қўлланиб, ундан англашилган ахборотга қўшимча тарзда пресуппозицияни шакллантиради. Бу юкламали синтактик ўрамлар гапнинг мавжудлик-йўқлик белгилари асосидаги зидланишини акс эттирмайди. Бунда юкламали синтактик ўрам ҳамда гапнинг кесими орқали ифодаланган ахборотлар мавжудликни акс эттиради. Масалан, «*Ҳа, мана тагин бир қутиси бор экан*» (Ў.Ҳошимов.) гапида *тагин* юкламали синтактик ўрамнинг пресуппозицияга ишораси асосида «*Бошқа қутиси (ёки нарсаси) ҳам бор эди*» ахбороти ифодаланган. Бу ахборот гапнинг кесими орқали ифодаланган ахборотга (*Бир қутиси бор экан.*) қўшимча тарзда юзага чиққан.

*Яна// тагин, ҳатто* юкламали мавжудликни билдирувчи гапларда ҳам предмет номини билдирувчи семантик узвнинг қўлланиши зарурийлик касб этади. Шу сабабли бундай гапларда **мавжудликни ифодаловчи кесим шакли** ва **яна//тагин, ҳатто юкламалари** қаторида деярли барча ҳолларда **предмет номини билдирувчи семантик узв** қўлланади. Масалан: *Яна битта ўғлим бор.* (Ў.Ҳошимов.) (*Ўғлим бор. Бошқа ўғлим ҳам бор.*)

Гапда ўрин номи ёки замон номи семантик узви (баъзан ҳар иккиси) қўлланганда, муайян ўрин ёки замонда мавжуд бўлган нарса-предмет ҳақида маълумот берилади. Масалан: *Ҳаттоки гам бордир булбулигўёда.* (У.Абдуазимова.) (*Булбулигўёда гам бор. Бошқаларда гам бор.*)

Хуллас, ўзбек тилида *фақат*, *-гина* (*-кина*, *-қина*), *холос*, *ёлғиз* юкламали синтактик ўрамлар йўқликни ифодаловчи кесим қуршовида; *ҳам*, *яна//тагин*, *ҳатто* юкламали синтактик ўрамлар эса мавжудликни ифодаловчи кесим қуршовида пресуппозицияга ишора қилиб, содда гапни мазмунан мураккаблаштиради.

**Кўмакчили синтактик ўрамлар.** Ўзбек тилида *каби* (*сингари*, *янглиз*), *ташқари* (*бошқа*, *ўзга*, *бўлак*), *ўхшаб*, *билан бирга*, *билан бир қаторда* кўмакчили синтактик ўрамлар муайян нутқ вазиятида гап кесими семантикаси билан боғлиқ ҳолда йўқликни билдирувчи пресуппозицияга қўшимча тарзда мавжудликни билдирувчи пресуппозицияни ҳам шакллантира олади.

*Каби//сингари//янглиз*, *ўхшаб* кўмакчили синтактик ўрамлар иштирокида тузилган содда гапларда муайян нарса-предметнинг мавжуд томонига ўзга нарса-предметнинг шу каби жиҳатини ўхшатиш орқали яширин ҳолатдаги мавжудликка ишора қилинади. Мавжудликни яширин ифодаловчи ахборот пресуппозиция орқали гапнинг ўхшатиш воситали синтактик ўрамдан англашилади. Масалан: *Мия каби шаклим бор.* (Э.Воҳидов.)

Ушбу гапнинг ўхшатиш воситали синтактик ўрами орқали «*Миянинг шакли бор*» ахбороти англашилади. Бу ахборот гапнинг кесими орқали юзага чиққан «*Менинг шаклим бор*» ахборотига зид қўйилмайди, балки уни мазмунан тўлдиради.

Ўхшатиш орқали мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамли содда гапларнинг қурилиш асоси **предмет номи + ўхшатиш воситаси + мавжудликни ифодаловчи кесим шакли** таркибий қисмларидан ташкил топади. Шу сабабли гаплар ўрин номи ва замон номи узвлари билан ҳам кенгая олади.

*Каби//сингари//янглиз*, *ўхшаб* кўмакчили қурилмалар гапда йўқликни ифодаловчи кесим шакли билан боғланганда ҳам, пресуппозиция шаклланади. Бундай ҳолатда пресуппозиция орқали йўқлик ёки мавжудликнинг ифодаланиши объектив воқеликнинг ифодаси билан боғлиқ бўлади. Масалан, «*Болага ўхшаб шўхлиги ҳам йўқ*» (С.Аҳмад.) гапидан «*Ҳамма болаларда шўхлик бўлади*» ахбороти англашилади. Аксарият болаларнинг шўх бўлиши маълум. Мана шу ҳақиқат айти турдаги гапларда мавжудликнинг ифодаланишига йўл очади.

Ўзбек тилида ўхшатиш маъноси *гўё*, *худди* ёрдамчилари ёки *-дек//дай* қўшимчалари билан ҳам ифодаланади. Бу воситалар иштирокида тузилган шу турдаги гапларда ҳам мавжудликни билдирувчи пресуппозицияга ишора қилинади. Масалан: *Гўё бу қудратли техника йўқ!* (О.Ёкубов.) (*Бу қудратли техника бор.*) *Гўё биздан бошқа одам йўқдай.* (Исфандиёр.) (*Биз бормиз. Бошқа одамлар ҳам бор.*)

Хуллас, ўхшатиш асосига қурилган содда гапларда бир предметнинг мавжуд томонини иккинчи предметнинг шу каби томонига ўхшатиш асосида бирдан ортиқ мавжудликни билдирувчи ахборот ифодаланади.

**Таиқари//боиқа//ўзга//бўлак кўмакчили синтактик ўрамлар.** *Таиқари, боиқа, ўзга, бўлак* кўмакчилари асосий ҳолларда чиқиш келишликли сўзшаклига боғланиб, кўмакчили қурилмаларни ҳосил қилади. Бу қурилма **предмет номи + йўқликни ифодаловчи кесим шакли** қуршовида мавжудликни билдирувчи пресуппозицияни шакллантиради. Бундай тузилишдаги синтактик қурилмаларда предмет номини билдирувчи узвнинг семантик табиати муҳим ўрин тутди. Гапнинг семантик тузилиши ўзаро зидланувчи предмет номи узвларидан бирининг *ҳеч ким, ҳеч нима, бирон нарса, бирон кимса, ҳеч вақо* лексемалари билан ифодаланишини тақозо этади. Баъзан ўзаро зидланувчилар бир семантик доирага мансуб қуйидаги лексик бирликлар билан ўрин алмашади:

1. Бир семантик доирадаги турли предметларни англатувчи лексемалардан ташкил топади. Масалан: *Иккита сопол лаган билан тўртта товоқдан бўлак нарса йўқ.* (Ў.Ҳошимов.) (*Иккита сопол лаган билан тўртта товоқ бор.*)

2. Бир семантик доирадаги бир хил предметларни англатувчи лексемалардан ташкил топади. Масалан: *Хонада шу гултувақдан боиқа гултувақ йўқ.* (Сўзл.) (*Хонада фақат шу гултувақ бор.*)

3. Бир семантик доирадаги жинс-тур муносабатини акс эттирувчи лексемалардан ташкил топади: *Бизнинг ҳовлимизда икки туп олмадан боиқа дарахт йўқ.* (Ў.Ҳошимов.) (*Бизнинг ҳовлимизда икки туп олма дарахти бор.*)

*Таиқари//боиқа//бўлак//ўзга* кўмакчили мавжудликни билдирувчи бундай содда гапларнинг қурилиш асосини йўқликни ифодаловчи кесим шакли, предмет номи семантик узви ва кўмакчили синтактик ўрам ташкил этади. Бу гаплар ўрин номи ёки замон номи семантик узви билан кенгайганда, пресуппозиция орқали муайян макон ёки замондаги мавжудликка ишора қилинади. Масалан: *Патнис устида липиллаб турган чироқдан бўлак ҳеч нима йўқ.* (Т.Малик.) (*Патнис устида липиллаб турган чироқ бор. Патнис устида боиқа ҳеч нима йўқ.*) [*Богда ўша кун қоровулдан боиқа ҳеч ким йўқ эди.* (Ў.Умарбеков.) (*Богда ўша кун қоровул бор эди. Богда ўша кун боиқа ҳеч ким йўқ эди.*)

*Таиқари//боиқа//бўлак//ўзга* кўмакчили қурилмалар гапда мавжудликни ифодаловчи кесим шакли билан боғланганда ҳам, пресуппозиция ифодаланади. Бундай пресуппозиция предмет номини билдирувчи узвнинг семантик табиатига боғлиқ тарзда йўқлик ёки мавжудликни акс эттиради. предмет номи *ҳамма, барча* олмошлари билан ифодаланганда, гапда йўқликни англатувчи пресуппозиция шаклланади; аниқ предметга ишора қилганда, мавжудликни англатувчи пресуппозиция ифодаланади. Қиёсланг: *Учовларидан таиқари қишлоқ хўжалиги министри Тўхтабоев бор эди.* (С.Аҳмад.) (*Учовлари бор эди. Қишлоқ хўжалиги министри Тўхтабоев бор эди.*) *Учовларидан таиқари ҳамма бор эди.* (*Учовлари йўқ эди. Боиқа ҳамма бор эди.*)

Англашиладики, *ташқари//бошқа//бўлак//ўзга* кўмакчилари иштирокида тузилган гапларнинг мазмуний тузилишини белгилашда предмет номини билдирувчи семантик узвнинг қандай лексик бирлик билан ифодаланиши муҳим ўрин тутади.

**Боғловчили синтактик ўрамлар.** Ўзбек тилида *аммо, лекин, бироқ* зидлов боғловчили синтактик ўрамларнинг йўқликни билдирувчи пресуппозицияни шакллантириши қайд этилган эди. Бу боғловчилар зиммасига мавжудликни билдирувчи пресуппозицияга ишора қилиш вазифаси юклатилганда, улар мавжудликнинг ифодачисига айланади.

Маълумки, пресуппозиция асосий ҳолларда зид қутбли ахборотлар ўртасида шаклланади. Пресуппозицияни ифодалашга хосланган боғловчили синтактик ўрам ҳам гап кесимдан англашилган мазмунга зид бўлган ахборотни шакллантиради. Шу сабабли бундай ҳолатда **зидлов боғловчиси +йўқликни ифодаловчи кесим шакли** синтактик ўрами орқали мавжудликни билдирувчи ахборот ифодаланади. Масалан: - *Аммо ҳамма талабалар йўқ-да. Ушбу гапнинг ички структурасидан «Фақат айрим талабалар бор»* ахбороти англашилади. Бу ахборот зидлов боғловчисининг пресуппозицияси сифатида яширин тарзда юзага чиқади.

Зидлов боғловчили синтактик ўрам иштирокида тузилган мавжудликка ишора қилувчи бундай гапларнинг қурилиш асосини мавжудликни билдирувчи кесим шакли, предмет номини билдирувчи семантик узв ҳамда зидлов боғловчиси ташкил этади. Гапнинг мазкур семантик-синтактик қурилиш узвлари асосида унинг қурилиш қолипи ҳосил бўлади.

Хуллас, зидлов боғловчилари ҳам муайян нутқ вазиятида йўқликни ифодаловчи кесим қуршовида қўлланиб, мавжудликни билдирувчи пресуппозицияга ишора қилади.

**Истак орқали мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамлар.** Истак орқали мавжудликни ифодаловчи гапларда сўзловчининг хоҳишини баён қилиш орқали мавжудликка ишора қилинади. Бундай гапларда сўзловчининг амалда мавжуд бўлган нарса-предметнинг йўқ бўлишини исташи баён этилади. Сўзловчи истак-хоҳишини ифода этиш орқали амалдаги мавжудликка ишора қилади. Шу сабабли бундай гапларнинг денотатив структураси **яширин мавжудлик** ва **сўзловчининг истак-хоҳиши** ўртасидаги муносабатни акс эттиради.

Истак орқали мавжудликка ишора қилувчи содда гапларнинг қурилиш асосини йўқликни ифодаловчи кесим шакли ва **истакни ифодаловчи семантик узв** ташкил этади. Бундай гапларнинг кенг тарқалган кўринишлари қуйидаги синтактик ўрамлар ёрдамида ҳосил қилинади:

**Қани (эди/энди) + йўқликни ифодаловчи сўз-са/-ганда** тузилишидаги **синтактик ўрамлар.** Нутқда кенг қўлланивчи «*Қанийди йўқ бўлса*», «*Қани йўқ бўлса*», «*Қани энди йўқ бўлганда*» гаплари мана шу турга мансуб.

Гапнинг бундай қурилиш қолиплари предмет номи, ўрин номи, замон номи семантик узвлари билан кенгая олади. Бундай ҳолатда гапда муайян макон ёки замонда нарса-предметнинг йўқ бўлишини иташ орқали унинг

мавжудлигига ишора қилинади. Масалан, «Қани энди белимда оғриқ йўқ бўлса» гапида истак орқали мавжудликка (*Белимда оғриқ бор.*) ишора қилади.

**Сўроқ орқали мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамлар.** Ўзбек тилида грамматик асоси йўқликни ифодаловчи кесим шаклидан ташкил топган айрим сўроқ гапларда ҳам пресуппозиция орқали мавжудлик ифодаланади. Бундай гапларда йўқлик ҳақидаги сўроқ муайян нарса-предметнинг мавжуд эканлигига ишора қилиш орқали ифодаланади. Натижада грамматик шаклланган сўроқ характеридаги йўқлик орқали мавжудликни билдирувчи ахборот англашилади.

Ўзбек тилида сўроқ орқали мавжудликни ифодаловчи бундай гапларнинг қурилиш қолипни қуйидагича белгилаш мумкин:

1. *Наҳотки* + *йўқликни ифодаловчи сўз-са* тузилишидаги синтактик ўрамлар.

2. *...-дан бошқа (бўлак, ўзга, ташқари)* + *йўқликни ифодаловчи сўз-ми //эканми* тузилишидаги синтактик ўрамлар.

3. *Қаердан (қайқандан, қанақасига)* + *йўқликни ифодаловчи сўз-син* тузилишидаги синтактик ўрамлар.

4. *Қачон* + *йўқликни ифодаловчи сўз-ган эди//ганди* тузилишидаги синтактик ўрамлар.

5. *Қани* + *йўқликни ифодаловчи сўзэканлиги//лиги* тузилишидаги синтактик ўрамлар.

6. *Ниманг (нимаси//нима нарсаси)* + *йўқликни ифодаловчи сўзэди* тузилишидаги синтактик ўрам.

Қайд этилган синтактик ўрамлар нутқда сўроқ йўли орқали мавжудликка ишора қилувчи пресуппозицияни шакллантиради. Шу сабабли бундай гапларда доимо бирдан ортик ахборот ифодаланади. Қиёсланг: *Ўзимда гуноҳ йўқми?* (Ў.Ҳошимов.) (*Ўзимда гуноҳ бор.*) *У вақтларда ташвиш йўқ эдимми?...* (Э.Аъзамов.) (*У вақтларда ҳам ташвиш бор эди.*)

Хуллас, ўзбек тилида айрим юклагичи, кўмакчили, боғловчили синтактик ўрамлар ҳамда истак ва сўроқ орқали мавжудликни ифодаловчи синтактик ўрамлар муайян нутқ вазиятида пресуппозицияга ишора қилиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Синтактик ўрамларнинг пресуппозицияга ишора қилиши натижасида гап қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасида зиддият шаклланади.

### **6.3. Тилда баҳо муносабатининг ифодаланиши**

Нутқий мулоқот жараёнида нутқ эгаси узатилаётган ахборотни ифода этиш билан бирга, унга ўз муносабатини баён этади. Бу жараёнданафақат сўзловчи, балки тингловчида ҳам воқеликка нисбатан баҳо муносабати шаклланади. Ш.Сафаров қайд этганидек, «нутқий фаолият ташаббускори, яъни сўзловчи шахс объект ҳақидаги маълумотни тингловчига етказиш учун ушбу объектнинг «қандайдир» хислатларини танлайди ва шу хислат асосида объектга баҳо беради ҳамда баҳо маълумотини адресатга узатади. Бундай баҳо бериш ахбороти эса, ўз навбатида, тингловчига таъсир ўтказиш ва уни

бирор бир хатти-ҳаракат, фаолиятга ундаш мақсади учун хизмат қилади» (Сафаров 2008: 189).

Маълумки, тил воқеликни вербал ифода этишга хизмат қилувчи муҳим алоқа қуролидир. Шу билан бирга, тил ёрдамида инсон воқеликка ўз муносабатини ҳам ифода этади. Демак, тил воқеликда кечаётган ҳодисаларни номлаш билан бирга, нутқ эгасининг идрок этилган объектга бўлган муносабатини ҳам баён этишга хизмат қилувчи воситадир.

Тилда баҳо муносабатининг ифодаланиши муаммоси тилшуносларни қизиқтириб келаётган муаммолардан биридир. Бироқ тилшуносликда тил бирликларининг баҳо ифодаланиши хусусияти тўлиқ ўрганилган эмас.

Тилшуносликда баҳо муносабатининг субъектив, объектив – субъектив ҳамда субъектив-объектив турларини фарқланади<sup>1</sup>.

Баҳо муносабатини белгилашда нутқ эгасининг муайян воқеликка бўлган салбий ёки ижобий муносабати таҳлил этилади. Қўнғуровнинг қайд этишича, «сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқига ижобий ёки салбий муносабатининг ифодаланиши – субъектив баҳо ҳисобланади» (Қўнғуров 1980: 42).

Баҳолаш фаолиятида қуйидаги қисмлар ажратилади: субъект, предмет, баҳолаш хусусияти ва асоси (Ивин 1970: 21). Баъзи манбаларда кўрсатилишича, «баҳолаш ҳаракатининг юзага келишида субъект, объект, асос, эталон (намуна) ва баҳолаш белгисидан иборат беш унсурнинг мавжудлиги мажбурийдир. Баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоклашишига нисбат беради. Ниҳоят, барча «ўлчовлар» босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади. Баҳонинг юзага келиши ва баҳолаш ҳаракатининг фаоллашуви учун мантиқий асос талаб қилинади. Баҳолаш ҳаракатининг мантиқий асосида эмоция интенцияси ётади» (Сафаров 2008: 184-185).

Баҳолашни амалга оширувчи нутқ субъекти воқеликка муносабат билдиришда унинг энг муҳим сифатий белгисига эътиборини қаратади. Баҳолаш муносабати баҳо объектини ҳам тақозо этади. Баҳо объекти вазифасида воқеликдаги муайян нарса-предмет ёки ҳодиса-жараён кабилар келади.

Баҳо объекти кўпинча шахс ва ҳодисалар бўлиб, уларга баҳо берилганда инсон томонидан муҳим деб идрок этилган жиҳатига инобатга олинади. Баҳолаш шахсга нисбатан амалга ошганда дастлаб унинг шахс сифатидаги хусусиятлари назарга олинади.

Ўзбек тилида қатор тил бирликларининг субъектив баҳо ифодаланиши стилистик жиҳатдан чуқур ўрганилди. Бироқ бу масаланинг прагматик жиҳатини чуқур ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

---

<sup>1</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.162

**Ундов сўзларнинг баҳо муносабатини ифодалаш.** Маълумки, ундов сўзлар тил эгаларининг ҳиссий кечинмаларини, буйруқ-хитобларини ифодаловчи сўзлар гуруҳидир. Тил эгалари ҳиссий кечинмаларини ифодалаш жараёнида воқеликка нисбатан эмоционал баҳоларини ҳам билдирадilar. Бундай ҳолатда нутқий фаолият тил эгасининг коммуникатив мақсади ва истаги билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Нутқий фаолиятда ундов сўзларнинг нутқ эгалари мақсади ва истагини ифода этиши уларнинг лингвопрагматик тадқиқ объекти эканлигидан далолат беради.

Мулоқот муҳитида ундов сўзларнинг ранг-баранг прагматик вазифалари юзага чиқади. Ундов сўзлар нутқ эгасининг субъектив баҳо муносабатини ифодалаб келганда ҳам прагматик вазифа бажаради. Тилда модалликнинг ифодаланиши масаласига муносабат билдирган Е.Е. Корди ундов сўзлар ва турли луғавий бирликлар орқали ифодаланувчи эмоционал баҳони модалликнинг алоҳида тури сифатида ажратади.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, ундов сўзлар орқали ифодаланувчи эмоционал баҳо субъектив модаллик категориясига хос. Нутқ эгаси воқеликни тилга кўчирар экан, юзага келган ҳиссий кечинмаларини ифода этиш жараёнида ушбу воқеликка шахсий муносабатини ҳам билдиради. Натижада ифода этилаётган ахборотда субъектив муносабат шаклланади. Ундов сўзлар орқали ифодаланган бундай баҳо муносабати прагматик аспектга алоқадор ҳодисадир<sup>2</sup>.

Ўзбек тилида эмоционал ундов сўзлар орқали субъектив баҳо анча ёрқин акс этади. Бу турдаги ундовлар буйруқ-хитоб ундовларидан нутқ эгасининг руҳий ҳолати билан боғлиқ тарзда турли хилдаги ҳиссиётлари (қувончи, қайғуси, таажжуби, гумони, эътирози кабилар)ни ифода этиши жиҳатидан фарқланади. Эмоционал ундовларнинг ҳиссий кечинмаларни акс эттириш жараёнида баҳо муносабатини ҳам ифода этиши тил эгасининг эмоционал баҳо ифодасига бўлган эҳтиёжи ва мақсади билан боғлиқ кечади.

Маълумки, ҳар қандай субъектив баҳо салбий ёки ижобий характерда воқеланади. Тилшуносликда «сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқига ижобий ёки салбий муносабатининг ифодаланиши субъектив баҳо»<sup>3</sup> сифатида тавсифланади. Воқеликнинг нутқ эгаси нуқтаи назаридан ижобий деб қабул қилинган томонига муносабат билдирилганда субъектив баҳо ижобий тус олади, воқелик нутқ эгаси томонидан салбий ҳодиса сифатида идрок этилганда унга муносабат салбий характерда бўлади. Ш.Сафаровнинг фикрича, баҳолаш ҳаракатининг мантиқий асосида эмоция интенцияси ётади, баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади, ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки

<sup>1</sup> Е.Е. Корди. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. – Л.: Наука, 1988. – С.13.

<sup>2</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.168

<sup>3</sup> Р.Қўнғуров. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 42.

меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоклашишига нисбат беради, ниҳоят, барча «ўлчов»лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади.<sup>1</sup>

Ундов сўзлар ҳам воқелик нутқ эгаси томонидан идеал намуна сифатида баҳоланган вақтда ижобий муносабатни, меъёрдан узоклашган ҳолларда эса салбий баҳо муносабатини вербал ифодаловчиси сифатида прагматик вазифа бажаради. Бу ҳолат нутқ эгасининг руҳий ҳолати ҳамда воқеликни қандай идрок этиши кабиларга ҳам боғлиқ. Масалан, ўзбек тилидаги *оҳ* ундови ҳам салбий, ҳам ижобий баҳо муносабатини ифодалай олади. Қиёсланг:

– *Оҳ, отинг ҳам ўзингга ўхшааш чиройлик экан...* (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»)

*Оҳ, золим фалак!* (Аббос қўлидан олган ханжарга қараб) *У лаънати сизга тикқан шу ханжар тизин, Абдулатиф исми бунга ёзуглик экан!* (М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»)

Эътибор берилса, биринчи мисолда қўлланган *оҳ* ундови нутқ эгасининг кучли ҳиссиётини ифода этиш билан бир қаторда, ижобий баҳосини ҳам акс эттирган, кейинги мисолда эса бу ундов сўз нутқ эгасининг воқеликка нисбатан салбий муносабатини ифода этишга қаратилган. Салбий муносабат матнда қўлланган *лаънати* лексемаси орқали янада кучайган. *Оҳ* ундовининг ҳар икки нутқий қўлланишда турли прагматик маъноларни ҳосил қилиши тил эгасининг руҳий ҳолати ва коммуникатив мақсади билан боғлиқ.

Биринчи матндаги *оҳ* ундови нутқ эгасининг ижобий баҳоси, кейинги матнда эса салбий муносабатини ифодалаб келган.

Шуниси характерлики, ўзбек тилида ундов сўзлар орқали ҳосил қилинган баҳо муносабати, асосан, хусусий муносабат тарзида юзага чиқади. М.Ҳакимов матнда акс этган эмоционал муносабат ҳақида фикр юритар экан, қуйидагиларни баён қилади: «шахс нутқни ҳосил қилишда фақат унинг мавзуси билан қизиқиб қолмасдан, нутқ жараёнида ўз ҳис-туйғуларини ҳам билдиради. Нутқ жараёнидаги ҳис-туйғулари ва ички кечинмаси шахснинг хусусий муносабати сифатида шаклланади... Хусусий эмоционал муносабат, албатта, матн муаллифининг руҳий ҳолатидан келиб чиқади ва бевосита матн мазмунидан англашилиб туради».<sup>2</sup>

Ундов сўзлар орқали нутқ эгасига хос қандай хусусий муносабат ифода этилгани мулоқот муҳити, контекст асосида белгиланади. Бу масалага муносабат билдирган Д.Лутфуллаева, Л.Бобохоновлар қуйидагиларни ёзишади: «Ундов сўзларнинг нутқ субъектининг коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда прагматик мазмунни ҳосил қилишида муайян микроматн (минимал контекст) муҳим ўрин тутди. Чунки бундай контекст, ҳеч бўлмаганда, нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, мулоқот жараёни амалга оширилаётган замон ва макон, нутқ объекти, сўзловчининг воқеликка ҳамда ахборот мазмунига муносабати кабилар ҳақидаги энг кичик маълумотни ўзида жамлайди. Агар ундов сўзнинг прагматик маъноси сўзловчининг

<sup>1</sup> Ш.Сафаров. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энцикло-педияси. 2008. – Б. 184-185.

<sup>2</sup> Ш.Сафаров. Кўрсатилган рисола. – Б. 184-185.



коммуникатив нияти асосида шаклланса, бу каби минимал контекстга эҳтиёж туғилади. Агар нутқ иштирокчилари айна контекст билан боғланмасалар, ундов сўзнинг кўзда тутилган прагматик маъносини англаб етмайдилар». <sup>1</sup>

Маълум бўладики, ундов сўзнинг прагматик маъноси нутқ эгасининг коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда шаклланса, ундов сўз ифода этган прагматик мазмунга фақат контекст асосида аниқлик киритилади. Ш.Сафаров ҳам бу ҳақда фикр юритар экан, инглиз тилидаги айрим ундов гапларда акс этган эмоционал баҳони матнсиз белгилаб бўлмаслигини баён қилади: «Шу ўринда эмоционал баҳо бериш воситаси бўлган гапларнинг ҳақиқий мазмунини матнсиз аниқлаш қийин вазифа эканлигини эслатмоқчиман. Бинобарин, инглиз тилидаги *What a life that is!* ундовини интонациянинг ўзгариши ҳамда қайси вазиятда қўлланишига нисбатан «*Қандай яхши ҳаёт!*» ва «*Қандай ёмон ҳаёт!*» муқобиллигида таржима қилиш мумкин». <sup>2</sup>

Ундов сўзлар орқали ифодаланган баҳо муносабати нутқ эгасининг ҳиссий кечинмаси асосида, у орқали ҳосил бўлар экан, ахборотни қабул қилаётган тингловчи ҳам мавжуд ҳиссий кечинма ва у орқали баён қилинаётган эмоционал баҳони аниқ идрок этиши лозим бўлади. Агар ундов сўзлар орқали ифода этилаётган ҳиссий кечинма ва эмоционал баҳо тингловчи томонидан турли сабабларга кўра (тилни билмаслик, тил бирлигининг прагматик имкониятини ҳис қилмаслик кабилар) идрок қилинмаса, ундов сўзнинг мулоқот муҳитида юзага чиқаётган коммуникатив-прагматик вазифасига тўғри баҳо берилмайди.

Ундов сўзлар орқали ифодаланган эмоционал баҳо имплицит тарзда ифодаланган ҳолларда ҳам шу ҳолат кузатилиши мумкин. Эмоционал баҳо имплицит тус олган ҳолларда унга фақат контекст асосида аниқлик киритилади. Бундай вақтда ундов сўзлар матннинг имплицит бирлигига айланади. Қуйидаги микроматнга таҳлилига эътибор қаратамиз:

*Мен базм бўлаётган майдон орқали ўтмоқчи бўлиб, девор рахнасидан ошиб тушдим... Ўҳ-ҳў-ў-ў, майдон ичи кундузгидек ёруғ, дарахт шохларига чироглар осилган, ерларга ипак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта оқ самоварлар қўйилган, бир тарафда катта қозонлар қурилган, жаз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрта ерида юз чоғли ёш-қари кишилар қуршалиб ўлтириб, дутор, танбур, чилдирма, ногоралар чалиб базм қилар эдилар. (А.Қодирий. «Жинлар базми»)*

Ушбу матнда қўлланган ўҳ-ҳў-ў-ў ундов сўзи орқали нутқ эгасининг ҳайрати, таажжуби билан бирга, «*Бунақа майдонни умримда кўрмаганман*» тарзидаги имплицит хабари ҳам акс этади. Нутқ эгаси мавжуд воқеликни идрок этиш жараёнида юзага келган ҳиссиётини беихтиёр ифода этар экан, кўз олдида намоён бўлган ушбу воқеликка шахсий муносабатини ҳам изҳор этади, натижада узатилаётган ахборотда субъектив муносабат шаклланади.

<sup>1</sup> Д.Лутфуллаева, Л.Бобохонов. Ундов сўзларнинг прагматик хусусияти // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. - Тошкент: ТДПУ, 2010. - Б.106-108.

<sup>2</sup> Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011. P.176.

Хуллас, ўзбек тилидаги ундов сўзлар нутқда ўзига хос прагматик вазифалари билан қатнашади. Бу туркум сўзлар орқали нутқ эгасининг хусусий субъектив баҳоси ифода этилганда салбий ёки ижобий характердаги муносабат юзага чиқади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбек тилида қандай вазиятда лексик бирликлар прагматик вазифа бажара олиш хусусиятига ҳам эга бўлади?
2. Ўзбек тилидаги қайси морфологик бирликлар прагматик вазифа бажаради?
3. Қандай зарурият морфологик бирликларни прагматик йўналишда ҳам тадқиқ этиш лозимлиги кўрсатди?
4. Феълларнинг нутқий вазият талаби билан пресуппозицияни ифодалаш қай тарзда амалга ошади?
5. Феълларнинг гапда пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ички омилларга нималар киради?
6. Феълларнинг гапда пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ташқи омилларга нималар киради?
7. Ундов сўзлар қандай вазиятда прагматик вазифа бажаради?
8. Ундов сўзларнинг гапда прагматик мазмунни ҳосил қилишида микромаатн қандай роль ўйнайди?
9. Ундов сўзлар қандай вазиятда ишора объектини кўрсатади?
10. Тақлид сўзларнинг дейктик хусусияти деганда нимани тушунаси?
11. Юкламали синтактик ўрамларнинг қайси турлари орқали гапда мавжудликни билдирувчи пресуппозиция ифодаланади?
12. Ўзбек тилида қайси юкламали синтактик ўрамлар мавжудликни билдирувчи пресуппозицияни шакллантиради?
13. Ўзбек тилида қайси кўмакчилик ўрамлар мавжудликни билдирувчи пресуппозицияни шакллантиради?
14. Тилшуносликда баҳо муносабатининг қандай турлари фарқланади?
15. Баҳолаш фаолиятида қайси қисмлар ажратилади?
16. Ундов сўзларда баҳо муносабати қай тарзда акс этади?

### **Адабиётлар**

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008.
5. Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. - М.:Прогресс, 1978. - С. 337-369.

6. Лутфуллаева Д. *Ўрнига* кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48.
7. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 28-31.
8. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 42-45.
9. Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 2001. - №4. - Б. 56-57.
10. Раҳимов У. Тағмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2005. - № 5. - Б. 29-33.
11. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд. - 1994. - 23 б.
12. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент. 1994.
13. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: Прогресс, 1988. Вып. XX111. - С. 52-92.
14. Хоанг Фе. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XV1. - М., 1985. - С.310.
15. Ҳақимов М. Тағмаъно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2001. - № 1. - Б. 30-34.
16. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - 49 б.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

##### 1 - амалий машғулот

##### **Ўзбек тилида лингвокультурологик бирликларнинг ифодаланиши**

**Ишдан мақсад:** Ўзбек тилида миллий-маданий белгиларни намоён этувчи лингвомаданий бирликларни аниқлаш, лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишида тутган ўрнини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

##### **Ишни бажариш учун намуна.**

##### **Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Концепт ва тушунча терминларини фарқлаш (мунозара, суҳбат).
2. Лингвомаданий бирликларнинг матнда ифодаланишини аниқлаш (амалий машқ).
3. Ўхшатиш ва ибораларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш (лингвистик таҳлил).

#### ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ.** Берилган матнда қўлланган метафорик маъноли бирликнинг вазифасини аниқланг: *Мен ўзим ҳам шоҳлик занжиридан бутунлай озод*

*бўлишга интилмақдамен, жаноб Қосимбек. Бу занжирнинг бир учи тобе одамларга боғланган бўлса, унинг иккинчи учи шоҳнинг ўзига боғланур экан! Шу сабаб, тобеларни занжирдан бўшатмагунча подшоҳнинг ўзи ҳам занжирбанд бўлур экан. Мен энди мана шу табиат бағрида занжирсиз яшашга қасд қилдим. Шунинг учун сизга жавоб! Бошқа беку мулозиму навкарлар ҳам вақт-соати билан жавоб олурлар! (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар” романи)*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матнда қўлланган метафорик маъноли бирлик матн субъектини ташкил қилиши билан бирга унинг яхлитлигини таъминловчи восита вазифасини ҳам бажарган. Бундай бирлик матн занжиридаги халқаларни ўзаро бириктирувчи қисм вазифасини бажаради.

**2-машқ.** О.Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романидан олинган қуйидаги матнда ўхшатиш мазмунининг ифодаланишини аниқланг.

*“Бўй-баста келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, тол чивикдай нозик бу йигитчада ўз элининг ҳамма фазилатлари – мулойимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам. Беруний у билан бир лаҳза суҳбат қурса гўё Ҳиндистонга қайтиб боргандай, босиб ўтган йўлларию кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади. Шунда юрагининг бир бурдаси ўша улуг маконда қолганини, бу маконнинг заҳматкаш, мўмин-мулойим халқи эса худди ўз элдошларидай қадрдон бўлиб қолганини сезади”.*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу матнда ўхшатиш мазмуни фақат матн таркибидаги муайян гап семантикасидан англашилиб, бу мазкур гапдан аввал ёки кейин жойлашган жумлалар семантикасига таъсир этмайди. Матнни ташкил этган гаплар дейктик бирлик бўлган у олмоши орқали когерентликка эга бўлган, лекин матннинг биринчи жумласида қўлланган *тол чивикдай нозик йигит* ўхшатиш қурилмаси матннинг умумий семантикасига жиддий таъсир этмаган.

**3-машқ.** Ўхшатиш мазмуни ифодаланган қуйидаги матнда ёзувчи қандай коммуникатив стратегияни қўллаганлигини аниқланг: *Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббатнинг кўпинча натижасиз тугаши балки шундандир... (Ў.Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”)*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матн тузувчи матн референтини бирор нарсага ўхшатади, сўнг ўхшаётган нарсага хос белгиларни ифодалайди. Матн охирида эса мазкур белги натижасида содир бўлувчи воқеа-ҳодисани ифодаловчи пропозиция ифодаси келтирилади. Бу каби матнлар перцепцияси реципиентдан ўхшатишга асос бўлган белгиларни ҳам ўхшатилаётган, ҳам ўхшаётган референтга хос белги сифатида идрок этишни тақозо қилади.

**4-машқ.** Ўхшатиш мазмуни ифодаланган қуйидаги матнда ёзувчи қандай коммуникатив стратегияни қўллаганлигини аниқланг: *Ҳақгўй қоронғида чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшайди. Унинг чирोगи оламни мунаввар қилмаслиги мумкин. Бироқ дилларга далда беради, умид уйғотади... Ҳақгўй олис – яқиндан кўриниб туриши – шундан.*

*Афсуски, чироқ кўтарган одам кўп қоқилади...* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Келтирилган микромаъннинг биринчи жумласида қўлланган *чироқ* сўзи маъннинг кейинги жумлаларини мазмуний томондан боғловчи компонент вазифасини бажарган. Бунда маън тузувчи *чироқ* сўзи орқали *ҳақиқат* референтига ишора қилиб, 2- ва 3-жумлаларга имплицит ахборотни жойлаштирган.

#### **Назорат саволлари:**

1. Тилшуносликда *концепт* терминига қандай тавсиф берилади?
2. *Концепт* ва *тушунча* ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
3. *Концептуал майдон* тушунчаси нимани англатади?
4. Қандай бирликлар лингвомаданий бирликлар саналади?
5. Баъдий маънларда метафорик маъноли бирликлар қандай вазифа бажаради?
6. Тилшуносликда инсон ҳақидаги турғун ўхшатишлар қандай маъновий гуруҳларга таснифланган?
7. Ўхшатиш қурилмалари қандай компонентлардан ташкил топади?

#### **Адабиётлар**

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
5. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
6. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
7. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.
8. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.
9. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8.
10. Нишанов В.К. Феномен понимания: когнитивный анализ. – Фрунзе: Илим, 1990. – 228 с.
11. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.

## Интернет материаллари:

12. [http://www. Nbu.gov. ua/portal/Soc-Gum/Is 2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbu.gov.ua/portal/Soc-Gum/Is_2008-17/dorofeev/pdf.) Дороев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.

## 2- амалий машғулот

### Ўзбек тилидаги матнларда шахс рухий ҳолатининг ифодаланиши

**Ишдан мақсад:** Бадиий матндаги персонажлар рухий ҳолатини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

### Ишни бажариш учун намуна.

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Бадиий матнда асар персонажи рухий ҳолатининг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
2. Персонаж рухий ҳолатининг адиб нутқи орқали берилишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
3. Персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракати тасвирида рухий ҳолатнинг ифодаланишини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили)

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ.** Берилган матнда персонаж рухий ҳолатини ифодаловчи бирликни аниқланг.

*Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда туғилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-лим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Сөгинчнинг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда – бедор тунлар юрак дуқуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёғдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман... ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиши эҳтиёжи ортиб боради... (Х.Дўстмуҳаммад. “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси)*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Асар персонажининг рухий ҳолати унинг нутқидан англашилади.

**2-машқ.** Берилган матнда персонаж рухий ҳолати қандай акс этган?

*Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди. Табиб уни ўрнидан турғизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўқсиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:*

–Бўстонимнинг гули! Очилмай сўлган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари қўйдаи маъратиб, қари бувангни кимга таилаб кетмишсен, қўзичоғим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..

Мушдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Кушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суянганича гарангсиб турарди. (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Персонажнинг рухий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилган бўлиб, бунда муаллиф персонажнинг рухий ҳолатини бевосита баён қилган.

**2-машқ.** Берилган матнда персонаж рухий ҳолати қай тарзда тасвирланган?

Ўзининг мундан кейинги кўргуликларини фожиаълар водийсида кўрган кўрбоши бошлаб кишан калидини қутидор қўлига солди. Калидни бурар экан, унинг қўли **дир-дир қалтирамоқда эди**. Ҳомиднинг номаълум бир гарази йўлида қурбон қилинаётган ва бу гаразда ўзининг ҳам иштирокининг борлигига қойил бўлгон кўрбоши ишни бу янглиз аксланишидан сирнинг очилганини муқаррар билиб, ўзини шу соат жаллод қўлига топширилишини аниқ кутмакда эди. (А.Қодирий. “Ўткан кунлар” романи).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг рухий ҳолатига ишора қилади. Бу матнда сири очилиб қолишдан бениҳоя кўрқаётган кўрбошининг ҳолати қўли **дир-дир қалтирамоқда эди** бирикмаси воситасида кўрсатиб берилган.

**3-машқ.** Берилган матнда персонаж рухий ҳолатини тасвирлашда кўлланган турғун ўхшатишларни аниқланг.

*Ош-сувдан кейин кампир Саодатни ўчоқбоши юмишига юбориб, менга қараб кулди:*

*Саодатга бир яхши жойдан куяв чиқиб қолди. Кеча унашсак унашкудек ҳам бўлган эдик, бироқ сизнинг маслаҳатингизни олайин, деб совчиларни қайтардим. – демасинми, устимдан бир челақ совуқ сув қуйгандек энтикдим, қандай жавоб беришга тилим келмай қолди. Узоқ вақт кесақ каби ҳаракатсиз қолгач, куч орқасида тилимни базур шу сўзга ҳаракатлантирдим:*

*–Жойи яхши бўлса, ўйлаб кўриш керак...*

*...Чаён каби мени заҳарламакда бўлган кампирнинг тўғри сўзини эшитиб туришга ортиқ тўзалмадим-да, эртагача ўйлаб жавоб беришни айтиб кампирнинг олдидан чиқдим. Чиққач, оёғи куйган товукдек тўрт томонга югура бошладим. Эпақалик бир гап эсимга келмас эди. Ниҳоят, ақлимни бошимга йиғиб, сирримдан воқиф бир ошнамга кенгаш солдим... Лекин бутун туни билан кўзимга уйқу келмай, тиканга агнаган каби азобланар эдим ва сустлигим учун ўз-ўзимни сўкар эдим.*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Мазкур матнда уста Олимнинг севгилиси – Саодатдан айрилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб ўзини йўқотиб қўйиши матнда жуда таъсирли ифодаланган. А.Қодирий бундай рухий ҳолатни

тасвирлашда фақат турғун ўхшатишлардан фойдаланган ва бу ёзувчининг мақсадига тўла мувофиқ бўлган.

**4-машқ.** Қуйидаги матнда персонаж руҳий ҳолатни тасвирлашда қандай восита қўлланганлигини аниқланг.

*Куз тонги салқин ва хушхаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонги қировларнигина эритишга зўрга етади; субҳи-содиқданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажовузкор назар ташлайди, саҳар пайтлари эса кучи ва истехкомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сирғалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагингда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг отини сен ҳеч қачон тополмайсан, зотан, бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди.* (Н.Эшонкул. “Момоқўшиқ” киссаси)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилинган.

**5-машқ.** Беилган матнда психологик ҳолатларни ифодалашда қўлланган ассоциатив сўзларни аниқланг.

*Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан иргишлаб борар эди; бироқ гўристон кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни, белгисиз зулматни кўрганда юраги увушди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига раҳна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдида оппоқ кафанга ўралиб сағана ва гўрлар атрофида елиб юрган арвоҳлар келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди ўликдан кўрқмаслигини бировга тисанда қилаётгандай, бақариб: “Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жони йўқ!” – деб олға интилди. Шу югурганича чинор остидаги Онҳазратим сағанаси олдида тўхтади; чойнак билан қумғонни оёғи остига қўйди, паранжи-чимматини бир чеккага ташлади, ичида: “Кўпи кетиб ози қолди”, - деб суюнди.* (А.Қаҳҳор. “Даҳшат” ҳикояси).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матнда қўлланган гўристон, сағана, кафан, ўлик, гўр, зулмат, қоп-қора сўзлари ҳикоя персонажи – Унсиннинг юрагидаги бениҳоя кучли даҳшатни ифодалаш билан бирга, ўқувчида ҳам кўрқув ҳисларини пайдо қилади. Ўқувчи гўёки Унсин билан бирга “қоп-қора чинор остида оқаришиб турган сағаналарни, белгисиз зулматни” кўргандек “юраги увушади”.

### Назорат саволлари:

1. Психоллингвистикада инсон эмоцияси қандай турларга бўлиб ўрганилади?
2. В.П.Белянин қанда эмоция турларини ажратади?



3. Бадиий асарларда ҳиссиёт ифодаси қандай воситалар орқали ифода этилади?
4. Инсон руҳий ҳолатини ифодалашда ўхшатишлар қандай ўрин татади?
5. Табиат тасвири орқали инсон руҳий ҳолатига ишора қилиш мумкинми?
6. Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган матнлар синтактик-шаклий жиҳатдан қандай тузилади?
7. Оҳанг инсоннинг аффектив ҳолатини тасвирлашда қандай ўрин тутади?
8. Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар қандай вазифа бажарпади?

### **Адабиётлар**

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
5. Белянин В.П. Основы психоллингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 314 с.
6. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
7. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
8. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.

### **Интернет материаллари:**

9. [http://www. Nbuu. Gov. ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.:](http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/ls%202008-17/dorofeev/pdf.) Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.
10. [http://www.philology / ru/ linguistics 2 / narhimova 07 htm.:](http://www.philology.ru/linguistics2/narhimova07.htm) Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации.

### **3- амалий машғулот**

#### **Метафораларнинг матн яратилишидаги роли**

**Ишдан мақсад:** Ўзбек тилидаги метафорик маъноли (мазмунли) бирликларнинг матн таркибида тушунча, вазият, вазиятлар ифодаси сифатида воқеланишини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Когнитив (концептуал) ва лингвистик метафора терминларининг моҳиятини белгилаш (мунозара, суҳбат).
2. Сўз-метафораларнинг психолингвистик ва когнитив жиҳатларини аниқлаш (лингвистик таҳлил).
3. Сўз бирикмаси шаклидаги метафораларнинг матн яратишдаги аҳамиятини белгилаш (бадий матн таҳлили).
4. Гап шаклидаги метафораларнинг хусусиятларини аниқлаш (бадий матн таҳлили).

### **ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ**

**1-машқ.** Берилган матндан сўз-метафораларни аниқланг.

У бирдан *ёпирилиб келган бу туйғуни зўрға енгиб, саройбонга “дарвозани қоқ”, деб имо қилди* (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи). У бир дақиқагина иккиланди, кўнглидаги галаён билан бир сониягина *олишди* (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси” романи). Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри *золиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди*. (П.Турсун. “Ўқитувчи” романи)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матнда метафорик маънода қўлланган сўзлар матн яратувчининг ҳиссиётни рақиб сифатида тасаввур қилганлигидан далолат беради. Яъни: **ҲИССИЁТ БУ – РАҚИБ.**

**2-машқ.** Берилган матндан сўз бирикмаси шаклидаги метафораларни аниқланг.

“... Сен нега мени бу хилватга, бу зулматга ташлаб кетдинг? Нега қалбимдаги *имон чироқларини ўчирдинг?* Ахир сендан буни кутмагандим-ку? Мана шу кичкина кўримсиз юрагимда *муҳаббатинг кемалари* сузиб юрарди-ку? Сен нега мени *ёлғизликнинг йиртқич қузғунларига ташлаб кетдинг?* ... Нега мени *умидсизликнинг оқ айиқларига* ем қилиб ташлаб кетдинг?

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матнда қўлланган *имон чироқлари, ёлғизликнинг йиртқич қузғунлари, умидсизликнинг оқ айиқлари* сўз бирикмаси шаклидаги метафоралардир. Бу тарздаги бирикмалар асосан нутқий характерда бўлиб, боғли маъно асосида юзага келади. Матн тузувчи улардан мавҳум тушунчаларни предметлаштириш, жонлантириш, тасвирий ифодани юзага келтириш мақсадида фойдаланад.

**3-машқ.** Матндан гап шаклидаги метафораларни аниқланг.

Руҳидаги *карахтлик тарқаб кетган, олам кўзига болаликдагидай жозибали кўринар, дилида сўниб қолган чироқлар парпираб ёниб кетган, истиқболга ишонч, яхши ишлар қилиш иштиёқи яна уйғонган эди* (П.Қодиров. “Ҳумоюн ва Акбар” романи).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу матнда нутқий характерга эга бўлган метафорик мазмунли гап: *дилида сўниб қолган чироқлар парпираб ёниб кетган.*

**4-машқ.** Матндан метафорик маънога эга бўлган гапнинг субъекти, объекти ёки предикатини аниқланг.

*Эр-хотин нонушта қилиб ўтирганларида Аҳмад Танбал билан Али Дўстбекнинг ўргимчак тўрлари яна унинг хаёлини чирмаб олди.* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар” романи) *Ҳаётимда гўё шундай бир қутб борки, унга барча амирлару элчилар, чопқинлару урушларо тўпланмишидир. Бу қутбда мен совуққонликка ўрганмишимен, чунки сиёсат бобида одамларга худди шатранж тахтаси устидаги пиёдаю сипоҳийларга қилган шафқатсиз муомалани қилмасанг, уларни ақлу фаросат, ҳисобу китоб билан идора этмасанг, муродга етолмассен. Аммо бу шафқатсиз сиёсатнинг совуқ изгиринидан ўзим тўнгиб кетурмен.* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар” романи)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу матнда гапнинг субъекти, объекти ва предикатини англатувчи қуйидаги метафорик мазмунли birlikлар қўлланган: *Аҳмад Танбал билан Али Дўстбекнинг ўргимчак тўрлари яна унинг хаёлини чирмаб олди, совуқ изгиринидан ўзим тўнгиб кетурмен.*

#### Назорат саволлари:

1. Бадиий матнда қўлланган бадиий метафоралар қандай вазифа бажаради?
2. Метафоралар қандай турларга бўлиб ўрганилади?
3. Н.Д.Арутюнова “Метафорада ёлғон ва ҳақиқат ўзаро бирлашади” деганда нимани назарда тутаяди?
4. Метафоралар матн яратилишида қандай ўрин тутаяди?
5. Сўз шаклидаги метафоралар қандай лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларга эга бўлади?
6. Сўз бирикмаси шаклида воқеланган метафоралар қандай хусусиятларга эга?
7. Бирикма-метафоралар матн таркибида қандай вазифа бажаради?
8. Гап шаклидаги метафоралар бадиий матнда қандайқанда вазифа бажаради?
9. Қандай ҳолларда гап тўлиғича метафорик мазмун касб этади?
10. Матн – метафораларда қандай ҳажмли мазмун ифодаланади?

#### Адабиётлар

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einföhrung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
5. Ёўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.

6. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.

7. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.

8. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.

9. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.

10. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8.

11. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.

#### **4- амалий машғулот**

#### **Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни**

**Ишдан мақсад:** Ўзбек тилидаги прецедент бирликлар ва прецедент шаклларнинг қўлланишига хос хусусиятларни таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

#### **Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Прецедент бирликларнинг моҳияти (мунозара, суҳбат).
2. Прецедент номларнинг лингвомаданий хусусияти (бадий матн таҳлили).
3. Прецедент жумлалар ва уларнинг бадий матнда қўлланиши (бадий матн таҳлили).
4. Прецедент матнларнинг лингвомаданий хусусияти (бадий матн таҳлили).

#### **ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ**

**1-машқ.** Берилган матнда қайси прецедент номга ишора мавжудлигини аниқланг.

*Асар, айниқса катта полатно яратаётган адиб нотаниш оролга бориб қолган сайёҳга ўхшайди. Рўнарасидаги бир варақ оқ қоғоз – нотаниш орол. Бу оролга у Робинзон Крузога ўхшаб, адашиб эмас, ўз ихтиёри билан боради. У оролни обод қилади, боғ-бўстон яратади... Энг муҳими, ёзувчи нотаниш оролда аҳоли яратади. Яъни асар қаҳрамонларига жон ато этади. Зеро, ижод дегани йўқ жойдан бор қилиши демакдир... (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”).*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Матнда Д.Дефонинг “Робинзон Крузо” асаридаги Робинзоннинг нотаниш оролга бориб қолиш воқеасига ишора бор.

**2-машқ.** Берилган матнда прецедент ном бажарган вазифани аниқланг.

*Дарвоқе, даставвал бу ерларда Ёрмат пайдо бўлди. (Аслида унинг исми бошқа; маҳаллага ихтиёрий равишда кайвони бўлиб олган Саиджалол “Акахоннинг гумаштаси, ишбоши” деганидан кейин, “Қутлуг қон”даги бойнинг гумаштаси хаёлига келиб, домла уни ўзича Ёрмат деб атай бошлади.) Бўйи Обид Асомдан сал тикроғу, ваҳима-сиёсати уникидан ўн чандон зўр. Акахоннинг ўзи шу орада ё икки, ё уч марта кўринди, холос – ҳамма ишни мана шу шоввоз битирди! Қўлида “сотка”, тагида “Дамас”, бир зум тинмайди. Кечаю кундуз йигирма-ўттизлаб мардикору ҳар рақам уста, ваҳимали бўкиргувчи “МАЗ”у “КРАЗ”ларга шу биргина жон – бош! Ёқа ушламай, офарин демай иложингиз йўқ. (Эркин Аъзам. “Ёзувчи” хикояси).*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу матнда прецедент ном турли прагматик мақсадларда қўлланган. Унинг яна шундай вазифаси борки, бу – микроматн субъекти сифатида матн яратилишида иштирок этишидир.

**3-машқ.** Муайян миллат вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлган прецедент номларни аниқланг.

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Наполеон, Колумб, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо, Жеки Чан, жаноб Бин.

**4-машқ.** Берилган матнда қандай прецедент жумла қўлланганлигини аниқланг: *Умрида бировга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини оғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.*

*Одатдаги савол ўртага тушибди.*

*–Фалончи қандай одам эди?*

*Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тагин такрорланибди:*

*–Биродарлар, фалончи қанақа одам эди?*

*Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.*

*–Ҳамма тишлари бутун эди, - дебди... Ўзбекнинг галати донишмандлиги бор (Ў.Ҳошимов. “Таомил”).*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ўзбекларда дафндан сўнг “*Марҳум қандай одам эди?*” деб сўраш одат тусига кирган. Матнда “*Яхши одам эди*” жумласи ўрнида қўлланган *Ҳамма тишлари бутун эди* жумласи орқали Ў.Ҳошимов ўзбек халқи менталитетининг бир қиррасини очиб бера олган, ушбу прецедент жумла асосида мазкур матнни яратган.

### **Назорат саволлари:**

1. *Прецедент* термини тилшуносликда илк бор қайси тилшунос томонидан илмий муомалага киритилган?
2. Тилшуносликда қандай бирликлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади?
3. Прецедентлик ва интертекстуаллик қандай умумий белгиларга эга?

4. Прецедент бирликлар қандай турларга бўлинади?
5. Прецедент номлар бадий асарда қандай прагматик мақсадларда қўлланади?
6. Прецедент жумлаларга қандай бирликлар мансуб?
7. Прецедент матнлар қандай вазифа бажаради?

### Адабиётлар

1. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1987. – 311 с.
2. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
3. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.
4. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220.
5. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.
6. Нишанов В.К. Феномен понимания: когнитивный анализ. – Фрунзе: Илим, 1990. – 228 с.
15. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
16. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.

### 5 – амалий машғулот

#### Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик таҳлил қилиш

**Ишдан мақсад:** Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

#### **Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Ассоциатив тажриба методининг амалий аҳамиятини таҳлил қилиш (мунозара, суҳбат).
2. Ассоциатив тажриба натижаларининг статистик таҳлилинини амалга ошириш (амалий машқ).
3. Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик таҳлил қилиш.

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

### *Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонини лингвистик таҳлил қилиш НАМУНА

*Мактаб* лексемасининг ассоциатив майдони: ўқув даргоҳи, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, таълим-тарбия маскани, таълим муассасаси, билим ўчоги, билимлар уйи, илм гулишани, маданият ўчоги; савод ўргатиш, савод чиқариш, маълумотли бўлиш, маълумот олиш, ўқимоқ, ўқитмоқ, бола ўқитиш, тарбия бериш, одоб-ахлоқ ўргатиш; ўқувчилар, мактаб ўқувчилари; ўқитувчи, устоз, севимли устозим, муаллим, муаллима, биринчи муаллим; қўнғироқ, звонок, биринчи қўнғироқ, сўнғги қўнғироқ; билим, илм, маълумот; мактаб идораси, мактаб биноси; мактаб жамоаси, коллектив; бошланғич мактаб, мактаб-боғча, **интернат**, мактаб-интернат; ҳунар мактаби, касб-ҳунар мактаби, Тошкент хореография мактаби, мусиқа мактаби, рақс мактаби, шофёрлик мактаби; диний мактаб; махсус мактаб, хусусий мактаб; шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби; ўрта мактаб, олий мактаб; қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби; **ўзбекча**, **русча**, **қозоқча**, қирғиз мактаби; **ўн бир йиллик**, **саккиз йиллик**, ўн йиллик мактаб; коллеж, лицей; **замонавий**, **янги**, **эски**; ўрта таълим, махсус таълим; ўқув юрти, олий ўқув юрти; институт, университет; мутахассислик, юқори синф, қуйи синф; 236-мактаб, 109-мактаб, 10-мактаб; мактаб яратиш, Ойбек номли мактаб; Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби, тилишунослик мактаби; тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби; мактаб раҳбари, директор, завуч, домла, мактабдор; мактабдорлик, ўқитувчилик; мактабдош қизлар, мактабдош дўсти; мактаб оиҳонаси, бино, ёруғ хоналар; кутубхона, директор хонаси, ўқитувчилар хонаси, мактаб ҳовлиси, мактаб боғи, синф, синфхона, каридор; парта, доска, ёзув столи; дарс, машғулот; она тили, адабиёт, тарих, математика, физика, химия, биология, ботаника, география, физкультура, меҳнат дарси, чизмачилик, инглиз тили, немис тили; дарсга тайёргарлик, уй вазифаси; ёзув-чизув; танаффус, катта танаффус; ўқув қуроллари, китоб, ўқиш китоби, дарслик, дафтар, бўёқ, ручка, қалам, чизғич, расм дафтари, кундалик дафтар; мактаб формаси, мактаб кийими, галстук, қизил галстук; пионер, октябрят, комсомол, комсорг; йигилиш, ота-оналар мажлиси; битирувчи, қиз болалар, ўғил болалар, синфдош болалар, синфдош, синфдош дўстим, синфдош қизлар, дугона, ўртоқ; мактабимиз фаҳри, олтин медаль, қизил диплом, фахрий ёрлиқ, ташаккурнома; тадбир, битирув кечаси, мусобақа; ёзди-ёзди, қозғозбозлик; тиним билмаслик; болалар шовқини, шовқин-сурон; синфдан синфга кўчиш, мактабни тамомлаган, **битириш**; мактабдан қочиб, мактабдан ҳайдалиш; мактабдан безор, **жонгга теккан**, мактаб ташвиши; ташвишсиз кунлар; **жонажон**, **азиз**, **севимли**, севимли мактабим; ёшлик, ёшлик даврим; мактаб йилларим; **учрашув жойи**, илк муҳаббат.

**I. Мактаб** лексемасининг лексик-семантик белгиси. **Мактаб** лексемасининг луғавий маъноси. «Ўзбек тили изоҳли луғати»да мактаб лексемасининг қуйидаги маънолари берилган: *1* Ўқитувчи раҳбарлигида ёш

авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. 2 Касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти. 3 Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. 4 Ўрганиш, тажриба орттириш, ўртак олиш манбаи.<sup>1</sup> Бу маънолар мактаб лексемасининг қуйидаги ассоциацияларида реаллашиши аниқланди:

1. Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси: ўқув даргоҳи, ўқув маскани, ўқув юрти, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, билим маскани, ўқиш жойи, билим ўчоғи, билимлар уйи, бошланғич мактаб, саккиз йиллик мактаб, ўн йиллик мактаб, ўн бир йиллик мактаб, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, ўрта мактаб, интернат, мактаб-интернат.

2. Касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти: касб-ҳунар мактаби, муסיқа мактаби, рақс мактаби, махсус мактаб, хусусий мактаб, махсус таълим, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, муסיқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, коллеж, лицей, махсус мактаб.

3. Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш: мактаб яратиш, тилишунослик мактаби, ёш қаламкашлар мактаби, Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби.

4. Ўрганиш, тажриба орттириш, ўртак олиш манбаи: тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби.

**Мактаб лексемасининг семантик компонентлари:** Мактаб лексемасининг бош маъноси савод ўргатиш, маълумотли қилиш, таълим-тарбия муассасаси семантик компонентларига эга. Савод ўргатиш, маълумотли қилиш семалари қуйидаги ассоциацияларда юзага чиқади: савод ўргатиш, савод чиқариш, маълумотли бўлиш, маълумот олиш, ўқитмоқ, бола ўқитиш; таълим-тарбия муассасаси семантик компоненти эса қуйидаги ассоциациялар орқали реаллашади: ўқув даргоҳи, ўқув юрти, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, билим ўчоғи, билимлар уйи, бошланғич мактаб, интернат, мактаб-интернат, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби; махсус мактаб, хусусий мактаб, ўрта мактаб, қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби; ўзбекча, русча, қозоқча, қирғиз мактаби; ўн бир йиллик, саккиз йиллик, ўн йиллик мактаб; коллеж, лицей; замонавий, янги, эски кабилар.

**Мактаб лексемасининг кўчма маънолари.** Мактаб лексемаси мактаб яратиш, ҳаёт мактаби, тажриба мактаби, синов мактаби, Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби бирикмалари таркибида кўчма маънода қўлланган. Ушбу бирикувларнинг барчасида мактаб лексемасида метонимик маъно кўчиши юз берган.

Мактаб лексемаси ассоциацияларида ҳам кўчма маъноли birlikлар учрайди. Жумладан, ассоциация майдонидан ўрин олган билим ўчоғи, таълим-тарбия ўчоғи, билимлар уйи бирикувлари таркибий қисмларининг (ўчоғи, уйи) метафорик маънода қўлланиши асосида ҳосил бўлган.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 мингдан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. Е-М. (Т.Мирзаев ва бошқ.) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - Б.532.



**Мактаб** лексемасининг парадигматик қаторлари. Мактаб лексемасининг парадигматик қаторларида от (*парта, доска, синфхона, кутубхона, оишона, устоз, ўқувчи* ва ҳоказо), сифат (*жонажон, азиз, севимли, замонавий, эски, русча, ўзбекча*), сон (236, 109, 10), феъл (*тамомлаган, битириш, ўқийди, ўргатиш, таълим бериш, савод чиқариш, маълумотли бўлиш, маълумот олиш, ўқимоқ, ўқитмоқ, бола ўқитиш, тарбия бериш*) туркумига оид сўзлар, кўп миқдордаги сўз бирикмалари (*биринчи муаллим, биринчи қўнғироқ, сўнгги қўнғироқ, бошланғич мактаб, катта танаффус, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, махсус мактаб, хусусий мактаб, диний мактаб, мактабдош қизлар, мактабдош дўсти, ўқитувчилар хонаси, илк муҳаббат* ва ҳоказо), кам миқдордаги иборалар (*жонгга теккан*), гап тузилишидаги синтаксемалар (*мактабни битирган, мактабни тамомлаган, мактабдан ҳайдалган*) қайд этилди.

Синонимик муносабат қуйидаги ассоциацияларда кузатилади: *ўқув даргоҳи, таълим муассасаси, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим ўчоғи, билим маскани, таълим-тарбия маскани; мактаб формаси, мактаб кийими.*

**Мактаб** лексемаси билан боғлиқ антонимик ассоциациялар кузатилмади.

Қуйидаги жуфтликларда **мактаб** лексемасининг партонимик муносабати кузатилди: *мактаб – парта, мактаб – доска, мактаб – синфхона, мактаб – кутубхона, мактаб – оишона, мактаб – ўқитувчилар хонаси.*

**Мактаб** лексемаси ассоциациялари қуйидаги уядошлик қаторларига бирлашди: *мактаб турлари – касб-хунар мактаби, муסיқа мактаби, рақс мактаби, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, диний мактаб, ўн бир йиллик, саккиз йиллик, ўн йиллик мактаб, мактаб-интернат; мактаб жиҳозлари – парта, ёзув столи, доска, ёзув тахтаси; ўқув қуроллари – китоб, дафтар, ручка, қалам, чизгич, расм дафтар; фанлар – она тили, адабиёт, тарих, математика, чизмачилик, физика, химия, биология, ботаника, география, физкультура, меҳнат дарси.*

**II. Мактаб** лексемасининг лексик-грамматик белгиси. Ассоциатив тажриба асосида **мактаб** лексемасининг қуйидаги морфологик шакллардаги ассоциациялари қайд этилди: *мактабим, мактаби, мактабни, мактабда, мактабимиз.*

**Мактаб** лексемаси вербал ассоциацияларига хос характерли жиҳат шуки, унда кўплаб ассоциатив сўз бирикмалари кузатилди, гап тузилишидаги ассоциациялар нисбатан кам учради.

**Мактаб** лексемаси бевосита қуйидаги ассоциатлар билан синтагматик муносабатга киришади: *ўқув даргоҳи, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, таълим-тарбия маскани, таълим муассасаси, билим ўчоғи, билимлар уйи, илм гулиани, маданият ўчоғи; интернат, ўзбекча, русча, қозоқча, ўн бир йиллик, саккиз йиллик, замонавий, янги, эски, битириш, жонгга теккан, жонажон, азиз, севимли, учрашув жойи.*

**Мактаб** лексемаси ассоциатив майдонида қуйидаги нутқий синтагматик боғланишлар кузатилди: *жонажон мактабим, 236-мактаб, 109-мактаб, 10-*

*мактаб, мактаб ўқувчилари, ҳаёт мактаби, тилшунослик мактаби, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, мактаб яратиш, лицейда ўқиш, мактабни тамомлаш, мактабни битирган, матабдан ҳайдалиш кабилар.*

Ассоциатив майдондаги шаклий синтагматик муносабат кўринишлари: 1) тенг муносабат: *мактаб-боғча, мактаб-интернат*; 2) тобе муносабат кўринишлари: а) бошқарув: *дарсга тайёргарлик, мактабни тамомлаш, мактабдан ҳайдалиш*; б) мослашув: *ўқитувчилар хонаси, директор хонаси, мактаб кутубхонаси, мактабимиз фахри*; в) битишув: *биринчи муаллим, биринчи қўнғироқ, сўнги қўнғироқ, бошлангич мактаб, хусусий мактаб, диний мактаб, ўғил болалар, ўн йиллик мактаб, севимли устозим, битирув кечаси.*

Мазмуний синтагматик муносабат кўринишлари: а) предикатив муносабат: *мактабни тамомлаган, мактабдан ҳайдалган*; б) атрибутив муносабат: *ҳаёт мактаби, мусиқа мактаби, махсус мактаб, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, жонажон мактаб, севимли мактаб*; в) релятив муносабат: *синфдан синфга кўчиш, мактабдан қочиш*; г) объектли муносабат: *мактабдан безор.*

**III. Мактаб лексемасининг деривацион хусусияти.** Ассоциатив тажриба асосида *мактаб* лексемаси асосида ясалган қуйидаги лексик ассоциациялар аниқланди: *мактабдош, мактабхона* (архаик), *мактабдор* (архаик), *мактабдорлик* (архаик).

**IV. Мактаб лексемасининг акустик белгиси.** *Мактаб* лексемаси вербал ассоциацияларида *мактаб* лексемасига талаффузда ҳамоҳанг бўлган лексик бирликлар кузатилмади.

**V. Мактаб лексемасининг услубий белгиси.** *Мактаб* лексемаси ассоциацияларида услубий хосланган қуйидаги ассоциатлар аниқланди: а) бадий услуб – *илм гулшани*; б) сўзлашув услуби – *мактабдан безор, жонгга теккан*; в) илмий услуб – *математика, физика, химия, биология, ботаника, география*; г) публицистик услуб – *ўқув даргоҳи, ўқув маскани, билим ўчоғи, билим маскани, маданият ўчоғи, билимлар уйи, тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби, мактаб яратиш.*

**VI. Мактаб лексемасининг прагматик белгиси. Коннотацион хусусияти.** *Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонидан ўрин олган *ҳаёт мактаби, илм гулшани, билим ўчоғи, таълим-тарбия ўчоғи, билимлар уйи* метафорик қўлланишлари орқали коннотатив маъно ҳосил қилинган.

**Баҳо муносабатининг ифодаланиши.** *Мактаб* лексемаси вербал ассоциацияларида тил эгаларининг мактаб ва мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юз берган воқеликларга нисбатан салбий ва ижобий муносабатлари ҳам акс этган. *Мактаб* қуйидаги ассоциацияларда инсон ҳаётидаги қўнғилли воқеалар ифодаси сифатида акс этиши кузатилди: *олтин медаль, қизил диплом, фахрий ёрлик, ташаккурнома, голиблик, биринчи қўнғироқ, сўнги қўнғироқ, илк муҳаббат. Жонажон мактаб, азиз мактабим, севимли устозим* ассоциацияларида тил эгаларининг ижобий муносабати ёрқин акс этади.

Инсонда мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юз берган кўнгилсиз воқеалар куйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топди: *асаббузарлик, қозғозбозлик, ёзди-ёзди, тиним билмаслик, болалар шовқини. Мактабдан безор, мактабдан қочиш, жонгга теккан, мактаб ташвиши* ассоциацияларида тил эгасининг салбий муносабати ўз ифодасини топади.

**VII. Мактаб лексемасининг гендер белгиси.** *Мактаб* лексемасининг куйидаги ассоциациялари гендер белгисига кўра фарқланади: *қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби, синфдош болалар, синфдош қизлар, муаллим, муаллима.*

**VIII. Мактаб лексемасининг миллий-маданийлик белгиси.** *Мактаб* лексемасининг куйидаги ассоциацияларида миллийлик белгиси юзага чиқади: *ўзбекча (мактаб), русча (мактаб), қозоқча (мактаб), қирғиз мактаби.*

**IX. Мактаб лексемасининг ижтимоийлик белгиси.** *Мактаб* лексемаси билан боғлиқ ассоциацияларнинг ижтимоийлик белгиси куйидаги жуфтликларда яққол кўзга ташланади: *ўқитувчи – ўқувчи, директор – завуч, синф раҳбари – ўқувчи.*

**X. Мактаб лексемасининг ассоциатив майдони.** *Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонининг асосини қўлланиш доираси кенг, фаол сўз ва сўз бирикмалари ташкил этди. Бироқ ассоциатив майдон таркибида эскирган сўз ва бирикмалар, айрим паремиялар, прецедент номлар ҳам кузатилди. Масалан, *комсомол, комсорг, пионер, октябрий, галстук* кабилар эскирган катламга оид бўлиб, совет даври мактабларида таълим олган кишиларда ҳосил бўлади.

*Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонида куйидаги прецедент бирликлар кузатилди: а) прецедент номлар: а) *Ойбек номли мактаб, Ойбек мактаби, А.Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби*; б) прецедент жумлалар: *Мактаб – таълим-тарбия маскани.*

**XI. Ассоциатларнинг қўлланиш частотаси.** *Мактаб* лексемаси ассоциатларининг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, синалувчиларнинг барчасида *мактаб* лексемаси, аввало, ўқувчиларга савод ўргатиш, билим ва тарбия берувчи таълим маскани сифатида тасаввур ҳосил қилади. *Мактаб* ўқувчилари учун *мактаб* лексемаси билим олиш масканидан ташқари дўстлар билан учрашув, дийдорлашув жойи сифатида тасаввур уйғотади. Шу сабабли бу ёшдаги ўқувчиларда *синфдош дўстим, дугона, ўртоқ, дўстларим, учрашув жойи* ассоциациялари кузатилди. Катта ёшдаги тил эгаларида *мактаб* лексемасининг ёшлик даври билан боғлиқ экстралингвистик ассоциацияларни уйғотиши қайд этилди. Масалан: *ёшлигим, ёшлик даврим, мактаб йилларим, илк муҳаббат.*

### Назорат саволлари:

1. Ассоциатив тажриба методи нима мақсадда ўтказилади?
2. Ассоциатив тажриба методи қайси фанлар доирасида қўлланади?
3. Ассоциатив тажриба методи қандай босқичларда олиб борилади?

4. Ассоциатив тажриба методи натижаларининг лингвистик таҳлилида нималарга эътибор қаратилади ?
5. Ассоциатив тажриба методи натижаларининг статистик таҳлилида қандай вазифалар амалга оширилади?
6. *Ассоциатив майдон ядроси ва чегараси* деганда нима тушунилади?

### Адабиётлар

1. English Associative Thesaurus [Электронный ресурс]. URL: <http://www.thesaurus.ru/dict/dict.php>.
2. The Associative Thesaurus of English (ATHAЯ) (Ed.: Kiss, G., Armstrong C., Milroy, R.) Univ. Of Edinb., 1972.
3. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. –Б.64.
4. Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындағы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. -№1. -С. 19.
5. Дмитрюк Н.В. Казахско-русский ассоциативный словарь. Шымкент - М., 1998. - 245 с.
6. Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, – Б. 98.
7. Русский ассоциативный словарь. В 2 т. Т. I. От стимула к реакции: Ок. 7000 стимулов / Ю.Н. Караулов и др. - М.: АСТ-Астрель, 2002. -784 с.
8. Слобин Д., Грин Дж.. Психолингвистика. – М., 1976. – С.141.
9. Худойберганова Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.

### 6 – амалий машғулот

#### Лексик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари.

**Ишдан мақсад:** Ўзбек тилидаги прагматик маъно ифодаловчи лексик бирликларни ажрата билиш, бундай лексик бирликларнинг прагматик маъноларини таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

**Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Лексик бирликлар пресуппозициясини белгилаш (мунозара, суҳбат).
2. Лексик бирликларда баҳо муносабатининг ифодаланишини аниқлаш (лингвистик таҳлил).
3. Лексик бирликлар коннотациясини аниқлаш (лингвистик таҳлил).

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1. Берилган гапларда акс этган пресуппозицияни аниқланг: *Иш кўпайди. Ҳаво совуди. Қайси она фарзандини ҳалокатга йўлиқшини истайди?*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** “Иш камайди” гапида акс этган пресуппозицияни аниқлаш учун *камаймоқ* феълнинг прагматик хусусияти текширилади. *Камаймоқ* феъли ҳаракат амалга ошгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатга ишора қилиш хусусиятига эга. Феълнинг мазкур хусусияти асосида гапда “*Иш кўп эди*” пресуппозицияси англашилади.

Топшириқда берилган қолган синтактик қурилмалар ҳам шу зайдда таҳлил этилади.

2. Берилган гаплардан субъектив муносабат ифодаловчи гаплар парадигмасини ҳосил қилинг: *Ҳаво совуқ. Далада йиғим-терим ишлари авжсида.*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** “*Ҳаво совуқ*” гапининг субъектив муносабат ифодаловчи парадигмаларини қуйидагича белгилаш мумкин: *Ҳаво жуда сову-уқ. Ҳаво совуқроқми-ей.* .

### Назорат саволлари:

1. *Пресуппозиция* тушунчаси нимани англатади?
2. Лингвистик ва мантикий пресуппозиция қандай фарқланади?
3. Ўзбек тилида лексик бирликлар қандай вазиятда пресуппозицияни ифодалашга хосланади?
4. Пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар қўлланган гаплар семантик жиҳатдан қандай тузилишга эга бўлади?
5. Ўзбек тилида пресуппозицияни ифодаловчи лексик бирликларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Ўзбек тилида баҳо муносабати қандай тил воситалари ёрдамида ифодаланади?
7. *Коннотация* тушунчаси нимани англатади?
8. Қандай лексик бирликлар коннотатив маънога эга бўлади?

### Адабиётлар

1. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008.
2. Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. - М.:Прогресс, 1978. - С. 337-369.
3. Лутфуллаева Д. *Ўрнига* кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48.
4. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 28-31.

5. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 42-45.
6. Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 2001. - №4. - Б. 56-57.
7. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд. - 1994. - 23 б.
8. Раҳимов У. Тагмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2005. - № 5. - Б. 29-33.
9. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент. 1994.
10. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. - М.: Прогресс, 1988. Вып. XX111. - С. 52-92.
11. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - 49 б.
12. Ҳақимов М. Тагмаъно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2001. - № 1. - Б. 30-34.

## 7 – амалий машғулот

### Морфологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари

**Ишдан мақсад:** Ўзбек тилидаги прагматик маъно ифодаловчи морфологик бирликларни ажрата билиш ва таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

**Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Морфологик бирликлар пресуппозициясини белгилаш (мунозара, суҳбат).
2. Мустақил сўзлар прагматикасини таҳлил қилиш (лингвистик таҳлил).
3. Ёрдамчи сўзларнинг прагматик таҳлили устида ишлаш.

### ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

1. Берилган матнда ажратиб кўрсатилган бирликларни прагматик аспектда таҳлил қилинг:

1-матн

*Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди. Онасидан машғум хабарни эшитганидан бошлаб, тинмай йиғлади, қайноқ кўз ёшлари билан юз-кўзларини ювиб, қайғу алангасида **тутақиб ёнди**, суякларига қадар **зирқираб** оғриди. Мирзакаримбойга хотин бўлиш ўнинг хаёлига бир лаҳза келган бўлса эди... Гулнор балки бунчалик ўртанмаган, бунчалик ваҳимага, саросимага тушмаган бўлар эди... (Ойбек. “Қутлуғ қон”)*

## 2-матн

*Бой ариқдан тетик хатлаб, олдинда юрди. Унинг янги амиркон кавуши юмшоқ гичирлар, шоҳи яктаги қуёшда живир-живир товланиб, учқунланиб ялтирар эди. У бознинг ташқарига қаратилган кичкина эшигига кирди. Йўлчининг кўзига "жаннатдай" катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юраверди. Орасидан қўқон арава бемалол юрадиган кенг, узун ишқомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган. Кўм-кўк ток барглари эрталабки қуёшда жилваланади... (Ойбек. "Қутлуғ қон")*

## 3-матн

*Кийик ош қолмаслик учун кўкат ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Шер оч қолмаслик учун кийикни ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Одам кўкатни ҳам ейди. Кийикни ҳам ейди. Кўнгил хуши учун шерни ҳам ўлдиради... Кейин.. уруш қилиб, бир-бирининг бошини ейди... (Ў.Ҳошимов. "Дафтар хошиясидаги битиклар")*

### Назорат саволлари:

1. Ўзбек тилида қайси морфологик бирликлар пресуппозицияни ифодалайди?
2. Феъллар қандай вазиятда пресуппозицияни ифодалашга хосланади?
3. Пресуппозиция ифодаловчи морфологик бирликлар гап семантик структурасига қандай таъсир кўрсатади?
4. Ўзбек тилида кўмакчилар қандай вазиятда пресуппозицияни ифодалашга хосланади?
5. Юкламалар қандай грамматик маънолари асосида пресуппозицияни ҳосил қилади?
6. Қайси боғловчилар гапда пресуппозиция ифодалайди?

### Адабиётлар

1. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008.
2. Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1996. - №5. - Б. 46-48.
3. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 28-31.
4. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 1986. - № 6. - Б. 42-45.
5. Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. 2001. - №4. - Б. 56-57.
6. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Самарқанд. - 1994. - 23 б.
7. Раҳимов У. Тағмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2005. - № 5. - Б. 29-33.

8. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент. 1994.

9. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. - Тошкент. 2001. - 49 б.

10. Ҳақимов М. Тағмаъно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент. - 2001. - № 1. - Б. 30-34.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс.** *Фақат, яна, холос* юкламалари қўлланган содда гапларнинг мазмуний тузилиши мураккаблашди. Натижада гапда шакл ва мазмун номуносаблиги юзага келди.

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

• Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

• *Фақат, яна, холос* юкламалари қўлланган содда гапларда юзага келган шаклий-мазмуний номуносаблик сабабини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

**2-Кейс.** Матн талқинида хатолик келиб чиқди. Матнда қўлланган тил бирликларининг прагматик маъносини эътиборга олмаслик оқибатида хатолик юзага келди.

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

• Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари
-------------	-----------------------	------------------

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шаклларда тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;



- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- бадий матннинг антропоцентрик таҳлилини мустақил ҳолда амалга ошириш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Бадий матннинг антропоцентрик таҳлили.
2. Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликлар.
3. Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликлар.
4. Ўзбек тилининг дейктик бирликлари.
5. Тилда баҳо муносабатининг ифодаланиши.
6. Ассоциатив тажриба методининг моҳияти.
7. Ассоциатив луғатларнинг тузилиши.
8. Матннинг психоллингвистик таҳлили.
9. Прецедент бирликларнинг тавсифи.
10. Ўзбек тилининг лингвомаданий бирликлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Когнитив фаолият</b>	Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир	
<b>Концепт</b>	Концепт- миллий хусусиятларни акс эттирувчи ментал тузилма бўлиб, мазмунан объект ҳақидаги барча билимларни, ифода жиҳатидан тил бирликларини қамраб олади.	
<b>Матн</b>	Матн – ментал тузилманинг тилга трансформацияси бўлиб, бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг вербал кўринишидир.	
<b>Прагмалингвистика</b>	Тил бирликларини сўзловчи, тингловчи, уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабати, мулоқот вазияти, нутқ эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари сингари нолисоний ходисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи тилшунослик йўналиши.	
<b>Индикатив бўлмаган (дескриптив бўлмаган) сўзлар</b>	Нарса-предмет, белгини номлаш хусусиятига эга бўлмаган сўзлар.	
<b>Импликатура</b>	Доимий бўлмаган, матнда тез ўзгариб турадиган, ҳатто йўқолиши мумкин бўлган маъно, мазмун элементидир.	

<b>Фонопрагматика</b>	Товуш ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи прагматик маъноларни ўрганадиган лингвопрагматика бўлими.	
<b>Лексопрагматика</b>	Лексик бирликларнинг прагматик хусусиятларини ўрганадиган лингвопрагматика бўлими.	
<b>Морфопрагматика</b>	Морфологик бирликларнинг прагматик хусусиятларини ўрганадиган лингвопрагматика бўлими.	
<b>Тагмаъно</b>	Ҳукм ичидаги ҳукм, яширин ифодаланувчи, нутқ иштирокчиларидан камида биттаси беҳабар бўлган ҳукм.	

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einföhrung. - Berlin, 2001.
2. Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994. - 311 p.
3. Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.
4. Hudson R.A. Sociolinguistics. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2001. -279 p.
5. Pragmatics in Language Teaching (ed. by K.R.Rose and G. Kasper).- Cambridge: Cambridge Univ. Press 2001.-386 p.
6. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
7. Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2010. – 320 б.
8. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2008. – 26 б.
9. Залевская А.А. Введение в психолингвистику: Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 1999. – 382 с.
10. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗДЖТУ, 2012. – 24 б.

11. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.
12. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – 25 б.
13. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2000. – 47 б.
14. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика предложения в английском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 24 с.
15. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
16. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
17. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Academnashr, 2013. – 174 б.
18. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 41 б.
19. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.
20. Farzad Sharifian. Cultural Conceptualisations and Language. Amsterdam, Philadelphia 2011.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [tdpu-INTRANET.Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)